

ЗАМИРАХОН ИСХОҚОВА

ХҲЖА
АХМАД
ВАЛИЙ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАМИРАХОН ИСҲОҚОВА

**ХЎЖА АҲМАД
ВАЛИЙ**

ТОШКЕНТ
«YANGI NASHR»
2014

УЎК: 94(575.123)(092)

63.3(5Ў)

И84

“Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси
Наманган вилояти бошқармаси

Исҳоқова, Замирахон

И84

Хўжа Аҳмад Валий / З. Исҳоқова. – Тошкент:
«Yangi nashr», 2014. – 104 б.

КБК 63.3(5Ў)

ISBN-978-9943-22-151-2

Масъул муҳаррир:

тарих фанлари доктори Қаҳрамон РАЖАБОВ

Такризчилар:

*тарих фанлари доктори, профессор Иброҳим ЮСУПОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент Акмалхон ХУСАИНОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент Эркин МИРЗААЛИЕВ*

Рисола Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Шаҳанд қишлоғида умргузаронлик қилиб, Водил қишлоғида вафот этган Хўжа Аҳмад Валий ҳамда унинг эзгу ишларини давом эттирган шахрихонлик “Девонаи эшон” номи билан машҳур бўлган Бурҳонуддин эшон, унинг авлодлари, Али Полвон ҳамда Алимбой Валийнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган. Рисола азиз зотларнинг ҳаёти ва фаолияти илк бор тадқиқ этилгани билан аҳамиятлидир. Шунингдек, рисолада Шаҳанд шифо маскани қурилиши, сихаттоҳ ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар жой олган.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN-978-9943-22-151-2

© «Yangi nashr», 2014-у.

СЎЗБОШИ

“Инсоният учун хизмат қилганлар ўлмайдилар, улар ҳамиша тирикдирлар”.

Инсоннинг ўзлигини англаши, унинг онги, руҳи ва қалбини иймон-эътиқод, эзгулик ва ишқ-муҳаббат орқали поклаш, маънавий камолот сари етаклаш ғоялари билан суғорилган тасаввуф инсон руҳий баркамоллиги учун зарур ғоя. Азиз-авлиёлар халқ назарида алоҳида хислатли кишилар ҳисобланган. Улар ахлоқий поклик, руҳий кудрат, закийлик, кишилар қалбига йўл топиш, исломий аҳкомларни бажариш, ҳақгўйликда намуна кўрсатганлар. Илоҳий ҳикмат сир-асрорини тафаккур қилиш, Ҳақ дўстлари – валий зотлар Куръон оятларининг ботиний маъноларини очишдан насибадор бўлганлар. Тасаввуфни, азиз-авлиёлар ҳаётини ўрганмасдан туриб, исломнинг маънавий-маърифий аҳамиятини англаш мумкин эмас.

Тасаввуфшунос олим, устоз Нажмиддин Комилов инсоннинг руҳий-ахлоқий покланиши ва илоҳий муҳаббат билан юксалиб бориши бу таълимотнинг асосий ғоялари эканини эътироф этганлар¹. Тасаввуф инсонпарварлик ғоялари билан омухта бўлиб, ҳақиқат талабида юрган кишилар қалбига йўл топади, инсоннинг поклик, идеал, кўнгил хуррияти ҳақидаги орзуларини ифодалайдики, *“буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросини тиклаш, қадр-қимматини жойига қўйиш, уларнинг қадамжо ва зиёратгоҳларини обод қилишдек бахт насиб этганидан ҳар биримиз ҳақли равишда фахрланамиз”*².

Мустақил юртимизнинг буюклиги ва заминимизнинг муқаддаслиги ҳақида муҳтарам Президентимиз тўлкинланиб: *“Бутун умрини имон ва эътиқод, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, поклик ва ҳалоллик, илм ва маърифат, адолат ва диёнат йўлида фидо этган зотларнинг мўътабар хоклари*

¹ Бу ҳақда қаранг: Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Мовароуннаҳр-Ўзбекистон, 2009.

² Каримов И. А. Имом Мотурудий таваллудининг 1130 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нугк / Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001. 130-бет.

макон топган замингина муқаддасдир. Агар шундай инсонлар бўлмаса, улар даҳосининг нафаси сезилиб турмаса, ҳар қандай замин оддий тупроқ бўлиб қолаверади"³, деб бежиз таъкидламаган эдилар.

Наманган вилояти аҳолисининг сони жиҳатидан Фарғона водийсида иккинчи ўринда туради. Наманганни азалдан *"боғ ва гул диёри"* дейишган. Наманган вилоятига карашли Тўрақўрғон тумани ҳам қадим тарихга эга. Тўрақўрғондан Буюк ипак йўли ўтган. Бу юртга буюк Соҳибқирон Амир Темур қадами етган. Қорадарё ва Нориндарёнинг кўшилишидан ҳосил бўлган муаззам Сирдарё бўйида ястаниб ётган Ахсикент харобалари узокдан кўзга ташланади. Темурийлар бунёд қилган бу макон зилзила туфайли ер қаъридан жой олган. Кўҳна Ахси қалъаси Фарғона музофотининг пойтахт шаҳри бўлган.

Аждодларимиз қолдирган моддий ва маданий ашёлар шу қадар ранг-баранг ва беҳисобки, биргина Ахсикент харобаларидан топилган осори-атикалар қадимдан бу кент жуда машҳур бўлгани ҳақида гувоҳлик беради...

Мухтарам Президентимиз И.Каримовнинг тарихий меъморий обидаларни асраб-авайлаш, сақлаш, илмий ўрганиш ва келажак авлодга етказиш борасидаги хайрли ишлари таҳсинга сазовордир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 сентябрдаги 338-сонли қарорига кўра, юртимизда халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси ташкил этилди. Бундан кўзланган эзгу мақсад Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий ёдгорликларни излаб топиш, зиёратгоҳ, қадамжоларни ўрганиш ва рўйхатга олиш, дунёга танитишдир.

Ахсикентнинг ёнида кўҳна Шаҳанд кишлоғи бор. Бу ерда Хўжа Аҳмад Валий боғи ва рамзий қабри мавжуд. Мақсадимиз ҳозирга қадар ўрганилмаган ва эътиборсиз қолдирилган Хўжа Аҳмад Валий билан боғлиқ маънавий меросини тадқиқ этиш-дирки, изланишларимиз юртбошимизнинг ушбу масала юзасидан чиқарган Фармон ва Қарорларига жавоб бўлади: *"Табаррук заминимизнинг қадрига етиши учун биринчи навбатда*

³ Каримов И. А. Бит келажакимизни ўз кўлимиз билан қурагимиз. Т. Ўзбекистон, 1997, 184 бет

шу юртда яшаб ўтган буюк аجدодларимизнинг маънавий жасоратини англаб, улуғлаб, уларнинг шу борадаги анъаналарини янги босқичда давом эттиришимиз керак. Айтиши керакки, маънавий жасорат аввало ўз юртига бўлган муҳаббат ва садоқатда, унинг тақдири учун фидойилик кўрсатиб яшаида намоён бўлади”⁴.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида “Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий маънавий ва маданий меросини асраб-авайлашга мажбурдирлар” дейилган. 2013 йил – “Обод турмуш йили”да вилоятимиздаги кўплаб зиёратгоҳлар қаторида яна бир обод гўша – Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Шаҳанд қишлоғидаги “Хўжа Аҳмад Валий боғи ва қадамжоз”ни обод қилиш ҳақида саъй-ҳаракатлар қилинди. Шунингдек, Хўжа Аҳмад Валий боғи Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунининг иккинчи бўлим 9-моддасида белгиланган тартиб асосида халқаро “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси Наманган вилояти бошқармаси тасарруфига ўтказилди. Ушбу жамғарма фаолияти моддий ва номоддий бебаҳо меросни тиклаш, уларни асраб-авайлаш, авлодларга етказишдек эзгу ишларга йўналтирилганки, азиз-авлиёларнинг мазорлари ва мақбараларига эътибор кучайтирилганидан фахрлансак арзийди.

2014 йил – “Соғлом бола йили”да жисмонан соғлом, маънан баркамол, зарарли таъсир ва салбий иллатлардан холи, юксак ақл-идрок, янгича тафаккурли авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмаски, фарзандларимиз келажагимиздир. Соғлом оила бўлмаса, баркамол авлод ҳам, истикболи порлоқ миллат ҳам бўлмайди. Муҳтарам Президентимиз “*Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт*”⁵, дейишларида теран маъно бор.

⁴ Каримов И. А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 15–16-бетлар.

⁵ Каримов И. Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт! Президент Ислам Каримовнинг вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари билан учрашувда сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. 1998 йил 24 декабрь.

Фарзандларимиз иймон-эътикодли, мард ва жасур, руҳи тетик, фикри тиниқ, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, Ватан равнақи учун фидойи инсон бўлиб етишишларида айнан валий зотлар, уларнинг ҳаёт тарзи идеал бўлиб хизмат қилади. Ёш авлод қалбида юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, уларни бой маънавий ва маданий мерос, тарихий кадриятларга хурмат, Ватанга муҳаббат, истиклол ғояларига садоқат руҳини сингдиришда юртимизда етишиб чиққан азиз-авлиёларнинг, шу жумладан, Хўжа Аҳмад Валий, Бурҳонуддин эшон, Али Полвон, Алимбой Валийнинг юксак ахлоқий фазилатлари ва ҳаёт тарзлари ибрат намунаси бўлади. Зеро, маърифатли жамиятнинг пойдевори буюк аждодларимиз қолдирган тафаккур сарчашмалари, маънавий мероси асосида қурилади.

Тарихий кадриятларни ўрганиш, уларни тадқиқ этиш ва халққа тақдим этиш жараёнида ҳар бир инсон ўз умрини табаррук зотлар ҳаёти ва фаолияти билан таққослаш имкониятига эга бўлади ва *“Аждодларга муносиб авлод, салафларга муносиб ворис бўла олдими”* деган савол туғилади. Жавобнинг қандай бўлиши ҳар бир инсоннинг фаолиятига боғлиқдир.

Ҳар гал қўлимга қалам олиб, ўтмиш саҳифаларини ёзишни бошлаганимда буюк мутафаккир Абу Райҳон Берунийнинг ҳикматли сўзларини ёдга оламан. Комусий олимнинг пурмаъно сўзлари ҳар бир ёзган китобим учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади: *“Мен ўзимдан илгари ўтганларнинг хизматларини мамнуният билан уқиб олдим ва уларнинг нуқсонларини, мабодо шундайлар топилса, тортинмай тузатишга тиришдим. Давримизга кеч қолганлар ва кейинроқ бунёдга келадиганлар учун муҳим ва намуна бўладиган ишларни абадийлаштиришга киришдим. Ва ҳар бир шахс (имконияти даражасида) ўз соҳасида шундай қилмоғи лозим”*⁶.

⁶ Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / Таржимон А.Расулов. Масъул муҳаррир И.Абдуллаев, О.Файзуллаев. – Т.: Фан, 1968.

МОЗИЙГА ҚАЙТИБ...

*Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини
унутган миллатнинг келажаги йўқ⁷.*

Жонажон тарихимизнинг қанчадан-қанча саҳифалари зулмат ичида қолгани сир эмас. Соҳибқирон Амир Темур барпо этган буюк марказлашган давлат парчаланиб, XVII асрга келиб учта хонликка бўлиниб кетди. Қўқон хонлиги (1709 – 1876) Ҳозирги Фарғона, Андижон, Хўжанд, Тошкент, Қирғизистон ва Қозоғистоннинг жанубий ҳудудларини ўз ичига олган эди. Хонликнинг пойтахти Қўқон шаҳри бўлган.

1709 йилда Фарғона водийсида Чодак хўжалари кўзғолон кўтариб, минглар сулоласи вакили Шохруҳбий (1710 – 1721)ни хон қилиб кўтарадилар ва мустақил давлат тузадилар⁸. Унинг Абдурахимбий, Абдулкаримбий ва Шодибий исмли уч ўғли бўлган. Шохруҳбий юртни ўн икки йил бошқариб, 1721 йилда вафот этгач, юртни бошқариш унинг ўғли Абдурахимбий (1721 – 1739)га қолади. У 33 ёшида вафот этади. Тахтга Абдурахимбийнинг укаси Абдулкаримбий (1733 – 1751) ўтиради.

Абдулкаримбий юртни обод қилишга, давлатни мустаҳкамлашга, халқ фаровонлигини оширишга доир муҳим қарорлар қабул қилган. Қалмоқларга қарши курашда жанговарлик кўрсатган. 1740 йилда Қўқон шаҳри барпо қилинади. Абдулкаримбий Қўқон хонлигини қалмоқлар ҳужумидан (1745) ҳимоя қилишда жуда катта жонбозлик кўрсатади. Абдулкаримбий саккиз йил хонлик қилиб, қирқ ёшида вафот этгач, тахтга унинг ўғли Абдуррахмонбий (1750 – 1751) ўтиради. Лекин тўққиз ойдан сўнг тахтдан ағдарилиб, Марғилонга ҳоким этиб тайинланади. Тахтни Абдуррахмонбийнинг амакиваччаси Эрдонабий (1751 – 1752) эгаллайди. Бир йилдан сўнг Абдуррахимбийнинг ўғли Бобобек тахтга даъвогарлик қилиб, ниятига эришади. 1753 йилда Ўратепа юришида Бобобек Бешарикда амирлар то-

⁷ И. А. Каримов. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 4-бет.

⁸ Бу ҳақда яна қаранг: Воҳидов Ш., Қодиров А. Шарқнинг машҳур сулолалари. – Т.: Академнашр, 2013. 543 – 546-бетлар.

монидан шафқатсизларча ўлдирилгач, тахтга яна Эрдона (1753 – 1765) чиқади. Эрдона юртни ўн икки йил бошқаради. Эрдона замонида хонлик кудрати мустаҳкамланиб, водийда тинчлик ва фаровонликка эришилган. Бу даврда Қўқон хонлигининг мавқеи ошиб, Ўш, Ўзганд каби вилоятлар ҳам бўйсундирилган эди. Эрдонанинг вафотидан сўнг 1665 йилда Шодибийнинг ўғли Сулаймонбий тахтга ўтқазилади. Лекин унга суикасд уюштирилиб, олти ойдан сўнг ўлдирилади. Тахтни Абдурраҳмонбийнинг ўғли ўн тўрт ёшли Норбўтабий (1765 – 1801) эгаллайди. Норбўтабийхон ўттиз олти йил хукмронлик қилиб, энг аввало ички низоларга барҳам беришга киришади. Чуст ва Намангандаги ғалаёнларни шафқатсизларча бостириб, Хўжандни ўзига бўйсундиради. Тошкентга қарши уруш бошлайди, лекин мағлубиятга учрайди. 1799 йилда Қўқонда Норбўтабий мадрасаси қурилиши бошланади.

Норбўтабийхон Қўқон хонлари ичида энг узоқ давлат кўриб, салтанатга эгалик қилган, эл орасида “Норбўта валломий” (“Сохибҳиммат”) номи билан машҳур бўлган. Унинг биринчи хотинидан Олимхон ва Умархон туғилган. Иккинчи хотинидан Рустамбек туғилган. Норбўтабийхоннинг Ҳожибек исмли укаси бўлиб, Шералихоннинг отаси ва Худоёрхоннинг бобосидир.

Норбўтабийхон 1801 йилда Қўқонда вафот этади. Тахтни унинг катта ўғли Олимхон (1801 – 1810) эгаллайди. Олимхон халқ орасида “золимхон” номи билан машҳур бўлганки, ўз амасиси, отасининг укаси Ҳожибекни шафқатсизларча ўлдириб, унинг оила аъзоларига кўп зулмлар қилган. Айниқса, тасаввуф илмига мункирлик қилиб, ўзи қўл берган ва хонлик тахтига чиқарган пирини дарра билан уриб жазолаган. Бунинг сабаби шуки, тақдир бўлиб, жуда катта қўшин билан кичкина қалъани мағлуб эта олмаган Олимхон пирининг олдига келиб, ундан дуо қилишини сўраган. Пири унга муроқабат йўли билан маълум вақтни айтиб, аскар юборишини ва қалъа ярим соат ичида таслим бўлишини башорат қилган экан. Олимхон пирининг айтганларига амал қилиб, қалъани қўлга киритган ва унга миннатдорчилик билдириш ўрнига: “Дуоларингиз муяссар бўлди,

вожибни тарк қилганнинг жазоси нима” деб сўраганида, пири: “Етмиш дарра қамчи” деганида, дарҳол пирини етмиш дарра урдирган экан. Пири бундан ҳафа бўлганида, Олимхон: “Авлиёга каромат сатри вожиб эди, сиз кароматни ошкор қилдингиз, ўзингиз жазо тайинладингиз, мен ижро этдим” деган.

Олимхон даврида кароматфуруш, башоратчию фолбин кирғинбарот қилинган. Қаерда шундай иш билан шуғулланган кишилар бўлса, хон ҳузурига келтирилиб, махсус арқондан (сирот кўприги) ўтишга мажбур қилинган. Кейин зиёфатга чақирилган. Мушук гўшти солинган ошдан тановул қилган кишилар тўғридан-тўғри дорга тортилган. Олимхон ўтай укаси Рустамбек ҳамда кўшлаб саркардаларнинг бегуноҳ ўлимига сабаб бўлган. Шундай разил ишлар қилган бўлса ҳам, Олимхон ўн йиллик ҳукмронлиги даврида Қўқоннинг сиёсий мавқеини мустаҳкамлаб, ҳарбий ислохотлар ўтказган. Тошкент, Чимкент, Туркистонни ўзига бўйсундирган. Мамлакат иқтисодини юксалтириш учун Россияга савдо йўли очган. 1805 йилда юртни расман Қўқон хонлиги, ўзини Қўқон хони деб эълон қилган. Шу йилларда “Хон” ва “Зарбак” каналлари қазилган. Олимхоннинг юрт фаровонлиги, мамлакат ободлиги учун олиб борган ишлари мутаассиб давлат аъёнларида норозилик туғдиради. Улар фитна қилиб, “Олимхон ўлди” деган миш-миш таркатиб, тахтга унинг укаси Умархон (1810 – 1822)ни ўтказадилар.

Олимхон фитнадан хабар топиб Қўқонга қайтаётганида уни йўлда отиб ўлдирадилар. Баъзи манбаларда Олимхон барча қилган зolimлиги учун ўғли Шохруххон билан бирга биёбонда ўлдирилиб, кейин Қўқонга олиб келинган дейилган. Норбўтабийнинг иккинчи ўғли Умархоннинг ҳукмронлиги сиёсий низолар даврига тўғри келди. Табиати шеърятга мойил, санъатга ва адабиётга меҳр кўйган Умархон юртда илм-фан ривожини учун ибратли ишлар қилган. Унинг хонлик даврида мактаб, мадраса, масжидлар қурилган, илмга ривож берилган. Умархон “Амирий” тахаллуси билан шеърлар ёзган. Умархон истеъдодли шоира Нодирабегим (Моҳларойим) (1792 – 1842) га уйланган ва ижодий ҳамкорлик қилган.

Умархон ўн икки йиллик хонлик даврида нимаики иш қилса, уламолар фатвоси билан қилган. Шунинг учун унинг хонлик даврида мамлакат тинч ва фаровон, халқ осойишта умр кечирган. Шариат ҳукмларига қатъий амал қилгани учун Умархон уламолар томонидан “жаннатмакон” лақабини олган. Умархон давлат арбоби сифатида хонликнинг қўшни давлатлар билан муносабати масаласига катта эътибор қаратади.

1812 – 1813 йилларда Қўқон хонлиги ва Россия ўртасида элчи айирбошланади. Хонлик чегаралари ва савдо йўлларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жиддий чоралар кўрилиб, махсус фармонлар чиқарилади. Умархон Олимхон олиб борган ислохотларни давом эттириб, Чимкент ва Туркистонни қайтадан босиб олади ва Россия билан савдо алоқаларини тиклайди. 1817 йилда Ўратепани босиб олиб, дахшатли қатлиом ўтказди. Умархон даврида Шаҳрихон бунёд этилган, ариқлар қазилиб, “Шаҳрихонсой” деб ном берилган. Умархоннинг ижтимоий соҳадаги ишлари овоза бўлиб, унга “амир ул-муслимийн” унвони берилган. Унинг вафотидан сўнг тахтга ўн беш ёшли ўғли Муҳаммад Алихон (1822 – 1841) ўтиради. У отасининг сиёсатини давом эттиришга уриниб, кўплаб урушлар қилади. 1829 йилда Кошғарга хужум қилиб, етмиш минг кашқарликни ўзи билан бирга Қўқонга олиб келади ва “ғозий” лақабини олади. Кофирларга қарши курашда ҳеч бир мусулмон подшоси ғозийлик мақомига эришмаган. Ҳаттоки буюк соҳибқирон Амир Темур ҳам ғозийлик унвонига ноил бўлмай, туғроларда “соҳибқирон” деб васф қилинади, лекин “ғозий” дейилмайди.

Урушдан қайтгач, Муҳаммад Алихон умрининг қолганини хою ҳавасга бериб, давлат ишларида калтабинликка йўл қўяди. Кундалик юмуши ов қилиш, овчи итларни парваришlash ва майшатбозлик бўлиб, халқнинг аҳволи заррача ташвишлан-тирмаган. Муҳаммад Алихон мамлакат парокандалигини янада тезлаштириб, отасининг хотини, яъни ўғай онасига уйланади. Бу эса уламолар ва халқ орасида кучли норозилик туғдиради. Муҳаммад Алихон отасининг ишини давом эттириб, 1833 –

1834 йилларда Туркия давлатига элчиларни жўнатади ва савдо алоқаларини барқарорлаштиради. 1835 – 1836 йилларда Қўқон қўшинлари Таласга қарши ҳужум қилади. 1837 – 1838 йилларда Қоратегин ва Дарвоз Қўқон хонлигига тобе бўлади.

1841 йилда Қўқонда Муҳаммад Алихонга қарши кўзғолон бўлади. Муҳаммад Алихон тахтдан воз кечади. Унинг туғишган укаси Султон Маҳмуд (1841 – 1842) хон бўлади. Орадан олти ой ўтгач, 1842 йилда Бухоро амири Насруллохон лашкар тортиб келиб, Қўқонни босиб олади ва Муҳаммад Али, унинг онаси Нодирабегим, фарзандлари, хотини ва укаси Султон Маҳмуд, сарой аъёнларини қатл эттиради. Бухоро амирининг ноиб Иброҳим парвоначи икки ойлик ҳукмронлик даврида янги солиқлар жорий қилиб, халққа жабр-ситамни кучайтиради. Етмиш кундан сўнг қўқонликлар кўзғолон кўтариб, амирнинг ноибини ўлдирадилар. Қўқондан манғитларни ҳайдаган халқ Норбўтабийнинг укаси Ҳожибекнинг ўғли Шералини хон қилиб кўтаради. Шералихон (1842 – 1845) Мусулмонкул қипчоқни мингбоши этиб тайинлайди. 1845 йилда Ўшда бўлиб ўтган кўзғолонни бостириш учун кетган Шералихоннинг Қўқонда йўқлигидан фойдаланиб, Муродхон (1845 йил – 3.И.) тахтга чиқиб олади ва Шералихонни ўлдиришга буйруқ беради. Муродхон Мусулмонкул қипчоқни ўз мансабида қолдиради. Бу унинг жуда қатта хатоси эди. Шералихондан беш фарзанд қолган бўлиб, биринчи хотинидан Саримсоқбек, Султон Муродбек ва Худоёр, иккинчи хотинидан Маллахон ва Сўфибек эди.

Мусулмонкул қипчоқ Наманганда бўлган ҳукуматга қарши кўзғолонни бостириб, ўз қизини Шералихоннинг ўғли Худоёрга олиб беради. Муродхонни фитна билан ўлдиртириб, унинг ўрнига ўн тўрт ёшли Худоёр (1845 – 1858)ни тахтга ўтқазади. Муродхоннинг ҳукумати бир ҳафтага етади, холос. Худоёрхон ёш бўлгани учун ҳукуматнинг барча ишларини Мусулмонкул қипчоқнинг ўзи юргизади. Худоёрнинг акаси Саримсоқбекни Хўжанддан чақириб олиб, ўлдиртиради ва хонлик можаросидан қутулади. Мамлакат пароканда бўла бошлайди, барча лавозимларни қипчоқларга олиб берган Мусулмонкул қипчоқ халқ

нафратига учрайди. Мусулмонкул кипчоқ мажбуран лавозимидан бўшатилади. 1852 йил 9 октябрь куни Қўқон ва Тошкентда кипчоқлар кирғини бошланади. Натижада 20 мингдан ортиқ кипчоқ ўлдирилади. Кипчоқларга қарашли барча мол-мулк, ер-сув мусодара қилинади. Мусулмонкул кипчоқ асир олиниб, темир қафасга солинади ва дарвозага осиб қўйилиб, Худоёрхон томонидан қатл қилинади. Шундан сўнг Худоёрхон юртни ўзи бошқаради. Юртни обод қилиш, масжид ва мадрасаларни таъмирлаш, янгиларини қуриш, анҳорлар қазииш, боғлар барпо этиш, мусофирхона, ҳаммом ва сардобалар қуриш ишларига катта эътибор қаратилади. 1855 йилда Худоёрхоннинг фармони билан Чинобод канали қурилади.

Худоёрхон ҳукмронлигининг дастлабки йилларида вилоятларда ғалаёнлар, қўзғолонлар кучайиб, халқ аҳволи оғирлашади. Худоёрхоннинг саркардаси Маллабек қўзғолонларнинг тинч йўл билан бостириб, солиқларни икки маротаба қисқартиришга эришади ва Худоёрни номаъқул ишлардан юз буриб, мамлакат фаровонлиги учун савобли ишлар қилишга чақиради. Худоёрга бу панд-насихатлар ёқмай, Маллахонни ўлдириш пайида бўлади. Лекин нияти амалга ошмай, унинг ўзи Бухорога қочишга мажбур бўлади.

Маллахон (1858 – 1862) шаҳарга кириб, тахтни эгаллагач, отаси Шералихон замондаги шариат қоидаларини жорий қилган. Мудофаани кучайтириб, ислохотлар ўтказган. Россия билан муносабатларни тиклашга ҳаракат қилади. Аммо рус қўшинлари дўстона муносабатларга зид равишда бир неча қалъаларни босиб олиб, уларни вайронага айлантиради. Маллахоннинг юзбоши, мингбоши, қозию муллаларга барча ҳуқуқларни бериб, халқни уларнинг ҳар қандай жабру жафосию, ситамларига чидашга мажбур қилиши халқнинг норозилигига сабаб бўлади. Ҳокиму давлат аъёнларининг устидан ёзилган ариза ва шикоятлар ўқилмай оловга ташланар, хон халқнинг дардига кулоқ солиш ўрнига золимларнинг тарафини оларди.

Иш шу даражага етдики, халқнинг арзи ҳолига Маллахон “муллою беклар урғин сридан гул кўқарар, ўтда куймас, қиё-

матда қамчи еган ери оғримас” деган жавобларидан безор бўлган бир гуруҳ мазлумлар уни 1862 йил 25 февралда ўлдирадилар. Тахтга Саримсокбекнинг ўн беш ёшли ўғли Шоҳмуродбек (1862 – 1863) ўтказилади. Шоҳмуродбекнинг хонлиги бир неча ой давом этган. Амир ва саркардалар ҳали она сути оғзидан кетмаган Шоҳмуродбекка ишонмай, рус қўшинларидан хавфда бўлиб, Худоёрхонни Бухородан олиб келиб, хон қилиб кўтаришни маъкул кўрадилар. Худоёрхон 1863 йилда иккинчи марта (1862 – 1863) тахтга ўтиради. Марғилонга қочиб кетаётган Шоҳмуродни тутиб келтиришгач, Худоёрхоннинг унга раҳми келиб, ўлдиртirmайди. Мамлакатда фитна, ички низолар авж олиб, Худоёрхон яна Бухорога қочишга мажбур бўлади. Шоҳмурод Қўқонга такроран хон қилиб кўтарилади, икки кун хонлик тахтида ўтиради ва фитна билан ўлдирилади.

1863 йил 9 июль куни Маллахоннинг ўғли Султон Саййидхон (Султон Муродхон) (1863 – 1865) тахтни эгаллайди. Хонларнинг шу тахлит бетартиб, бири кетиб, иккинчиси келиши, Қўқон хонлиги арининг уясига ўхшаб кирди-чикди бўлганидан халойиқнинг “қулоқлари қар ва ақллари танг” бўлади. Хонлик салтанати гўёки болалар ўйинига ўхшаб кетади. Ички низолар ва мамлакатдаги сиёсий ҳолатдан усталик билан фойдаланган оқпошшо қўшинлари Туркистон ва Чимкентни босиб олади. 1865 йилда Тошкентга ҳужум уюштирилади. Ниёзбек қишлоғи ҳарбий горнизонга айлантдирилади. Генерал М.Черняев қўшини Бўзсув тўғонини бузиб ташлайди. Натижада Тошкент сувсиз қолади. Бу ҳолатдан эсанкираб қолган бир гуруҳ тошкентлик хоинлар Тошкент дарвозаларини очиб беришга шайланганларида 1865 йил 8 май куни Қўқондан мадад кучлари етиб келиб, Дархонда шиддатли жанг бўлади ва хоинликнинг олди олинади. Шундай бўлса ҳам, оқпошшо қўшинининг қўли баланд келиб, 1865 йил 15 май куни Тошкент руслар қўлига ўтади. Тошкентликлар мардонавор кураш олиб бориб, қаттиқ қаршилик кўрсатсалар ҳам, икки кундан сўнг таслим бўлишади. Қўқон хонлигига Худойкулбек ўтиради ва ўн тўрт кун юртни бошқариб, хазинани олиб Кошғарга қочиб кетади. Худоёрхон

(1865 – 1875) учинчи марта хонлик тахтига ўтиради. Бу даврда “Мадрасаи олий”, “Мадрасаи Ҳоким олим”, “Мадрасаи Султон Муродбек” каби меъморий обидалар қурилган, янги анҳор ва ариқлар қазилган. Ҳозирги Мингбулок тумани ўша вақтда Момохон вилояти деб аталган экан⁹. Момохонда Худоёрхоннинг ёзги қўрғончаси бўлган. Косонсой туманидаги Хонқўрғон кишлоғида ҳам Худоёрхоннинг дам оладиган маскани бўлган. 1868 йилда Худоёрхон оқпошшо билан шартнома тузади. Бу эса Қўқонда бир неча муддат осойишталик бўлишига замин ярагади, юртда ободончилик ишлари олиб борилади. 1869 – 1870 йилларда Улуғнаҳр (ҳозир Улуғнор деб аталади – З.И.) канали қазилади. 1870 йилда Қўқондаги меъморий ёдгорликлардан бири¹⁰ Худоёрхон ўрдаси қурилиши бошланади ва 1873 йилда қуриб битказилади.

Худоёрхонга ўрдада беш йил умргузаронлик қилиш насиб этган. Ўрда тўғри тўртбурчак тархли бўлиб, сунъий тепаликка баланд ғиштин пойдеворли қилиб қурилгани учун жуда маҳобатли кўриниш ҳосил қилган. Ўрдада Куръон суралари каби 114 та хоналар, жумладан, хон қароргоҳи, сарой аҳли яшайдиган, турли мақсадда фойдаланиладиган юзга яқин катта-кичик хоналар, ички-ташқи ҳовлидан иборат бўлган. Ҳовлида айвон, кўринишхона, хазинахона, алоҳида саҳдли масжид, ҳовли ўртасида марказда хон қароргоҳи, саломхона, хўжалик бинолари ҳамда иккинчи ҳовлини унинг саҳни билан боғланган ҳарам ва хос хоналар мавжуд. Ўрда ўйма ганчкорлик нақшлари билан безатилган, айвон саҳнига мрамор ётқизилган, деворлари нақшлар билан зийнатланганки, ҳозиргача маҳобатини йўқотмай, у ерга келган сайёҳларни ҳайратга солмоқда.

Мамлакат парокандаликка юз тутганидан фойдаланган оқпошшо қўшинлари тарқоқ ҳолга келган буюк мамлакатни бирма-бир босиб олиб, халқни қуллик асоратига солади. Уч мустақил ўзбек давлати шу тариқа ўзаро бирлашолмай, мустам-

⁹ Бу ҳақда яна қаранг: Абдулла Жаббор. Наманган вилояти, 102-бет.

¹⁰ Қўқонда “Мадрасаи Мир” номи билан машҳур Норбўтабий мадрасаси, “Дахмаи шохон”, “Дахмаи Модарихон” меъморий мажмуалари, “Миён Ҳазрат”, “Қамол Қози” мадрасалари, “Жомеъ масжиди” каби меъморий ёдгорликлар ҳам сақланиб қолган.

лакага айланади. Халқ жуда оғир кунларни бошидан кечирар, унинг хонга қарши норозилиги кучаяр, айрим жойларда ғалаёнлар бўлиб турарди.

Тарихда “Пўлатхон кўзғолони” (1873 – 1876) номи билан қолган исён халқнинг Худоёрхонга, унинг амалдорлари зулмига, оқпошшонинг мустамлакачилик сиёсатига қарши очиқ норозилиги эди. Пўлатхон Мусулмонкул қипчоқ кўлида қатл этилган Муродхоннинг ўғли эди. Ҳақиқий Пўлатхон ўрнига сохта Пўлатхон майдонга чиқади. Унинг атрофига даштлик жангари қирғиз ва қипчоқ аскарлари тўпланади. Сохта Пўлатхон шу даражада шафқатсиз ва бераҳм бўлганки, халқ унга “Заҳхоки соний” деб лақаб қўйган. Тўрт йил давом этган исён 1875 йил 22 июлда Худоёрхоннинг тахтни ташлаб қочиши билан кучли кўзғолонга айланади. Бу фуқаролар урушига айланиб кетишига сабаб бўлиши мумкин эди.

Хонликдаги оғир вазиятни тўғри ҳал қилишга бел боғлаган Абдурахмон офтобачи Кўқон хонлигининг эски чегарасини тиклаш баҳонасида Туркистон генерал-губернаторлигига ғазавот эълон қилади. Бундан кўзланган асосий мақсад халқни бир байроқ остида – озодлик учун курашга бирлаштириш, ташаббусни қўлга олиш, халқ озодлиги учун бел боғлаган Пўлатхондан қутулиш ва уни сиёсий майдондан четлаштириш эди. Бунинг оқибати кўзғолончиларнинг беғуноҳ қонлари тўкилишига сабаб бўлади. Оқпошшо қўшинининг жанговар ҳаракати туфайли кўзғолон бостирилиб, шаҳар жангсиз эгалланади. Кўқон хонлиги оқпошшонинг хазинасига ҳар йили 500 минг сўм товон пули, Марғилон аҳолиси 125 минг тилла танга жарима тўлаши белгиланади. Бу яна бир норозиликка сабаб бўлади. Марғилонликлар янги ҳукуматга қарши бош кўтардилар. Уларга жуда кўп шаҳар ва қишлоқ аҳли қўшилган бўлса ҳам, жанговар қуролланган оқпошшо қўшинлари кўзғолонни шафқатсизларча бостирадилар. Уларга қаршилиқ кўрсатган қишлоқлар ер билан яксон қилиниб, аҳоли ёшу қари демасдан аямай ўлдирилади.

Генерал Скобелев бошчилигида кўзғолончи қипчоқларга қарши “икки сув ораси операцияси” ишлаб чиқилади. Натижа-

да 1876 йил 8 январда исёнчи кипчокларга қарши жазо отряди юборилиб, шу баҳонада кипчокларга қўшиб йигирма минг андижонлик аҳоли ҳам қатл қилинган. Жазо отряди Асака ва бошқа жойларда қўзғолончиларни аёвсиз жазолайди. 1876 йилда Қўқон хонлиги расмий равишда Россия империясига қўшиб олинади. 1876 йил 19 февралда хонлик тугатилиб, Қўқон хонлиги Россияга қўшиб олинганлиги ва хонлик ўрнига Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Фарғона области тузилганлиги эълон қилинади. 1876 йил февралда Марғилон шаҳрида қўзғолончилар бошлиғи Пўлатхон дорга осиб ўлдирилади. Пўлатхоннинг ўлиmidан кейин ҳам миллий озодлик кураши тарқоқ ҳолда давом этади¹¹.

Ўтмиш ҳукмдорлар тарихи уларни сиёсат майдонига олиб чиққан халқ тарихи билан бевосита боғлиқ бўлганки, “Имом кандоқ бўлса, қавми ҳам ўзига ўхшаган бўлади” деган нақлга нисбат берсак, муайян тарихий шароитдаги халқнинг феъл-атвори, туриш-турмуши, амаллари қандай бўлса, унинг устидан ўшанга лойик ҳукмдор бош бўлади. Бундан Худоёрхон ҳам мустасно эмас. Худоёрхоннинг аччиқ қисмати, ғоят танг вазиятда ҳукмдорлиги устидан чиқарган шафқатсиз ҳукм авлодларга узоқ замонлар сабоқ бўлса ажабмас. Худоёрхон хонлик тахтини қайтариш умидида қоп-қоп ваъда берган оқпошшонинг олдига боришни режалаштирган. Туркистон генерал-губернатори аллақачон қисмати ҳал қилиб бўлинган Худоёрхонга Россияда яшаб, қолган умрини шод-хуррам ўтказиш таклиф қилинади. Шубҳасиз, бу таклифдан дарғазаб бўлган Худоёрхон мустақил давлат ҳукмдори эканини таъкидлаган бўлса ҳам, қўлидан ҳеч нарса келмаслигини англайди. Худоёрхонга Петербургга боришга рухсат берилмай, Оренбургда ушлаб қолинади. Ўша вақтдаги Оренбург губернатори Крижановскийга

¹¹ Бу ҳақда яна қаранг: Бобобеков Х. Қўқон тарихи. – Т.: Фан, 1996; Ражабов К., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. – Т.: Университет, 2002; Мухаммадхакимхон Тўра. Мунтахаб ут-таво-рих. – Т.: Янги аср авлоди, 2010; Х.Бобобеков. Пўлатхон қўзғолони. – Т.: 1996; Амирсаидов А., Эгамбердиев А. История Кокандского ханства. – Т.: 2007; Бабабеков Х. Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки. – Т.: Фан, 1990; Исмоилова Ж. Фарғона водийсида миллий озодлик курашлари. – Т.: 2003; Мулла Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон. – Т.: Янги аср авлоди, 2009.

Худоёрхонни қаттиқ назорат остида сургунда ушлаб туриш ва-зифаси юклатилган. Худоёрхон Оренбургда ташки дунёдан бутунлай узиб кўйилган бўлса ҳам, икки йиллик азоб-укубатдан сўнг 1877 йилда яширин равишда Оренбургдан ҳаж сафарига жўнаб кетади. Ҳаж сафаридан қайтишда Боғдодга кетаётган вақтида тоби қочғач, Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳри-да карвондан ажраб қолади. Худоёрхон 1879 йилнинг кузида шу ерда вафот этган ва Мозори Шарифнинг Каррух қабристонига дафн этилган.

Кўқон хонлигининг таназзули давлат раҳбарларининг худ-бинлиги, ўзбилармонлиги, лоқайдлиги, келажакни кўра ол-маслиги, давлат аъёнларининг ўзаро уюшмаслиги, фитнабоз-лигида эди. Исҳоқхон Ибрат алам билан ёзганидек, “тарихлар ғамни тоза қилади, лекин бундан аҳли андишалар ибрат ола-дилар”. Шундай бўлса ҳам халқ бошига тушган барча қирғин-барот ва хунрезликларга сабр-бардош билан чидаган ва ёруғ кунлар келишига ишонган. Халқ бутун аламини меҳнатдан олганки, юртни обод қилиш, мамлакатни бой-бадавлат қилиш, солиқларни тўлаш халқнинг зиммасида эди.

Халқ боғ-роғлар яратишдан чарчамади, йўллар очди, ариқлар қазиди, кўприклар қурди, чўлларни гулистон қилди. Дориломон йилларда бунёд этилган Хўжа Аҳмад Валий боғи-ни фидойи аждоқларимизнинг чинакам ваганпарварлиги, бунёд-корлиги, саховатпешалиги намунаси бўлган дейиш ўринлидир.

Тарихни такрорлашдан мақсад ўқувчини чалғитиш эмас, ак-синча, ҳар қандай ҳолатда ҳам тафаккур эгаларининг **ҲАЗРА-ТИ ИНСОН** бўлиб қолганини кўрсатиш, бугунги мустақиллик неъматига шукроналик келтириш, бошимизга тушган жиндек-кина қийинчилик ёки мусибат учун йиғлаб-сиқташ эмас, ак-синча, ҳақиқат учун курашиш, ўзликни унутмаслик учундир.

Таассуфлар бўлсинки, 130 йиллик истибод ва мустабид ту-зум бизни жуда кўп мерослардан маҳрум қилди. Энг асосийси, улуғ маънавий меросимиз – исломий тарбияга путур етди. Бу ҳам етмаганидек авлодларимиз диннинг душманлари қилиб тарбияланди, ҳақиқий маънавият, ахлоқ ва тарбия йўқ қилишга

уринилди. Минглаб масжиду мадрасалар ёпиб қўйилди, улуг мураббийларимиз қатагон қилинди. Бу халқимиз учун офату бало бўлиши билан бирга зўр синов даври ҳам бўлди. Аммо халқ накли бор: “оққан дарё окмай қолмас экан”.

Мозийга қайтиб иш қилмоқ хайрликдир, дейди машоъйихлар. Эзгу мақсадимиз ҳам ўтмиш саҳифаларини варақлаб, зулматдан ёруғлик сари интилиш, маънавий хазиналаримизни халқимизга танитиш, йўқолиб бораётган кадриятларимизни асраб қолишдир¹².

¹² Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари юртимиз ва хориж қўлёмалар фондида ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди. Жумладан, Фазлий Фарғонийнинг “Умарнома” (форс тилида, 1822 йил), Мирзо Қаландарнинг “Шоҳномаи нусратпаём” (форс тилида, 1823 йил), Дилшод Барнонинг “Тарихи муҳожирон” (форс тилида, 1820 йил), Увайсийнинг “Воқеати Муҳаммад Али” (ўзбек тилида, 1843 йил), Мутрибнинг “Шоҳномаи Девона Мутриб” (ўзбек тилида, 1843 йил), Мулло Шамсийнинг “Жаигномаи Худоёрхон” (ўзбек тилида, 1853 йил), (форс тилида, 1853 йил), Убайдуллох Муҳаммаднинг “Хулосат ул-аҳвол” (форс тилида, 1865 йил), Бекназарнинг “Амирлашкар жангномаси” (ўзбек тилида, 1865 йил), Абдулвосё Манзурнинг “Тазкирайи султоний” (форс тилида, 1871 йил), Махзун Зиёвулдин Хўқандийнинг “Тарихи Фарғона” (форс тилида, 1881 йил), Муҳаммадонусхон Тоибнинг “Ҳақиқат ул-анвор” (форс тилида, 1887 йил), Муҳаммадсолиххўжа Тошқандийнинг “Тарихи жадидаи Тошқанд” (форс тилида, 1888 йил), Муҳаммадфозилбекнинг “Мукаммали тарихи Фарғона” (ўзбек тилида, 1906 йил), Махмуд Ҳаким Шоди Муҳаммад Яйпанийнинг “Хуллас ут-таворих” (ўзбек тилида, 1914 йил) каби асарлари тадқиқ этилиб илмий муомалага киритилса, нур устига аъло нур бўларди.

ХҲЖА АҲМАД ВАЛИЙ КИМ БЎЛГАН?

*Шаҳондадир Хўжа Аҳмад Валий,
Тавоф қилган бўлар юртнинг гўзали*¹³.

Ўрта асрларда Бухоро илму маърифат ва маданият тарқатишда Мовароуннаҳрда йирик марказ сифатида шуҳрат топган. Бухорода турли асрларда бино қилинган икки юзга яқин мадрасаларда ўз даврида минглаб толиби илмлар диний ва дунёвий билимларни олиб, бутун Ўрта Осиё бўйлаб зиё тарқатганлар. Улардан бири Хўжа Аҳмад Валийдир.

Халқ орасида “Хўжаматвалибува” номи билан машҳур бўлган Хўжа Аҳмад Валий 1701 йилда Бухорода таваллуд топган¹⁴. Унинг отаси бухоролик Муҳаммад Валий нақшбандийлик тариқати пешволаридан бўлиб, замонасининг билимли, зукко, донишманд, зиёли кишиси бўлган. Онаси Маликаи Шаҳзода туркиялик бўлган. Ривоятга кўра, бир куни Маликаи Шаҳзода тушига ошпоқ кийимли нуроний киради. Нуроний унга: “Сиз яқинда Муҳаммад Валий исмли инсонга турмушга чиқасиз, ундан бир фарзанд кўрасиз, юкли бўлганингизда хушёр бўласиз, ҳалол луқма берасиз. Унга Хўжа Аҳмад деб исм қўясиз, у замонасининг етук валийларидадан бўлади, то қиёматгача номи ўчмайди. Бола тугилганида бошининг икки томонида кокил сочлари бўлади, унга тиг теккизмайсиз” дейди. Маликаи Шаҳзода кўрган тушини мулоҳаза қилади. Тез орада ҳаж сафаридан қайтаётган Муҳаммад Валий Туркияга келиб, карвонсаройда тўхтади. Унинг донишмандлиги уламоларнинг оғзига тушади. Муҳаммад Валийни бир уламонинг уйига маърифий суҳбатга таклиф этишади. Суҳбат асносида Муҳаммад Валийнинг ёши ўттиздан ошгани, илм-маърифат эгаллагани, лекин ҳали оила қурмагани маълум бўлади. Маликаи Шаҳзоданинг отаси Муҳаммад Валийнинг иқтидорини юқори баҳолаб, унга кизини бермоқчи бўлиб, ўртага одам қўяди. Муҳаммад Валий рози бўлади. Чунки унинг тушида ҳам туркиялик қизга уйланиши

¹³ Ўқтам Мирзо. Наманганнома. Наманган, «Наманган» нашриёти, 1993. 172-бет.

¹⁴ Қулфидлинов Х. Жаннатмакон диёр. Фарғона, «Фарғона» нашриёти, 2008. 21-бет.

башорат қилинган эди. Томонлар тўйга ҳозирлик кўра бошлайди. Лекин Маликаи Шаҳзода тўйга розилик бермайди. Онасига кўрган тушини айтади. Онаси куёв бухоролик экани, бу тушнинг хосиятли бўлишини айтади. Шу тариқа тўй бўлиб ўтади. Муҳаммад Валий келинни олиб, Бухорога жўнайди. Ой-куни етиб, Маликаи Шаҳзода ўғил кўради. Ҳақиқатан ҳам нуроний айтганидек, чақалоқнинг бошининг икки томонида кокил сочлари бор эди. Маликаи Шаҳзода кўрган тушини Муҳаммад Валийга айтиб беради. Шундан сўнг Хўжа Аҳмаднинг кокилига тиғ теккизишмайди.

Хўжа Аҳмад дастлабки таълимни отасидан олган. Сўнг ўқишни мадрасада давом эттирган. Ноёб истеъдоди ва илмга ташналиги учун устозлар томонидан берилган вазифаларни сидкидилдан адо этган. Натижада мадрасани муддатидан олдин тамомлаган. Отаси Хўжа Аҳмаддаги иктидорни тўғри баҳолаб, уни нақшбандийлик тариқаги пирлари тарбиясига беради. Хўжа Аҳмад тариқат сирларини мукамал ўрганади. Нафс тарбияси билан машғул бўлади. Устозларининг ўғитларини ҳаётининг шиорига айлантирган Хўжа Аҳмад Валий умрининг сўнгги нафасигача Муҳаммад (с.а.в.)нинг “Аллох хулклари билан хулкланингиз” ҳадисига амал қилиб яшаган. Иршод олгач, бир неча муддат Бухоро мадрасасида мударрислик қилган.

Хўжа Аҳмад Валий халқ назарида алоҳида хислатли киши ҳисобланганки, бу зот ахлоқий поклик, руҳий қудрат, закийлик, кишилар қалбига йўл топиш, исломий аҳкомларни бекам кўст бажаришда барчага намуна бўлган. Айниқса, илоҳий ҳикматларни чуқур шарҳлашда, Қуръон оятларининг ботиний маъноларини тафсир қилишда Хўжа Аҳмад Валий кучли иктидор эгаси сифатида танилган.

Хўжа Аҳмад Валийнинг ибратли сўзлари, хатти-ҳаракатларини кўрган ёхуд эшитган киши ўзидаги қусур-қамчиликларни тузатишга интилган. У зотнинг валийлик рутбасига эришиб, исмига “валий” сўзи қўшиб айтилишининг сабаби шундаки, ўзининг хушхулклиги, гўзал ахлоқи, озолидан нур ёғилиб ту-

риши, нафси устидан ҳоким бўлиб, таъмагирлик қилмаслиги, бошқаларнинг етказган озорини ҳеч бир эътирозсиз қабул қилиши ва бошқаларнинг айби учун ўзини айбдор ҳисоблаб, узр сўраши, барчага меҳр-шафқат кўрсатиши билан халқ орасида меҳр қозонган.

Тасаввуф оламида валийлар Аллоҳнинг дўсти ҳисобланган. Валийлар Аллоҳ зоти ва сифатини мукаммал биладиган, унинг буюрганларини бажариб, гуноҳлардан ўзини сақлаган, дуолари мустажоб, солиҳ, ориф, илоҳий марҳаматга эришган Аллоҳнинг севимли бандалари бўлишган.

Хўжа Аҳмад Валий Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)ни тушида кўради ва Пайғамбаримиз унга эл-юрт орасида ислом динини ривожлантириш учун сафарга чиқишига ишора қилдилар: “Туянгиз қаерга чўкса, ризқингиз ўша ерда” деб илоҳий амр берадилар. Кўрган тушидан илҳомланган Хўжа Аҳмад Валий Бухородаги шогирдларию, обрў-эътиборига қарамай, йўлга тушади. Бир муддат Самарқандда истиқомат қилиб, улуғларни зиёрат қилгач, Сирдарё бўйлаб йўлини давом эттиради. Туя ҳеч қаерда тўхтамайди. Хўжа Аҳмад Валий Аҳсикентга келгач, туя йўлини ўзгартиради ва Сирдарёнинг тепа қисмида жойлашган Шаҳанддаги Бозорбоши қабристонини ёнида чўқади.

Хўжа Аҳмад Валийнинг бу гўшага келиши атрофдаги одамларни ҳайратга солади. Улар туя ва уни миниб олган дарвешга қизиқиб қарашади. Бир зумда атрофдан одам йиғилади. Хўжа Аҳмад Валий ўзининг ким эканини ошкор қилмайди. Меҳмондўст шаҳандликлар Хўжа Аҳмад Валийга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатишади. Шу тариқа Хўжа Аҳмад Валий бу ерда истиқомат қилиш учун қолади. Халқ хашар йўли билан у зотга уй қуриб беради. Тез орада Хўжа Аҳмад Валий илму маърифати, феъл-атвори, ахлоқ-одоби билан барчага манзур бўлади. Хўжа Аҳмад Валийнинг олдига кўплаб толиби илмлар келишади. Хўжа Аҳмад Валий шогирдларига тариқатдан таълим бериб, унга эргашганларни “олисликдан яқинлик” даражасига етказган. Унинг зикри жаҳрий бўлиб, Аллоҳ исмини баланд овозда айтиб зикр тушган.

Хўжа Аҳмад Валий шогирдларига нақшбандийлик тариқатининг қоидалари “хуш дар дам” (“ҳар бир нафасни хушёрлик билан олиш”), “назар бар қадам” (“ҳар бир қадамни эҳтиёткорлик билан босиш”), “сафар дар ватан” (“ўз ватанида, ўз уйида ўтирса ҳам, фикран ва зикран бутун коинотни сайр қилиш, уни тафаккур қилиш”), “хилват дар анжуман” (“ўзи халқ ичида, анжуманда бўлса ҳам, хилватда ўтиргандек фикру зикри Аллоҳ билан бўлиш”), “ёдқард” (“тил ва дил билан Аллоҳни зикр қилиш”), “боз гашт” (“зикр пайтида хотирни паришон қилмаслик ва Аллоҳдан бошқани ёдга келтирмаслик”), “нигоҳ дошт” (“бир нафасда қалб хузури билан калимаи тоййибани бир неча марта такрорлаш”), “ёд дошт” (“доимий равишда Аллоҳни ёдда тутиш, қалбни ғафлатдан саклаш”), “вуқуфи замо-ний” (“неъматларга шукр ва тақсир-камчиликларга узр келтириб юриши”), “вуқуфи ададий” (“Ла илоҳа иллаллоҳ” зикрини нафас олмасдан такрорлаш ва муайян ададларни кам ёки зиёда қилмаслик”), “вуқуфи қалбий” (“зикр килувчининг қалби Аллоҳ билан боғлиқ ҳамда Аллоҳдан огоҳ бўлиб туриши”) каби қудсий ҳикматларни ўргатганлар.

*“Ҳалол ризқ топиш ҳар бир мўмин учун вожибдир”*¹⁵ки, Хўжа Аҳмад Валий ҳам “луқмаи ҳалол” топиш, ҳалол касб билан шуғулланиб кун кечириб дарвешларнинг асосий сифати деб ҳисоблагани учун бир парча ерда деҳқончилик билан шуғулланган.

“Деҳқонки дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар” дейилганидек, деҳқончилик бошқа касблардан юқори турган. Бунинг сабаби шундаки, бошқа соҳадаги одамлардан, дейлик, ҳунармандлардан ажойиб ашёлар, меъмор-қурувчилардан буюк бинолар неча ўн, юз, ҳатто минг йилларга ёдгор бўлиб қолади ва бу ёдгорликлар билан бирга уларнинг номлари узоқ вақт яшайди. Деҳқоннинг меҳнати эса фийсабилиллаҳ чекилган заҳмат: унинг меҳнат маҳсули ер устида қолмайди, ердан пайдо бўлиб, яна ерга сингиб кетади. Аммо унинг маҳсули билан инсон тирик ва дастурхон тўқиндир.

¹⁵ Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. 104-бет.

Хўжа Аҳмад Валий камтарона яшаган, фақирликни фахр билиб, бу дунёга фоний кўзи билан, охиратга бокий дунё кўзи билан қараган. Хўжа Аҳмад Валий ҳамиша Ҳақ ёдида бўлиб, каттаю кичикдан ўзини паст тутиб, халқ хизматига камарбаста бўлган. Уларнинг хатти-ҳаракатларида нуқсон кўрса юмшоклик ва мулойимлик билан айбларини айтган. Ҳеч бир нарса-сини бошқалардан кизганмаган, аксинча, бошқаларнинг қайғу ва хурсандчиликларига шерик бўлган. Пири муршидлар шундай таълим беришган: *“Сенга зулм қилганни сен кечир, сенга раво кўрмаганга сен бер, сендан узилган (ёр-биродар, қариндош-уруғ)га сен боғлан. Яратган учун яратилганни яхши кўр. Бу Муҳаммад (с.а.в.)нинг гўзал ахлоқларидир”*.

Ривоятга кўра, бир куни кўнгилда ҳасади бор кишилар Хўжа Аҳмад Валийни меҳмонга чақиришибди. Унинг устидан кулмоқчи бўлиб, мушук гўштидан ош қилишибди. Палов дастурхонга тортилибди ва ҳурмат юзасидан Хўжа Аҳмад Валийга “Сиз бошланг” дейишибди. У зот ош устидаги гўштга караб “сенга кўп азоб беришибди, эй Худонинг махлуқи” деб дуо ўқиб, кўллари билан ишора қилганда лагандаги гўшт мушукка айланиб, ерга сакраб тушиб кетган экан. Қилмишидан афсусланган жохиллар мулзам бўлиб, Хўжа Аҳмад Валийдан узр сўрашган ва унинг фиросатидан лол қолишган экан.

Тасаввуфда кўрмасдан ва билмасдан туриб содир бўладиган ишни айтиб бериш, руҳан ғойибона сезиш фиросат дейилади. Фиросат валийликдан нишона бўлиб, “Фаргона тарихи”да қизиқарли маълумот келтирилган: *“Муни замонида эшон исми йўқ бўлуб, қайда сулукдан сўз очган киши бўлса, дарҳол тутуб, ҳавзи чуқурни тепасига арқон тортиб, эшон, сиротдан муридларни ўтқарсанг аввал бул арқондан ўтгил деб, эшонларни ҳавзига пишуб ва баъзиларини зиёфат қилиб, мишиқни (мушук – З.И.) пишируб, ошга қўюб, қуён гўшти, ов қилганда сайдимизга қуён тушиди деб, билмаганлар, эшонлар еб, балога қолиб ва баъзилари баилми каромат билиб, “Эй жонивор, сен маъқулот эмассан” деб емай, халос бўлган эканлар”*¹⁶.

¹⁶ Исҳоқхон Ибраг. Фаргона тарихи. – Т.: Камалак, 1991. 288-бет.

Хўжа Аҳмад Валий ҳамма ерда ва ҳар қандай шароитда “улуғликда – тавозуъ, бойликда – зоҳидлик, куч-қувватда – инсоф” тамойилига амал қилган, фақат яхшиликни ўйлаб, яхшилик қилишдан чарчамай, муҳтожлар ҳожатини чиқарган, барчани пир-устозлар суҳбатидан баҳраманд бўлишга чақирган. Кашфу-каромат кўрсатиш, хориқулудда (ғайритабиий) хислатлар намоён этиш тасаввуф шайхларининг муҳим жиҳати ҳисобланганки, Хўжа Аҳмад Валий “ортларидаги нарсаларни худди олдларида кўргандек кўра олган” бўлса ҳам, кароматларини яшириб, уни риё мақсадида кўрсатмаган. Ладуний илм ҳақида “Ғиёсул луғат”да шундай хабар бор: *“Аллоҳ таоло томонидан ато қилинган илм. Ундай илмга уриниш, саъй-ҳаракат, риёзат чекиш натижасида, Аллоҳ таоло хоҳласа эришиш мумкин. Чунки у Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаган кишиларгагина насиб қилувчи илоҳий илmdir”*. Ладуний илм учга бўлинади: ваҳий, илҳом, фаросат. Ваҳий – пайғамбарларга, илҳом – авлиёларга, фаросат – сўфийларга Аллоҳнинг изни билан берилади.

Пиру муршидлар инсон ботинини англай оладиган, муриднинг ақли, фаҳм-фаросатини қалб кўзи билан кўра оладиган, халққа мададкор бўла оладиган, кучли ирода, ҳалоллик, поклик, фақрлик, яхшилик учун курашувчи, парҳезкор, тақво, сабр каби фазилатлар соҳиби бўлишган. Уларнинг илоҳий-руҳий қуввати кучли бўлган. Уларга шогирд тушган муридлар ҳам низомга кўра аввал маълум вазифаларни бажариши ва пир ишончини оқлагандан сўнг пирга қўл бериши ва тариқатга кириши мумкин бўлган. Хўжа Аҳмад Валий ҳам муршиднинг Қуръон ва суннатдан четга чиқмасдан, ботинни поклаш ва асосий эътиборни руҳий камолотга қаратиши, фақрлик ва тавозеъни ўз ахлоқ қойдасига айлантириши лозимлигини эътироф этган.

Ривоят қилишларича, Хўжа Аҳмад Валий такводор, парҳезкор, ниҳоятда кўркам, нозик табиатли киши бўлиб, кечалари ибодат билан, кундузлари рўза билан ҳалол меҳнат қилиб кун кечирар, умри мобайнида қиблага қараб оёқ узатмаган экан. Ундан дуоталаб қилган кишиларга: *“Бошимизга тушадиган мусибатлардан Аллоҳдан бошқа ҳеч ким мадад бера олмай-*

ди, шундай дуо қилинги, қалбингиз йиғласин ва дуоларингиз *Ҳақ даргоҳига тўсиқларсиз етиб борсин*” дер экан. Хўжа Аҳмад Валий ибодатда шу даражада қойим бўлар эканки, ташки оламдан узиларкан.

Авлиёлар, пирлар, машойихлар ўта сирли инсонлар. Улар маънавий-руҳий камолот чўққисини забт этган, икки дунё сир-асроридан мужда берувчи ориф бандалар – комил инсонлардир. Уларнинг ҳаёти, амаллари, юриш-туришлари бошқалар назарида ғайриоддий. Уларнинг бу ҳолатларини англаувчи инсон ҳам ирфон илмидан хабардор бўлиши лозим. Хўжа Аҳмад Валий халқни тўғри йўлга ва илму ирфонга тарғиб қилган.

Унинг ҳузурига дардларига шифо излаб келганлар ноумид қайтишмаган. Ривоят қилинишича, ҳукмдорларнинг бири ичбурук дардига чалинибди. Табибларнинг дорилари ҳам фойда бермайди. Шунда аъёнлардан бири Шаҳандда бир авлиё зот борлигини айтади. Зудлик билан у ерга чопар юборилади. Хўжа Аҳмад валий чопарларни кутиб тургандек уларга пешвоз чиқибди ва “Ҳукмдорнинг аҳволлари ўзгарди” дебди. Бу сўзлардан ўзини йўқотиб қўйган чопарлар авлиёнинг олдига нима учун келганини ҳам унутишибди. Хўжа Аҳмад Валий чопарга “кетдик” ишорасини қилгач, отга қамчи уришибди. Саройга етиб келганларида илк хабар ҳукмдорнинг дарди енгиллашгани ҳақида эди. Чопарлар бунинг сирини англагандек бўлишибди.

Хўжа Аҳмад Валий басират кўзи билан ҳукмдорнинг дардини англаб, муолажани бошлабди. Лозим бўлган дуоларни ўқибди. Ҳукмдорнинг аҳволи яхшиланибди. Хурсандлигини яшира олмаган ҳукмдор амри билан бир арава совға-салом тайёрлашибди. Хўжа Аҳмад Валий инъомни рад қилган бўлса ҳам, “пошшонинг амри вожиб” деганларидек, арава билан йўлга тушибди.

Ҳукмдор оғриқдан халос бўлганидан кайфияти чоғ экан. Саройдагилардан бири “бир одамнинг бир бор қорин силашига берган совғаларингиз кўплик қилмасмикин?” деб ўсмоқчилабди. Ҳукмдорнинг кўнглида қилган ишларидан афсусланиш пайдо бўлиши билан яна қорни аввалгидан кучлироқ оғрий

бошлабди. Чопарлар энди жўнамокчи бўлиб туришганда Хўжа Аҳмад Валийнинг ўзи саройга йўл олганини кўриб таажжубга тушишган. Хўжа Аҳмад Валий ҳукмдорнинг кўнглидан ўтганларни англаши билан ортига қайтган экан.

Аҳмад Валий камолот даражасини эгаллаган ва бошқаларни ҳам камолотга етказишга қодир, эътиқоди пок, ҳар қандай мушкул вазиятни осонлик билан ҳал қиладиган, ўз аҳдида устувор, саховатпеша, покдомон, дину диёнатли, олийҳиммат, мушфиқ, меҳрибон, ҳалим, кечиримли, моҳир мураббий бўлган. Илму маърифати билан эътибор қозонгани учун кўплаб мурид¹⁷ тарбиялаган. Хўжа Аҳмад Валийнинг шогирдларидан бири шахрихонлик Бурҳонуддин эшон бўлиб, пирининг фойзли суҳбати таъсирида валийлик мақомига эришиб, иршод¹⁸ олган. Бурҳонуддин эшон ўз ишига пухта, пок ниятли, собит эътиқодли, вафо ва сидқда барчага намуна бўлгани учун Хўжа Аҳмад Валийнинг назарига тушган. Бурҳонуддин эшон муридликнинг барча қонун-қоидаларини пухта ўзлаштирган, пирига сидқидилдан хизмат қилган, унинг насиҳатларига қулоқ солиб, эшитганларини амалда исботлаган, ўзига раво кўрадиган нарсаларни ўзгаларга раво кўриш ва ўзига раво кўрмаган нарсани ўзгаларга раво кўрмаган.

Халқ ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган, олтмиш ёшни қоралаб қолган Хўжа Аҳмад Валий илоҳий ишора билан шогирдлари билан Шохимардонга йўл олади. Шохимардонда ислом динининг улуғ ва кўркмас тарғиботчиси, жанглarda жасурлик, мардлик кўрсатган, “Асадуллоҳ” (“Аллоҳнинг шери”), “Шохимардон” (“Мардлар шоҳи”) деб улуғланган Ҳазрат Алининг қадамжоси бор. Ҳазрат Алининг ҳаёти асотир ва ривоятлар билан қоришиб кетган. Маълумки, Ҳазрат Али милодий 661 йил 21 январда Ироқнинг Куфа масжидида намоз ўқиётган вақтида шаҳид бўлган ва Нажаф шаҳрига дафн этилган. Халқ орасида “Ҳазрат Алининг етти қабри мавжуд” деган нақл бўлиб, мусулмон дунёсида Ҳазрат Али ҳамда унинг Дулдул лақабли оти

¹⁷ Мурид – талаб этувчи, истовчи, пирга қўл берувчи. тариқат йўлига кириб, камолотга эришишни ният қилган, қомил шайхга боғланиб, унга байъат (қўл берган) қилган шахс.

¹⁸ Иршод – Ҳақ йўлга бошлаш, тўғри йўл кўрсатиш. Тариқатда муайян даражага эришган сўфийларга пирнинг ижозат хати (диплом) берилгач, сўфийнинг халқни тўғри йўлга бошлашга расмий руҳсати.

билан боғлиқ кадамжо ва зиёратгоҳлар кўплаб учрайди. Ривоят қилишларича, Ҳазрат Алининг васиятига биноан еттига бир хил тобут ясашиб, етти туяга ортиб, етти тарафга юборадилар. Бу туялар қайси мамлакатга бориб тўхтаса, ўша ерга дафн қилиниши буюрилади. Шу боис Ҳазрат Алининг ҳақиқий мазори қаердалиги номаълум бўлгани сабабли унинг қабри Нажаф (Ироқ), Мазори Шариф (Афғонистон), Шом (Сурия), Миср, Хоразм, Шохимардонда мавжуд экани ривоят қилинган.

Ҳазрат Али Марказий Осиёга, жумладан, Фарғонага келмаган бўлса ҳам, у билан боғлиқ кўплаб ҳикоят ривоятлар сақланиб қолган. Ҳазрат Алининг жангномалари, унинг Дулдул оти ва тошни кесувчи “Зулфиқор” деб атулувчи шамшир қиличига халқ китобларида келтирилган таъриф тавсифлар кўхна қалъалару қоя тош ва жарликлар, кўл ва булоқларнинг келиб чиқиши Ҳазрат Али билан боғланишига сабаб бўлган. Бу қадамжолар ҳозирга қадар халқимизнинг муборак зиёратгоҳига айланган.

Азиз-авлиёлар ҳаётига оид афсона ва ривоятлар бисёрки, уларнинг ҳаммаси чин юракдан, юксак эътиқод замирида вужудга келгани аниқ. Одатда, афсоналарда халқнинг эзгу ниятлари акс этади. Эл-юрт эъзозлаган буюк зотлар шу юрт, шу миллат, шу замин фарзандлари, халқ бахт-саодати, Ватан ободлиги учун катта меҳнат қилганлар. Шу боис ҳам, халқ уларни унутмай, номларини абадиятга муҳрлаш учун турли ривоят афсоналарни тўкиб чиқаришаверади. Чиндан ҳам шавкатли инсонларнинг ибратли ҳаётларию азиз номлари шарафланишга, ва албатта, афсоналарга айланишга лойиқдир...

Хўжа Аҳмад Валий аввал Фарғона водийсининг савдо ва маданият марказидан бири Марғилонда тўхтади. Абу Бақр Сиддиқнинг авлодларидан бўлган Пир Сиддиқ ва унинг синглиси қабрини ҳамда Бурҳонуддин Марғиноний чиллахонасини зиёрат қилади.

Маълумки, буюк аллома Бурҳонуддин Марғиноний 9 ёшидан Пир Сиддиқ мадрасасида таълим олган. Машҳур “Ҳидоя” асарининг биринчи қисмини шу мадраса чиллахонасида ёзган. Бу ерда ўн уч йил яшаб ижод қилган. Ҳозирда бу жой

“Соҳиби “Ҳидоя” чиллаҳонаси” деб аталади. Ривоят қилинишича, Марғинович ўз нонини ҳалол топиб ейиш мақсадида қосибчиликни ўрганиб, “Ҳидоя”ни рўза тутган ҳолда ёзган экан. Бурҳонуддин Марғинович суннийликдаги тўрт мазҳаб асосчилари ёзган асарларни ўрганиб чиқиб, фикҳга оид бир қатор фундаментал асарлар¹⁹ яратган. Абдулхай Лакҳнавий: *“Бурҳонуддин ал-Марғинович имом, фақиҳ, муҳаддис, Қуръон муфасссири бўлиб, уни ёд билган олим, фанларни йиғиб тартибга солувчи, закий, тадқиқотчи, ҳудожўй ва покдомон инсон, улуг фақиҳ, адабиётчи, шоир, фан ва адабиётда унинг тенги йўқ”*²⁰, – деб ёзган эди.

Хўжа Аҳмад Валий Водил қишлоғига етиб келгач, Чинор тагидаги Жомеъ масжидида намоз ўқиб, қишлоқ аҳли билан суҳбатда бўлади. Водилликлар Хўжа Аҳмад Валийни жуда илиқ кутиб олишади. Хўжа Аҳмад Валийнинг файзли суҳбатидан таъсирланиб, унинг хизматида бўлишга, дуосини олишга интилишади.

Шоҳимардонга бориб, Ҳазрат Али зиёратидан қайтгач, Хўжа Аҳмад Валий яна Водил қишлоғида тўхтаб, шогирдлари билан бир кеча қолишга қарор қилади. Хўжа Аҳмад Валий тушида бир нурунийни кўради. Нуруний унга: “Хўжа Аҳмад Валий, Сиз шу ерда қоласиз, Ҳазрати Алига посбонлик қиласиз” деб башорат қилади ва Хўжа Аҳмад Валий уйғониб кетиб, кўрган тушининг ҳикматини мушоҳада қилади. Бомдод намозидан сўнг шогирдларига бу ҳақда айтиб, уларни юртларига қайтишларига ижозат беради ва ҳақларига дуо қилади: *“Бизга шу ерда қолишлик лозим бўлди, сизлар билан шу ерда йўлимиз айрилади”*²¹. Хўжа Аҳмад Валий умрининг охиригача Водил қишлоғида яшаб, ислом бардавомлиги йўлида хизмат қилиб,

¹⁹ Бурҳониддин Марғинович “Ал-Ҳидоя фил-фуруъ”, “Бидоят ул-мубгадий” (“Бошловчилар учун дастлабки таълим”), “Кифоят ул-мунтаҳий” (“Яқунловчилар учун тугал таълим”), “Нашр ул-мазҳаб” (“Мазҳабнинг ёйилиши”), “Китоб ул-тажнису вал-мазийд” (“Илмни зиёда қилувчи китоб”), “Китоб ал-маносик ул-ҳаж” (“Ҳаж маросимлари китоби”), “Мажмаъ ул-навозил” (“Нозил бўлган нарсалар тўплами”), “Китоб ул-фароиз” (“Мерос ҳақида китоб”), “Китоб ул-машойих” (“Шайхлар ҳақида китоб”) каби асарлар муаллифидир.

²⁰ Маҳмуд Ҳасаний. Ал-Марғиновичнинг “Ҳидоя” асари ва унга ёзилган шарҳлар. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000. 23-бет.

²¹ Қулфиддинов Х. Водилга бир назар. Фарғона, «Фарғона» нашриёти, 2006. 46-бет.

халқни тўғри йўлга бошлаган, илм-маърифат нурини тарқатган. Хўжа Аҳмад Валийнинг вужуди илоҳий ишққа йўғрилганки, унинг фикру ёди Аллоҳ жамоли бўлган. Хўжа Аҳмад Валий оила қурмаган. Ундан фарзанд қолмаган.

Вақти-соати етгач, Хўжа Аҳмад Валийни минг йиллик Чинортагига хурмат-эҳтиром билан дафн этишади. Қабр устига мақбара бунёд қилишади. Мақбара оддий ўзбекона уй бўлиб, чинор томонда эшиги бўлган.

Хўжа Аҳмад Валийнинг вафоти ҳақидаги хабар Шаҳандга етиб келгач, у зотнинг севимли шогирдлари Бурҳонуддин эшон бошчилигида Водил қишлоғига йўл олишади ва устозлари ҳаққига дуои фотиҳа қилишади. Қайтишда қабр тупроғидан олиб, Хўжа Аҳмад Валий боғининг ўртасига рамзий қабр барпо этишади. Ҳозирга қадар кишилар у зотнинг муборак қабрини зиёрат қилишни канда қилмайди. Ривоят қилинишича, ушбу мазоротнинг зиёрати, дуонинг қабули ва тилакларнинг юзага чиқишига анча таъсирлик экан. Агар кимдир қабр атрофида беодоблик ёки хурматсизлик қилса, албатта, бирор иллат ёки ранжга мубтало бўлар экан. Беодоблар густоҳликлари учун тавба қилмагунларича мараздан қутулолмас эканлар.

Ривоятга кўра, Шохимардонга Ҳазрати Али зиёратига бормоқчи бўлган ҳар бир киши энг аввало Хўжа Аҳмад Валини зиёрат қилиб, сўнг қалбан руҳсат бўлгандагина йўлини давом эттириши лозим экан. Чинортаги ҳудуди Водил қишлоғининг энг катта қабристонни бўлган. Шўролар даврида қабристонлар бузиш оммавийлашиб кетган. Бу қатағондан Чинортаги қабристонни ҳам омон қолмаган ва 1942 йилда бузиб ташланган. Шаҳар кўркини бузмоқда баҳонаси билан аждодлар руҳига тажовуз қилинган. Қабристон ўрни истироҳат боғига айлантирилган. Текисланган қабристон ўрнига акация дарахтлари экилган. Боғ ўртасига “халқлар отаси” Сталин ҳайкали ўрнатилган. Мадраса биноси тиббий хизмат кўрсатиш масканига айлантирилган бўлса, Хўжа Аҳмад Валий номидаги масжид биноси пилла қабул қилиш пункти қилинган. Кейинчалик қабристон бутунлай бузилиб, шу ердан Чимёнга йўл чиқариш

режалаштирилган. Шундан бошлаб Хўжа Аҳмад Валий мақбарасига тажовуз бошланади. 1949 йилда Хўжа Аҳмад Валийнинг мақбарасини бузишга киришилади. Йўл қурилиши тезлаштирилиши учун мақбара бузилиши шарт эди. Комсомолларнинг саъй-ҳаракати билан комсомол етакчиларидан бири қабрга кетмон урганида қабрдан бир кесак отилиб унинг оёғига теккан ва шикастланган экан. Етакчининг аҳволини кўрганлар қабрни бузиш фикридан қайтиб, бу жойни ўз ҳолича қолдиришга қарор қилганлар. Мақбара 1951 йилда бутунлай қаровсиз ҳолга тушиб қолиб, харобага айланади. Халк ҳашар йўли билан уни таъмирлаб, ўз ҳолига келтирмоқчи бўлади. Лекин хароба ҳолидаги мақбарани бузишдан бошқа чора топилмайди. Мақбара бузилиб, ўрнига супа кўтариб қўйилади. Шу ҳолатда қабр муҳофаза қилинади. 1974 йилда супа атрофи бетон қилинади ва тепа қисмига плита ётқизилади.

Мустақиллик шарофати билан 1992 йилнинг июнь ойида вилоят уламолари иштирокида супа устига мақбара қурилишига фотиҳа берилади²².

Қурилиш бошланиши олдидан қабрни очиш учун водиллик Охунжон қорининг шогирдларидан бири Мулла Мухтор бува биринчи бўлиб иш бошлаб беради. Супа ер баробарида ковланганида оддий сомоншувоқ қилинган қабр чиқади. Қабрга нам тегмаган, куп-қурук эди. Қабрнинг пойдевор қисми очилиб, кўшимча бетон билан мустаҳкамланиб, пойдевор кўтарилади ва мақбара қурилиши бошланади. Водиллик саховатпеша инсонларнинг саъй-ҳаракатлари билан қисқа муддат ичида Хўжа Аҳмад Валийнинг мақбаралари қайта тикланиб, атрофи ободонлаштирилади.

Мустақиллик шарофати билан республикамизнинг барча вилоят ва туманларида масжидлар қурилиши жадал суръатлар билан бошланди. Водил қишлоғида ҳам аввалги масжид ўрнига 1989 йилда узунлиги 38 метр, эни 18 метр, 700 квадрат метр ички майдонга эга бўлган икки томони айвонли Хўжа Аҳмад Валий номли масжид биноси қайта қуриб битказилади. Ушбу

²² Қулфиддинов Х. Жашиятмакон диёр. Фарғона, «Фарғона» нашриёти, 2008. 23-бет.

меъморий обиданинг ўз ҳолига келтирилишида саховатпеша инсон водиллик Нейматулла ҳожи ва қишлоқ аҳолиси катта саъй-ҳаракат кўрсатишган.

Водил қишлоғида жойлашган Чинортаги истироҳат боғида Холдорали Кулфиддинов²³ тарих музейи ташкил этган. Музейда қадриятимизга айланган осори-атиқалар, бошқа ҳеч бир музейда учрамайдиган лўкидон, мойжувоз, сув тегирмон каби ноёб экспонатлар мавжуд.

* * *

Хўжа Аҳмад Валий умрининг қарийб ярмини Шаҳанд қишлоғи Бозорбошидаги хонакоҳда ўтказган. Шаҳандда барпо этилган боғнинг Хўжа Аҳмад Валий номи билан аталиши ҳам бежиз эмас. Халқнинг чексиз ҳурмат-эҳтироми, Хўжа Аҳмад Валийнинг шогирди Бурҳонуддин эшоннинг ташаббуси билан қўйилган боғ номи ҳозирга қадар халқ ардоғида.

²³ Кулфиддинов Холдорали 1943 йилда Фарғона вилояти Водил қишлоғида туғилган. Водил қишлоқ фуқаролар раиси, Фарғона тумани хокимлиги маънавият бўлими раҳбари бўлган. Водилда тарихий музей ташкил этган. “Водилга бир назар”, “Жаннатмакон диёр” рисолалари муаллифи.

ХҶЖА АҲМАД ВАЛИЙ БОҒИ

Ривоят қилинишича, истироҳат учун жой танлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қадимдан оддий, лекин ишончли усулдан фойдаланилган. Бунинг учун танланган жойларда қўй сўйиб, уни тўртга бўлиб, осиб қўйишган. Гўшт бўлақларининг қайси бири узоқ вақт айнинамай сақланиб турса, ўша жой истироҳат учун мақбул деб топилган. Халқ донолигининг ушбу ноёб усули ҳеч қачон панд бермаган. Хўжа Аҳмад Валий боғи айнан Шаҳанд худудига тўғри келиши ҳам синалган усул туфайли эди.

Қадимий Ахсикент билан ёндош бўлган мазкур боғнинг бошидан кечирганларини дoston қилса арзийди. Боғ қарийб уч юз йиллик тарихга эга бўлиб, ундан кўҳна чинорлар ва иккита катта тут мерос қолган. Боғдаги мевали ва манзарали дарахтлар хонақоҳ эҳтиёжи учун ишлатилган. Ҳар йили баҳорда наврўз айёми, кузда ҳосил байрамлари ўтказилган. Ҳайит байрамида дошқозонларда ҳалим пиширилган ва халққа тарқатилган. Шўролар давригача бу ер обод ва файзли гўша бўлган.

Боғнинг Хўжа Аҳмад Валий номи билан аталишининг ҳам ўзига яраша сабаблари бор. Бурҳонуддин эшон устози Хўжа Аҳмад Валийнинг қabri Водилда бўлса ҳам, Шаҳандда номи ўчиб, халқ ёдидан чиқиб кетмаслиги учун бокқа Хўжа Аҳмад Валий номини беришни маъқул кўрган.

Нақл қилишларича, боғнинг бир томони шафтолизор, ўрикзор, бир томони ҳовуз, чойхона, иккинчи томони соя-салқин дарахтзор, кўҳна ўрмонзордан иборат сўлим гўша бўлган экан. Катта ҳовузда балиқлар кўп бўлган. Бу ердан зиёратчиларнинг қадами узилмас экан.

Кўқон хони Худоёрхон Шаҳандга Хўжа Аҳмад Валий зиёратгоҳига икки марта келган экан. Биринчи марта ов қилиш учун келган бўлса, иккинчи марта Худоёрхоннинг тоби қочиб қолган ва Хўжа Аҳмад Валийдан шифо излаб келган. Бурҳонуддин эшонга ҳурмат-эътиром юзасидан миниб келган отини ҳадя қилган. Лекин Бурҳонуддин эшон отни сўйиб, эҳсон

қилиб юборган. Худоёрхон отнинг сўйилганига ачинганда, Бурҳонуддин эшон мис лаганда олтин тангалар олиб келиб Худоёрхонга тортиқ қилган: “Хон ҳазратлари, агар отингизга ачиниб қолмаганингизда иш бошқача бўларди”. Шундай бўлса ҳам, Худоёрхон шифо топган ва хурсанд бўлиб Қўқонга қайтган экан.

Ривоятга кўра, Худоёрхоннинг Қушбеги жиловдори боғни бошидан охиригача айланиб чиққан экан. Бир жойга борганида отининг оёқлари ерга ботиб қолган. Қушбеги жиловдор отни қанча ниқтамасин, от юрмаган. Шунда у “Бир отим бор экан, минг отим бўлса ҳам Худо йўлига эҳсон қилар эдим” деганда от юриб кетган. Шундан сўнг боғда отни сўйиб, эҳсон қилишган. Бурҳонуддин эшон ботин кўзи билан Қушбеги жиловдорнинг кўнглидан ўтганларни сезиб, Алимбой Валийга қараб: “Синов вақти келди, қани, кароматингизни кўрсатинг” дейди. Алимбой Валий отнинг терисига унинг суяқларини солиб, ўраб, фотиҳа ўқийди. Барча ўтирганлар “омин” дейишади. Алимбой Валий Худога илтижо қилиб: “Чух, жонивор” деганида, от тирилиб, Байтуллоҳга қаратиб қурилган дарвоза томон кетган. Хонақоҳга етиб келиб, одамлар кўз ўнгида ғойиб бўлган. Шу ерлик оқсоқолларнинг айтишларича, бу от қиёматгача шу ерда юрар эмиш, фақат дили пок, солиҳ инсонларга кўринар экан. Чунки Бурҳонуддин эшон отни дуо қилган экан.

Хўжа Аҳмад Валий боғини тасарруф қилган кишилар энг аввало пок ниятли, тақводор, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмайдиган бўлиши лозим экан. Бокқа келиб, бемаъни ишлар билан шуғулланган кишилар омонлик топмаган. Жумладан, боғни Абдуқаҳҳор мингбоши исмли киши бошқарган пайтда мушакбозлик кучайиб, мушак отган кишиларнинг уйларига мушак тушиб, олов ичида қолган, барча топган мол-мулклари куйиб кул бўлган. Мушакбозлар кўрққанларидан юраклари ёрилиб, ўша заҳоти тил тортмай ўлган. Шунинг учун бадният кишилар бокқа кадам қўймас экан.

Хўжа Аҳмад Валий зиёратгоҳи йўлидан юрган кишилар хурмат ва тавозе билан от ва аралардан тушиб, азизлар руҳи-

га дуо-фотиҳа қилиб ўтганлар. Айтишларича, қаерда бўлма-син, мазор аҳлига ҳурматсизлик қилган ёки отдан тушмай мазор йўлидан ўтган кишилар отларидан йиқилиб, шикаст топар экан.

Шўролар даврида бокка ҳеч ким яқинлашолмас, бу муқаддас жой даҳрийликнинг сим тўрлари билан ўралган эди. Орадан йиллар ўтиб, бу ерда етимхона очилган. Етимлар ҳаққига хиёнат қилгани учун етимхона хизматчилари шикаст топиб, баданларига тошма тошиб кетган ва боғни ташлаб кетишган. Етимхона бошқа қишлоққа кўчирилган.

Боғ “эскилик саркити” деб бузиб юборилишига сал қолган. Қишлоқнинг софдил ва жонкуяр кишилари уни саклаб қолишган. Бир неча вақт қаровсиз қолган боғ Косонсой туман қурилишлараро ташкилоти тасарруфига ўтказилган. Ташкилот раҳбарининг дарахтларни кесиш ҳақидаги буйруғини бажариш чоғида ишчиларнинг баданларига тузалмас яралар тошиб кетгач, улар ҳам бу ерни ташлаб кетишган. Боғ яна кимсасиз бўлиб қолган. Шундан кейин боғ «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ихтиёрига ўтказилган. Бунинг тарихи қуйидагича: Шаҳанд қишлоғида Социалистик Меҳнат Каҳрамони Абдуллажон Мирзааҳмедов раислик қилган пайтда (1938 – 1967 йиллар – З.И.) Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг биринчи котиби Нуриддин Муҳиддинов Оқтошдаги узумчилик совхозини кўргани келганида Шаҳандга ҳам ташриф буюради. Раис Нуриддин Муҳиддиновни Хўжа Аҳмад Валий боғига бошлаб келади. Нуриддин Муҳиддинов бу ернинг жуда хароба ҳолга келиб қолганига ачиниб, боғни колхоз ихтиёрига ўтказиш учун юқори ташкилотлардан рухсат олиб беришини айтиб, Абдуллажон акага бу ерни обод қилиш вазифасини топширади.

Абдуллажон ака ҳар туп дарахт учун енг шимариб курашиб, кимгадир ялиниб, кимгадир пўписа қилиб, кимгадир хийла ишлатиб, дарахтларни кестирмаган, биноларни буздирмаган, аксинча янги кўчатлар эктириб, боғни яшнатган. Унинг раҳбарлигида шаҳандлик жонкуярлар боғни колхозчилар дам оладиган жаннатмакон гўшага айлантиришган.

Абдулла ака Мирзааҳмедов (ваф. 1979 й.) ўта талабчан, ҳар бир масалага жиддий ёндашадиган, ўзига ва бошқаларга ҳам катъий талаб қўя оладиган қаттиққўл раҳбар бўлган. У нафақага чиққунига қадар жамоа хўжалигини бошқариб, бир неча марта давлат мукофотларига сазовор бўлган²⁴.

Марказий Қўмитага Шароф Рашидов биринчи секретарь бўлиб келганидан кейин Наманган вилоятига ташриф буюради. Шаҳандга келиб, боғни ўз кўзи билан кўради ва боғ унга маъқул келади. Колхоз раиси Абдуллажон Мирзааҳмедовга ташаққур билдириб, водий микёсидаги йиғилишлар шу ерда ўтказилишини айтади. Шароф Рашидов ҳар доим бу ерга келса, Хўжа Аҳмад Валийнинг қабрини зиёрат қилиб, дуо-фотиҳалар қилган. Шароф Рашидовнинг тавсияси билан боғнинг бир қисми олмасорга айлантирилиб, деворларининг тушиб кетган жойлари беш паҳса қилиб, қайтадан урилган.

Шолининг ичида курмак бўлгани каби, боғда қилинган хайрли ишларни кўролмаган ғаламис киши Москвага “бу шахсга сизиниш” деб “юмалок хат” ёзиб юборган. Бу ҳақда юкоридан Ш.Рашидовга сим қоқиб, вазиятни ойдинлаштириш юклатилган. Ш.Рашидов боғдаги ободонлаштириш ишларини бир муддат тўхтатиб туришга буйруқ берган. Юмалок хат ёзган кишининг баданига оқ тошма тошиб, тузалмас касалга мубтало бўлган. Қилган ишидан минг пушаймон бўлса ҳам, фойдаси бўлмаган, шу тарика халқдан ажралиб қолган. Хонақоҳ болалар боғчаси ихтиёрига берилган. 1980 йил январида боғнинг 11,94 гектар майдони сиҳатгоҳ қурилиши учун ажратилган.

Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Шаҳанд кишлоқ кенгаши томонидан «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг 1980 йил 25 январда ўтказилган умумий мажлис қарорига кўра, колхоз боғи Шаҳанд колхозлараро санаторий-профилакторий ихтиёрига берилади. Ушбу қарор Тўрақўрғон тумани кишлоқ хўжалиги бошқармасининг 1980 йил 29 январдаги хулосаси билан тасдиқланади. Тўрақўрғон тумани халқ депутатлари ижроия

²⁴ Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуллажон Мирзааҳмедов номини абадийлаштириш учун 6-мактабга унинг номи берилган.

қўмитаси раиси Араббой Ибрагимов имзоси билан 1980 йил 1 февралда 55/3-сонли қарор чиқарилади.

Бу ерда сиҳатгоҳни куриш ишлари жадаллик билан бошланади. Шароф Рашидов тантанали равишда сиҳатгоҳ биносининг биринчи ғиштини ўз қўли билан қўяди.

Хўжа Аҳмад Валийнинг рамзий қабри сиҳатгоҳнинг орқа тарафида қолдирилади. Дориламон кунлар келишига умид боғлаган фидойи инсонлар қачонлардир Хўжа Аҳмад Валий мақбрасини куриш, бу ерни ободонлаштиришга умид боғлашган. Шунинг учун боғ атрофидаги жой жамоа хўжалиги харитасига киритилмаган. Шу тариқа Хўжа Аҳмад Валий қабри атрофи сакланиб қолган. Иложи борича Хўжа Аҳмад Валийнинг номи йўқолмаслиги, бу ернинг тарихини ўрганиб, давлат ихтиёрига ўтказиш лозим эди.

Мустақиллик йилларида шаҳандлик фидойи инсонлар саъй-ҳаракат қилиб, Хўжа Аҳмад Валий зиёратгоҳини сақлаб қолиш учун елиб-югурсалар ҳам, боғнинг катта қисми “хусусийлаштириш” деган сиёсат қурбони бўлган. Бир вақтлар ўттиз гектардан ошиқ майдонни эгаллаган Хўжа Аҳмад Валий боғининг зиёратгоҳ учун қолган майдони ўттиз сотихлар атрофида.

Шаҳандлик Солиной ота Мамажонов бир неча йил зиёратгоҳни тасарруф қилади. Унинг айтишича, тушида биров “Боғ бузилиб кетяпти, уни маҳкам тут” дейди. Эртаси куни Солиной ота бокқа чиқиб, қаровсиз ҳолдаги боғни тозалаб, атрофни супуриб-сидирган. Сиҳатгоҳ раҳбари Умаржон Мўминов билан боғни асраб қолиш ҳақида гаплашган. 1999 йилнинг июль ойида ўттиз кило гуруч дамлаб, халққа эҳсон қилиб, йиғилганларга бу ернинг тарихини билганича айтиб берган.

Алимбой Валийнинг отаси Али Полвоннинг қабрини 97 ёшли Шерхон бува аниқлаб берганидан сўнг Усмонжон ҳожи Бултуров қабри тиклаб, ҳашар ёрдамида бир уй ва опхона қурган. Бу эзгу ниятли ишларни амалга оширишда шаҳандлик фидойи инсонлардан олчинлик Тожибоев Воҳиджон Устабува, темирқишлоқлик Омонбой бува, Маннонбой бува, бекободлик Усмон қори Раҳимов, оқтошлик Шермат бува Қуронов, Шер-

мамат қори Темиров, Ахмадали Ортиков ўз ҳиссаларини кўшишган.

Ҳозир боғда Тўрақўрғон туман ўсимликларни химоя қилиш корхонасининг Шаҳанд филиали фаолият кўрсатмоқда. Лекин боғ жуда қаровсиз, ачинарли аҳволда ётибди.

Сиҳаттоҳга республикамизнинг турли ҳудудларидан шифо излаб келганлар Хўжа Аҳмад Валийнинг рамзий қабрини зиёрат қилиш учун боққа киришади. Албатта, жуда кўп зиёратгоҳ ва кадамжоларни кўрган дам олувчилар шаҳандликларнинг фаҳрига айланган Хўжа Аҳмад Валий зиёратгоҳини ҳам ғоятда гўзал маскан деб тасаввур қиладилар. Афсуски, зиёрат чоғида кўрганлари тасаввурларидан буткул фарқ қилади. Мевали боғ ўртасида деворлари нураб бораётган деярли қаровсиз ҳолдаги қабр мунғайиб, саховатпеша инсонларни кутмоқда. Зиёратчиларга Хўжа Аҳмад Валий ҳақида тўлқинланиб гапириб бераётган мутасадди қабрнинг ташландиқ ҳолидан хижолат чекиши тайин.

Боғ билан сиҳаттоҳни бир девор ажратиб турса ҳам, дам олувчилар зиёратга орқа тарафдаги йўл билан боришади. Бизнингча, дам олувчилар йўли яқин қилиниб, сиҳаттоҳ томондан йўл очилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хўжа Аҳмад Валий ҳаққига дуо-фотиҳа қилиб, дардларига Аллоҳдан шифо сўраган дам олувчилар Хўжа Аҳмад Валийнинг файзу баракаси ҳамда сиҳаттоҳнинг 54 даража қайноқликдаги шифобахш сувидан баҳраманд бўлиб, саломатликларини руҳан ва жисман тиклайдилар. Айтгандек, қарийб ер остининг икки минг метр сатҳидан чиқаётган шифобахш сув ҳам Хўжа Аҳмад Валий боғи билан боғлиқдир. Бу ҳақда кейинги фаслларда батафсил ҳикоя қиламиз.

БУРҲОНУДДИН ЭШОН

Бурҳонуддин эшон Андижон вилояти Шаҳрихон тумани Гумбаз масжид кишлоғида туғилган. Илк таълимни отаси Бойназар эшондан олган. Сўнг Шаҳрихондаги мадрасада таҳсилни давом эттирган. Зукко қори бўлиб етишган. Тасаввуф илмига шавқи кучли бўлганидан отасидан изн сўраб Шаҳандга, Хўжа Аҳмад Валий ҳузурига йўл олган. Хонақоҳда тариқатдан таълим олган. Ихлоси баландлиги ва беқиёс жазба соҳиби бўлганидан тез орада муридлар орасида танилган. Ваҳоланки, хонақоҳда беш-ўн ва ундан кўпроқ йиллар юриб, “илми ладун”дан насибадор бўлмаган муридлар жуда кўп бўлган.

Бурҳонуддин эшон мақомат манзилларини чидам ва матонат билан босиб ўтиб, Хўжа Аҳмад Валий назарига тушган ва иршод олган. Ривоят қилинишича, ҳамма жойда Бурҳонуддин эшон номи билан донг таратган бу зотни халқ “Девонаи эшон” деб аташган. Сабаби шундаки, унинг устида оддий пахта матосидан тикилган бўз кийим, устидан қўй терисидан тикилган пўстин ва телпаги бўлиб, буни ёз фаслида тери томонини ичига, киш фаслида жун томонини ичига ағдариб кийиб юрган. Бу зот туғма илоҳий ва дунёвий-ишларни идрок қиладиган валий зот бўлган. Бурҳонуддин эшон қирқ йил аввалги ва қирқ йил кейинги бўладиган ишларни башорат қилган.

Хўжа Аҳмад Валийнинг Водилда қолиши аён бўлгач, Шаҳандда хонақоҳ ва мурид тарбияси Бурҳонуддин эшон зиммасига тушади. Бурҳонуддин эшон устози ўғитларини оғишмай бажарган. Бир неча йил хонақоҳда фаолият олиб боргач, илоҳий ишора билан Култета деган ташландиқ жойга бориб, у ерларни обод қилган. Бу жой аҳоли ўртасида “Култета” номи билан аталган (ҳозирги Мингбулоқ туманининг Гуртета кишлоғи – *З.И.*).

Кўкон хонлиги архиви ҳужжатларида бу жойнинг номи “Гуртета” деб кайд этилган. “Гурт” сўзи форс тилидан олинган бўлиб, “бўри” деган маънони беради. Ҳақиқатан ҳам, Бурҳонуддин эшон бу ерларга келгунига қадар ваҳший ҳайвонлар макони бўлган экан.

Бурхонуддин эшон бархан қумлар ичини ва кишлок пастидаги кўллар, қамишзорлар, унинг ортидаги турли-туман ёввойи ўтлар битиб ётган дарё суви чиқмайдиган паст-баланд текисликларни Сайхун дарёси бўйларигача айланиб кўриб, бу ерларга сув чиқарилишини, экинзор, боғ-роғлар барпо қилинишини, гуллаб-яшнаган жойга айланишини хаёлидан ўтказди: “Дарёга кўприк қурилса, дарёнинг икки қирғоғидаги одамлар иши енгиллашади, осонлашади. Ҳаммасидан ҳам икки томонга ўтишга ҳожат қолмайди”, деб эзгу ният қилади.

Шу ердан Шаҳрихонга йўл очишни режалаштириб, йўлга тушган. Сувсиз ерларда қум оёқни куйдирадиган даражада иссиқ. Қуёш тафти куйдирадиган саратонда бу ерларда юриш жуда мушкул эди. Бурхонуддин эшон сув ёқалаб Шаҳрихон сари кетар экан, дехкончилик, чорвачиликка мос ерларда якка ва гуруҳ бўлиб яшаётган турли миллатга мансуб кишиларни кўради. Шу кетишда Кўкон – Шаҳрихон савдо йўли ўтадиган, қарвонлар тунайдиган Эшонтўпи қишлоғига келади. Бу ер кишлокнинг энг сўлим гўшаси бўлиб, атрофи садақайрағочлар билан ўралган, ҳовуз атрофида сўрилар қурилиб, жой қилинган. Бурхонуддин эшон шу ерда тунаб, эрталаб Шаҳрихонга йўл олади. Кейинчалик Бурхонуддин эшон Қўшқишлоққа кетар вақтида Эшонтўпи қишлоғида бир кеча тунаб қоладиган бўлади.

Архив ҳужжатларида Гуртепа қишлоғи XVIII асрнинг 50-йилларида вужудга келгани қайд этилган. Бундан англашиладики, Бурхонуддин эшон келгунига қадар бу жойларда одам яшамаган. Қишлоқнинг Қултепа деб номланишининг сабаби шундаки, бу ер ташландик жой бўлиб, яқин атрофдаги қишлоқ аҳолиси бу ерга қулни олиб келиб тўқишган. Натижада бу ерда баланд қул уюми ҳосил бўлган. Одамлар бу ерни “Қултепа” деб атай бошлаган. Шу тарика “Қултепа” халқ тилига сингиб кетган экан.

Бурхонуддин эшон муридлари билан Сайхун дарёси бўйидаги текисликларни ўрганиб, дарё ёқалаб қунчиқар томонда қатта қўл борлигини аниқлайди. Қўлнинг атрофи қўғаю қамиш

билан ўралган. Кўл ер остидан отилиб чиққан ҳисобсиз катта-кичик булоқлардан иборат бўлиб, халқ бу жойни “Мингбулок” номи билан атаган. Кўлнинг суви ниҳоятда тиниқ ва ширин эди. Кўл суви дарёга оқиб тушган. Бурҳонуддин эшон муридларига қараб: “Мингбулок”дан Сайхун дарёсига сув тушаётган жойни кўтариб тўсилса, сув кўтарилади, шунда ариқ казиб “Мингбулок” сувини Сайхун дарёсининг чап қирғоғидаги текисликка оқизилса ҳисобсиз ерларга сув чиқиб, экинзору боғ-роғлар вужудга келади” дейди. Муридлар бир овоздан пирининг сўзларини маъкуллайдилар.

“Мингбулок” кўлининг қибла томонида катта баландлик бўлиб, тупроғи қаттиқ, уни кесиб ариқ чопиш мушкул, буни ҳатто дарё ҳам ололмай шу ердан бурилиб кетган. Жар ёқасидаги ёввойи дарахтларга чумчуқ уй қуриб, бола очгани учун халқ бу жойларни “Чумчуқжар” деб атарди. “Мингбулок” сувини қишлоққа олиб ўтиш учун кўлдан “Чумчуқжар” ёқалаб ариқ қазилди лозим эди. Бурҳонуддин эшоннинг бу фикри халққа маъкул келади ва ҳашар йўли билан ариқ қазилади. “Мингбулок” кўлидан “Мингбулок” ариғига сув келадиган бўлади²⁵.

Бурҳонуддин эшон бошлаб берган ободончилик ишларини шу қишлоқда қўним топган. аҳоли давом эттирган. Қишлоқ тез орада гуллаб-яшнаган. Сув тақчиллигини бартараф қилиш учун ёрдам сўраб келган кишиларга Бурҳонуддин эшон сув чиқмайдиган жойга отнинг думига кетмон боғлаб, дуо ўқиб: “Отни манзилингизга қараб миниб кетаверинг, лекин зинҳор ортингизга қараманг” деб тайинлаган. От устидаги кишилардан бири бир мўлжалга бориб, орқасига қараб қўйган ва шу ерда кетмон отнинг думидан узилиб тушган. Бу ҳолатдан кўрқиб кетган кишилар Бурҳонуддин эшоннинг олдига келиб, тавба-тазарру қилишган. Шунда Бурҳонуддин эшон отликларнинг бирига қараб: “Агар отда кетаётганингда ортингга қарамаганингда сув манзилга етиб борар эди. Энди кетмон узилиб тушган жойдан то қишлоққача халқ ҳашар йўли билан ариқ қазизи керак” дейди.

²⁵ “Мингбулок” ариғи Худоёрхон давридан токи 1945 йилгача қишлоқни сув билан таъминлаган. “Мингбулок”ни дарё емириб, суви дарёга тушиб кетгач, ариққа сув келиши бутунлай тўхтаган – З.И.).

Бу жойлар сув чиқмайдиган чангалзор бўлгани учун ҳам Бурхонуддин эшон халқнинг оғирини енгил қилишни ният қилган экан. Қисқа муддатда ариқ қазилиб, манзилга етказилган. Ариқнинг номи ўша пайтдан бошлаб “Эшон ариқ” деб атала бошлаган. Ҳозирга қадар ариқ халқ орасида шу ном билан аталиб келади.

Култепа аҳолиси Бурхонуддин эшоннинг кашфу кароматлари ҳақида эшитган бўлишса ҳам, шубҳа билан қарашган. Қишлоқда турли гап-сўзлар кўпайиб, жоҳил кишилар Бурхонуддин эшонни имтиҳон қилмоқчи бўлишади. Куйган курук тол кўсовининг куйган томонини ерга суқиб, “Дуо қилингчи, ҳазрати эшоним” дейишади. Бурхонуддин эшон дуо ўкигач, тол кўкариб кетган экан. Бу тол ҳозир ҳам бор. Тол экилган жой “Куюк-тол” деб аталади. Шуниси ажабланарлики, бир йили толнинг бир тарафи кўкарса, иккинчи йили иккинчи тарафи кўқарар экан. Ҳозир толнинг бир тарафи томирлари чириб, кулаб тушган. Иккинчи тарафи ҳали ҳам ўз ўрнида қуриган ҳолда турибди. Ривоят қилинишича, толнинг ковакларидан вақти-вақти билан олов чиқиб тураркан. “Куюктол” деб аталишининг сабаби ҳам шунда экан.

Ривоят қилинишича, азизлар шундай дейишар экан: “Зиёрат қилмоқчи бўлсанг, Ўшга бор, Ўшга боролмасанг, Қўшга бор”. Мингбулоқ туманидаги Қўшқишлоқда Бурхонуддин эшон томонидан бунёд этилган 90 квадрат метр майдонни эгаллаган Қўшбулоқ ҳовузи бор. Иккита сув чиқадиغان кўзи борлиги учун Қўшбулоқ деб аталган. Бурхонуддин эшон булоқни “менинг темир кўрғоним” деб айтган экан. Халқ ҳовузни “тилла ҳовуз” ҳам дейдики, ҳовуз булоқ жуда кўп минерал моддаларга бой, суви тиниқ, булоқнинг ҳарорати қишин-ёзин +27 градусни ташкил этади. Ҳовузбулоқ суви хуштаъм бўлгани учун Қўшқишлоқ аҳолиси ундан асрлар оша ичимлик суви сифатида фойдаланиб келади. Шу пайтгача ҳовуз булоқ суви покиза сақланиб, кишилар булоқ сувини алоҳида тоза турган идишда олиб, ўз идишларига куйиб олади. Ҳар хил идишни булоқ суви ичига ботириб олишмайди. Юз-қўллар ҳам булоқнинг кўлга

тушиб кетадиган перовида ювилади. Ҳовузбулоқдаги балиқлар муқаддас ҳисобланиб, уни ҳеч ким ушлаб эмас экан. Халқ орасида балиқларни тутиб еганлар тузалмас касалга чалинади деган гап бор. Бу ер зиёратгоҳ жойга айланган. Баданига турли тошмалар тошган (экзема, псориаз, сўғал каби тери касалликлари) кишилар бу ерга шифо излаб келишади.

Ҳовузбулоқнинг хислати жуда кўп. Булоқ сувидан ичганлар узок умр кўриб, турли хил юкумли касалликларга чалинмайди. Бунинг сабаби булоқ ҳовузда яшайдиган сув жонзотлари балиқ, бақа, илон, зулук, чувалчанг, тошбақа, шунингдек, сув паррандаларида экан. Улар сувнинг тозалигини сақлар экан. Бу жонзотларнинг чиқиндиларида йод моддаси бўлиб, сувни йодлайди. Шу сабабданми, кишлоқ аҳли тери ҳамда ички касалликлар билан оғримаган. Бу ҳовуз сувини ичган киши бўқоқ касалига чалинмайди. Ҳовуз сувида тилла моддаси бор дейишади, эҳтимол, сув жонзотлари чиқиндиларининг аралашмаси булоқ суви билан омукталашиб, инсон организмига зарур шифобахш моддага айланар. Бу мўъжизавий булоқ суви махсус текширувдан ўтказилиб, тадқиқ этилса, халқ саломатлиги учун катта ҳисса қўшилиши аниқ.

Бурҳонуддин эшон Қўшбулоқдан Қўшқишлоққа сув келтириб, кишлоқни сув билан таъминлаш мумкинлигини муридларига айтиб, ҳовуз булоқ атрофини ва сув сатҳини баланд қилиб кўтариш йўли билан ариқ қазилни айтади. Қўшқишлоқ аҳолиси ҳашар йўли билан ариқ қазийди. Тез кунда кишлоқнинг энг чекка ҳудудларига ҳам сув етиб боради.

Қўшқишлоқ обод ва файзли жой бўлганки, бунинг сабаби Бурҳонуддин эшоннинг “Бу ерларга ёв келса четлаб ўтсин” деган дуолари шарофатидан экан. Шунинг учун қароқчию йўлтўсар, бадният кишилар бу ерларни четлаб ўтар экан. Бурҳонуддин эшон хонақоҳга келган мол-мулкни халққа эҳсон қилган, жонликни сўйиб аҳолига тарқатган. Хонақоҳда ҳар куни дошқозонларда ҳалиму шўрвалар пишиб ётган. Халқ еб-ичиб, дуо қилиб кетаверган. Хўжа Аҳмад Валий гарбиясини олган Бурҳонуддин эшон дунё тўпламаган, борини эл билан баҳам кўрган. Шогирдларига ҳам шундай қилишларини айтган.

Ривоят қилинишича, Бурҳонуддин эшон Оқтошдаги “Яланг-оёқ авлиё” мазорига келиб, авлиё руҳига дуо ўқибди. Муътабар кишилардан бири эшонни назарига илмай, уни синамоқчи бўлибди ва мазорга атайлаб таҳорат қилмай: “оми барибир омида, менинг таҳоратсиз эканимни билармиди” деган хаёлда унинг олдига борибди. Бурҳонуддин эшон унинг косонсойлик машхур уламолардан эканини ботиний нигоҳ билан англаб, илтифот кўрсатибди. Дарҳол дастурхон ёзилиб, меҳмоннинг ҳурмати жойига қўйилибди.

Меҳмондорчиликдан сўнг косонсойлик уламанинг баданига тошма тошиб, ўзини кўярга жой тополмабди. Бурҳонуддин эшоннинг этагига бош уриб: “нима десангиз айтганингизни қиламан, мени бу дарддан фориғ қилинг” деб ёлворибди. Бурҳонуддин эшон эса бамайлихотир: “Энди, таксир, биз омиларданмиз, майли Шаҳандга борсангиз, Хўжаматвали боғида ҳовузимиз бор, ўша ҳовузда бир чўмилиб чиқсангиз дарддан халос бўласиз” деган экан. Косонсойлик уламо ҳовузга келиб чўмилиши билан дарҳол тузалиб кетган, шукронасига Косонсойдан бир ариқ сувни етказиб берган экан. Ўша ариқ “Қорадароқ ариғи” деб аталади. Ҳозир ҳам унда ариқ тўла сув оқади.

Кашфу каромат кўрсатиш, ҳориқулодда (ғайритабiiй) ҳислатлар намоён этиш тасаввуф шайхларининг муҳим жиҳати ҳисобланган. Бурҳонуддин эшон “Ёв келса қишлоқни четлаб ўтсин” деб Аллоҳдан тилаб дуо қилгани учун ёв Қўшқишлоқни четлаб ўтар экан.

Каромат илоҳий икром, шараф, карам, лутф ва эҳсондир. Руҳий-маънавий камолотга эришган инсонда фавқулодда ғайритабiiй ҳолатнинг зуҳурланиши ва ҳайратланарли воқеа-ҳодисаларнинг содир бўлиши каромат орқали изоҳланади. Каромат кавний ва илмий бўлади. Каромат валийликнинг илк белгисидир. Бурҳонуддин эшон кароматни хуш кўрмаган. Лекин кароматни оддий кишиларга ошкор қилиш истаги бўлмаса ҳам, Бурҳонуддин эшоннинг кароматини ҳамма бирдек қабул қилмаган.

* * *

Ҳозирда Мингбулок туманининг Гуртепа қишлоғи ҳудудида яхши сақланган тупрок ва ғиштдан иборат қадимий тепалик бўлиб, унинг баландлиги 6 – 7 метрни ташкил этади. Бу ҳам Гуртепанинг қадим тарихга эга эканидан далолат беради. Тепаликда махсус илмий-текшириш ишлари олиб борилмаган. Бу жойларда археологик қазилмалар олиб борилса, тарихимизнинг ўқилмаган саҳифалари тўлдирилса ажабмас.

* * *

Бурҳонуддин эшон пайғамбар ёшига етгач, илоҳий ишора билан ҳаж зиёратига боришни ният қилади. Алимбой Валийга Хўжа Аҳмад Валий боғини асраб-авайлашни топширади. Кўнглида қолиб кетган Сирдарёнинг икки томонида яшайдиган халқларни яқинлаштириш учун кўприк қуриш режасини Алимбой Валийга васият қилади.

Бурҳонуддин эшон ҳажга бораётиб, бир муддат Ўшда истиқомат қилади. Ўшлик ихлосмандлар унинг ақлу заковати, кашфу кароматидан ҳайратланиб, уни ўзларига пир қилишади. Бурҳонуддин эшон Ўшда жуда кўп хайрли ишларга бош-қош бўлади, халқнинг оғирини енгил қилади, уларни тўғри йўлга бошлайди. Сўнг ҳаж сафарига жўнайди. Ҳаж амалларини бажаргач, бир неча муддат Маккада истиқомат қилади ва бу ердаги улуғларнинг суҳбатида бўлади. Қазоси етгач, шу ерда вафот этади. Бурҳонуддин эшоннинг вафот этгани Алимбой Валийнинг тушида аён бўлади. Бу ҳақда хабар келтиришгач, пирининг вафот этгани аниқ бўлади. Бурҳонуддин эшон ҳаққи-га дуои фотиҳа қилиниб, Хўжа Аҳмад Валий боғида элга эҳсон қилинади.

Ривоят қилинишича, Бурҳонуддин эшоннинг қабри Маккада, рамзий қабри эса Ўшда экан. Бурҳонуддин эшоннинг қабрида вафот этгани ҳақида эшонлар авлодидан бўлган, Мингбулок тумани Шўрсув қишлоғидаги Теша эшон боболаридан эшитганларини сўзлаб берди. Халқдан келган эҳсонни халққа едирган, етим-есир, камбағал ва ночор кишиларга ҳадя қилган

Бурхонуддин эшон мол-дунё тўпламаган, шунинг учун ҳам хозирга қадар унинг эзгу ишлари оғиздан-оғизга ўтиб, халқ тилидан тушмай келмоқда. Халқ ҳали ҳам “Эшонариқ” сувидан баҳраманд. Бурхонуддин эшон умр бўйи порлоқ келажак учун, юрт ободлиги, халқ фаровонлиги учун интилган. Пархезкорликни ўзига шиор қилган Бурхонуддин эшон ҳаромдан пархез қилган, шубҳали таомлардан сақланган, ман қилинган ишлардан чекинган. Ростгўйликни касб қилган Бурхонуддин эшон ёлғондан ҳазар қилган. Эл-юртда файз-баракаси ва дуоларининг ижобати билан машҳур бўлган Бурхонуддин эшоннинг мазмунли умри ва ибратли ҳаёти, амалга оширган ишларининг баракаси ана шу ёлғондан сақлангани сабаб бўлса не ажаб!

Йиллар ўтиб эшонлик хизмат қилганга эмас, отадан болага мерос бўлиб қоладиган бўлади. Бурхонуддин эшоннинг Буваназар эшон, Холбўтабой эшон исмли фарзандлари бўлган. Буваназар эшоннинг фарзандлари Хонназар эшон, Йўлдошбой тўра, Баҳромхон эшон, Маъмурхон эшон бўлган. Баҳромхон эшоннинг Мухторхон, Жанобулхон, Шарофиддин исмли фарзандлари бўлган. Уларнинг авлодлари Шаҳрихонда яшайдилар...

Буваназар эшон Қўшқишлоқда, Баҳромхон эшон Шаҳрихонда сулукни давом эттиришган. Буваназар эшон Бурхонуддин эшоннинг васиятига содиқ қолиб, отаси обод этган жойлардан оёқ узмаган. Хўжа Аҳмад Валий боғида ҳам жуда кўп марта бўлган. Ҳар йили ўтказиладиган сайилда бир ҳафта шу ерда бўлиб, халқ хизматида бўлган.

Буваназар эшон отасининг ишларини давом эттириб, Ҳовузбулоқни ҳашар йўли билан атрофини кўтариб, кўтарма ариқ қилиб сувини Қўшқишлоқ ичидан ариқ қаздириб, қишлоқ ўртаси билан қибла томонга оқизиб, қишлоқ этагидан кўлдан оқиб ўтадиган оқова сувга ташлаб юборади. Бу ариқ қишлоқ аҳолисини Ҳовузбулоқдан сув ташиш муаммосини бартараф қилган. Қўшқишлоқ аҳли Бурхонуддин эшоннинг руҳига дуо қилишади. Буваназар эшоннинг ишларидан хурсанд бўладилар. Буваназар эшон ўғил кўради ва исмини Хонназар кўяди.

Унинг исмида ўзгача маъно яширинган бўлиб, Буваназар эшон отаси Бурҳонуддин эшон билан Қўқон хони ҳузурига боришганида Буваназар эшонга хоннинг назари тушган. Буни Буваназар эшоннинг ўзи ҳам билган, шу сабабли ўғил фарзанд кўрсам исмини “Хонназар” қўяман деб ният қилган эди.

Буваназар эшон умрини яшаб, Шаҳрихонда вафот этади. Уни Наймандаги Шаҳрихон сойининг кунчиқар тарафидаги ўзи курдирган мадраса ва масжиднинг кун чиқиш томонидаги “Девонаи эшон” қабристонига (шўролар даврида бу жой “Эски вокзал” деб аталган – *З.И.*) дафн этилди.

Бурҳонуддин эшон васият қилиб айтганидек, эшонлик хизмат қилганга қолиши керак эди. Замонлар ўтиши билан эътиқод қилиб хизмат қиладиган йўқлиги сабабли Бурҳонуддин эшон етти пуштигача эшонлик мартабасини бекорга бермагани аниқ равшан бўлади. Шу сабабли эшонлик мартабаси авлоддан авлодга, отадан фарзандга мерос бўлиб қолади. Бу эшонлик пуштининг инқирозга учрашидан нишона эди. Энди эшонлик Буваназар эшондан унинг биринчи пушти Хонназарга қолади. Хонназар эшон ҳам отаси юрган йўлдан юриб, хайрли ишларнинг бошини тутган. Хонназар эшоннинг Йўлдошбой ва Бувадат исмли фарзандлари бўлган. Хонназар эшон фарзандларига сулукнинг сир-асрорларини ўргатади. Хонназар эшон эл орасида “мустажоб уд-дуо” (дуолари мустажоб эшон) номи билан танилган. Хонназар эшон оламдан ўтгач, “Девонаи эшон” қабристонига отаси Буваназар эшоннинг ёнига дафн этилади.

Сулукни Хонназар эшоннинг ўғли Йўлдошбой давом эттиradi. Йўлдошбой эшон ҳаж зиёратига боргани учун халқ уни “ҳожид эшон” деб атаган. У ҳам вафот этгач, сулук Хонназар эшоннинг иккинчи ўғли Бувадат эшонга қолади. Ривоят қилинишича, Хулулибойнинг эътиқоди мустаҳкам, шижоати кучли бўлган экан. Бувадат эшон тарбиясида бўлган муридларнинг хонақоҳда олган билимларининг қалбларига нечоғли сингдирганларини синамоқчи бўлади ва ҳовузга сакрашларини айтади. Аввал дуо ўқиб, ҳовузга дам солади. Ҳовуз суви қайнай бошлайди. Муридлар орасида пичир-пичир бошланади, лекин ҳеч

ким ҳовузга сакрашга ботина олмайди. Хулулибой “пирнинг сўзи ерда колмаслиги лозим” деб, Бувамаг эшондан ҳовузга сакраш учун рухсат олади. Таваккал қилиб ҳовузга сакрайди ва бир оздан сўнг сувнинг юзасига чиқади. Бувамаг эшоннинг дуосини олган Хулулибойни муридлар ёмон кўриб қолишади. Хулулибойни камситиб, унинг шаънига бўлмағур сўзларни айтишади. Бу воқеалардан хабар топган Бувамаг эшон қозонни қиздиришни ва тўлдириб ёғ солишни буюради. Қозондаги ёғ доғ бўлгач, Хулулибойга ҳасад қилган муридларни қозон ичига тушишни буюради. Қайноқ ёғ тафтидан юраги чўчиган муридлар ортга тисарилишади. Хулулибой бу гал ҳам Бувамаг эшоннинг айтганларини сўзсиз бажаради. Хулулибойнинг ҳеч қаери куймаган, кийимларига ёғ тегмаган эди. Бувамаг эшон басират кўзи билан Хулулибойнинг маънавий камолотга эришганини кўради ва унга иршод беради. Шундай қилиб, Йўлдошбой хожи эшоннинг фарзанди Хулулибой эшон ота-боболари йўлидан юриб, уларнинг эзгу ишларини давом эттиришга бел боғлайди. Бурҳонуддин эшон обод қилган Қўшқишлоққа боради. Ҳовуз булоқни зиёрат қилиб, кўнглидан: “Агар ўғил кўрсам шу ерда уйлантираман, бу ернинг чироғини ёқиб ўтиради, шоядки аждодларимиз руҳи шод бўлса” деб ният қилади. Хулулибой эшоннинг Раҳмончаҳон ва Анзиратхон исмли фарзандлари бўлган. Эшон улардаги иқтидорни кўриб: “Анзират қизим ўғил бўлиб, Раҳмонча ўғлим қиз бўлиб туғилганида яхши бўларди” деб афсус қилган. Бунинг ўзига яраша сабаблари бўлиб, бу пайтга келиб илм сусайган, амаллар хўжакўрсинга бажарилган, эътиқод ўтмаслашган, каромат йўқолиб, эшонлар ҳам дунё ишларига берилиб кетган, орзу-ҳавас билан яхши ҳовли-жой, экин-тикин қилай деб, ибодатда ҳам, диний кўрсатма ва фарзларни бажаришда ҳам сусткашлик қилинган. Илоҳий ишларга дунёвий ишлар аралаштириб юборилади. Бу замоннинг бир даврдан иккинчи бир даврга ўтишидан нишона эди.

Хулулибой эшон халқ манфати йўлида хизмат қилади. Хонақоҳ, масжид ва мадраса қурдиради. У кўп вақтини Қўшқишлоққа сафар қилишга сарфлаб, отасидан эшитган сафар хик-

матларини ўз ҳаётида синаб кўрган: “Доим бир мақомда истиқомат қилган кишида сустрлик ва касаллик кучаяди, ҳаракат эса рутубатларни кетказиб, қон айланишини яхшилайдди. Сафарда умр осойишта ўтади, турли тоифадаги одамлар билан учраиши, улар билан суҳбатлаиши турли ҳунар ва касб-кор, тарбия ва фазилатларни ўзлаштириши имконини беради. Сафарда нафс тарбияланади. Сафар инсонни сабр-қаноатга ўргатади. Сафарга чиққан киши мусофирлик, гариблик қадрига етади ва кўнгли раҳм-шафқат туйғулари билан жилоланади”. Хулулибой эшоннинг ҳар бир сафари “кўнгил озуқаси” бўлган.

Раҳмончахон вояга етгач, Хулулибой эшон уни уйлантириб, Қўшқишлоққа кўчириб, Ҳовузбулок олдидаги Бурхонуддин эшоннинг кулбасига олиб келади. Элга ош бериб, ўғлига қишлоқ аҳли билан тинч-тотув, бирдамлик билан яшашини дуо қилиб, Шаҳрихонга қайтиб кетади. Бувамаг эшон вафот этгач, уни ҳам “Девонаи эшон” қабристонига ота-боболари қабри ёнига дафн этишади. Унинг ишларини ўғли Аббосхон эшон давом эттирган.

Шўро мафкурачилари “Дин халқ учун афюндир” деган шиорга амал қилиб, ислом-динининг маънавий-маданий қимматини инкор этиш учун унга нисбатан “социалистик турмуш тарзига мос келмайдиган” эски, қоқоқ, реакцион қараш деган ғояни илгари суриб, 1930 йилдан бошлаб динга ва диндорларга қарши очикдан-очик “уруш” бошлаб юборишган. Бунинг учун “Курашчан атеистлар (худосизлар – З.И.)” ташкилоти тузилиб, барча корхона ва ташкилотларда унинг бўлимлари ишлаб турган. Диний анъана ва маросимлар ўтказишга йўл қўйилмаган. Диндорлар шафқатсизларча жазоланиб, уй-жойи, мол-мулки мусодара қилиниб, узок йилларга қамаб юборилган. 1931 йилларда Андижон, Фарғона, Тошкент, Наманган ва Бекободдаги бир қатор масжид ва диний мактаблар фаолияти тўхтатилган.

Шўроларнинг динга қарши сиёсати нафақат катта-катта шаҳарлар, балки қишлоқ ва маҳаллаларни ҳам қамраб олганки, жумладан, йўлларни қабристон устидан олиб ўтиш орқали динга қақшатқич зарба бериш режалаштирилган.

Турғунлик йилларида, айниқса урушдан кейин сиёсий акидапарастлик авж олиб кетган. Бу даврда намоз ўқиш, ислом фарзларига риоя қилиш қораланган. “Қурбон” ва “Рўза” ҳайитлари, “Наврўз” байрамлари “эскилик қолдиқлари” сифатида эътироф этилиб, байрам қилиш таъқиқланган. Шўро мафкурачилари мағзи пуч ғояларини сингдириш учун барча усул ва воситалардан фойдаланган бўлса ҳам, йўқсилларнинг тенглик мафкураси халқ қалбида муҳрланмади.

Айни дин қагағон қилинган пайтларда Аббосхон эшон ҳам эшонлар авлодидан бўлгани учун таъқибга учрайди. Аббосхон эшон инқилобнинг дастлабки йилларидаёқ бутун ерлари, ота мерос мол-мулк, уй-жойларини ихтиёрий равишда “ялангоёқ ҳукумат”га топширган бўлса ҳам, уни қамаб қўйишади. Қамокхонада қанчадан қанча бегуноҳ кишилар азоб чекишар, ҳаттоки ҳожатга ҳам бир кунда бир марта боришга рухсат берилган. Одамларнинг қийналганини кўрган Аббосхон эшоннинг ишораси билан ҳар куни тунда қамокхона эшиклари очилар, одамлар ҳожатларини чиқаришар экан. Қамокхона нозири қамокхона дарвозаси ланг очиқлигини кўриб, бу ишнинг тагига етишни ният қилган. Қамокхона ходимларидан бирини қамокдаги одамлар орасига қўшиб қўйишади. Тунда ходим кўз кўриб қулоқ эшитмаган воқеанинг гувоҳи бўлади. Қамокхона дарвозалари ўз-ўзидан очилиб, қамокдагилар турли тарафга тарқалиб кетадилар. Тонг ёришиши билан ортларига қайтадилар. Буларнинг бари Аббосхон эшоннинг иши эканини билган қамокхона бошлиғи уни қамокдан озод қилади. Аббосхон эшон бу шартга рози бўлмагач, унинг исми-шарифини ўзгартириб, ҳужжат қилиб берган. Бобоматов Аббосхон эшон ўрнига Бобоматов Октябрь деб номлаган.

Тазйиқлар кучайиб кетгач, хавфдан омон қолиш учун Аббосхон эшон оиласи билан Шаҳрихондан вақтинча кўчиб кетади ва Наманган билан Балиқчи тумани ўртасидаги кимсасиз жойни ватан қилади. Бу жойларни ўзлаштириб, чўлга сув олиб келади. Кўприк куради. Бу ерда “Эшонкўприк” деган жой ҳозир ҳам мавжуд. Аббосхон эшон «қўли енгил табиб», «Ялангоёқ

эшон» деб ном чиқарган. Бундай дейилишига сабаб, Аббосхон эшон қишин-ёзин ялангоёқ юрар экан. Йигирма йилдан сўнг Аббосхон эшон Шаҳрихонга қайтган.

Аббосхон эшоннинг кароматлари ҳозиргача халқ орасида сақланиб қолган. Аббосхон эшон дами ўткир бўлгани учун ула-молар ҳам ҳурмат кўрсатишган: “Биз кучга тўлган от бўлсак, у (Аббосхон эшон – З.И.) туянинг боласи, от туя бўлармиди”.

Карнайчи қишлоғилик Абдували тоғанинг ҳикоя қилиши-ча, у шол бўлиб ётиб қолганда отаси Кўкон аравада Аббосхон эшоннинг олдига олиб келган. Фарзанди тузалишидан но-умид бўлган ота ўғлини Аббосхон эшонга назр қилган экан. Аббосхон эшон “Ёсин” сурасини ўқиб, дам солган. Бир неча кундан сўнг Абдували оёққа турган. Фарзандининг холи нима бўлганини кўриш учун келган ота ўғлининг боғда ишлаб юр-ганини кўриб, ўзини эшоннинг оёғи остига ташлаган экан. Кейин Аббосхон эшон Абдувалини отаси билан уйига кетиши-га рухсат берган.

Шаҳрихонлик кексалар Иброҳим Маҳмудов ҳамда Қамар-бек Аҳмедовларнинг ҳикоя қилишларича, Аббосхон эшон яша-ган уйнинг олдига бир-ярим метрлар чамаси оқ тош бўлган. Аббосхон эшон кўпинча шу ерда хордиқ чиқарган. Кўчадан ўтган киши Аббосхон эшоннинг дуосини олишга шошилган. Бир куни Умаржон нонвой деган киши олтига аравада ун олиб кетётган экан. Юмуш билан бўлиб Аббосхон эшонга салом бе-ришни унутиб қўйибди. Арава Аббосхон эшоннинг рўпарасига етиб келгач, таққа тўхтаб қолган. Умаржон нонвой отни юрги-зишга ҳарчанд ҳаракат қилмасин, отни силтаб, камчилаб юр-гизишга интилмасин, от ўрнидан жилай демас эмиш. Шунда Аббосхон эшон, “Ҳа, жонивор, Аллоҳнинг мадади билан юр” деганида от жадал юриб кетган экан. Бундан хурсанд бўлган Умаржон нонвой эртасига Аббосхон эшонга нон билан қаймоқ олиб келади. Аббосхон эшон унга кулиб: “Эй, Умаржон, кеча салом айтиб ўтганингда менга ҳам қийин бўлмас эди, сен ҳам овора бўлиб келмас эдинг”, деб елкасини очиб кўрсатган экан.

Наманганлик шоир Чустий ҳам Аббосхон эшонни доимо зиёрат қилиб турган.

Аббосхон эшон Шахрихонда вафот этган ва ўз уйига дафн этилган. Кейинчалик қишлоқ уламолари Аббосхон эшоннинг оёқларида ётишни ният қилишган. Вафот этишгач, Аббосхон эшон қабрларининг оёқ томонига дафн этилган. Шу тариқа бу ерда мўъжаз қабристон пайдо бўлган. Халк “Девонаи эшон” қабристонини зиёрат қилиб, марҳумлар ҳақкига дуо ўқишади. Бу жойнинг хислати бор эканки, бепарзанд кишилар фарзанд тилаб астойдил Худога илтижо қилишса, Аллоҳнинг марҳамати, эшонларнинг каромати ва чин ихлос туфайли фарзандли бўлишар экан.

Аббосхон эшон вафотидан сўнг эшонлик унинг ўғли Қосимжон эшонга ўтган. Қосимжон эшон яшаган даврда атеистик мафкура кучайган, шўроларнинг “маданий инкилоб” тадбири жамият ҳаётининг барча жабҳалари, айниқса фан ва маданиятни ўта мафкуралаштириб, унинг ҳар бир соҳасини қамраб олган эди. Ўзгача фикрлашга бўлган ҳар қандай уриниш “синфий душман қаршилиги” деб баҳоланиб, каерда бўлса ҳам “синфий душман”ни қидириб топиш, барчани шубҳа остига олиш одат тусига кириб борган. Зиёли кадрларни тайёрлашда “синфий жиҳатдан ишончли, аҳолининг “меҳнаткаш” табақаларидан чиққан кишиларни танлаб олиш керак” деган ғоя илгари сурилган.

Қосимжон эшон бир умр кимнинг авлоди эканини яшириб юришга мажбур бўлган, Октябиров Қосимжон бўлиб яшаган. Турли тазйиқ ва босимларга сабр қилиб, Бўз туманидаги пахта заводида ишлаган. Ҳалол ва фидокорона меҳнати учун кўкрак нишони билан мукофотланган.

“Таъби назм” эгаси бўлган Қосимжон эшон “Мушток” таҳаллуси билан ижод қилган. Лекин унинг шеърларида шўролар мафкураси учун “зарарли мисралар” иймон, ҳалоллик, покликка даъват қилингани учун матбуотнинг юзини кўра олмайди:

*Кўнглим тонгдек ёруғ, тонгдек безубор,
Тўйиб-тўйиб эркин нафас оламан.
Шу тотли забардаст буюк бебаҳо
Эл билан меҳнатда илдам бораман.*

Қосимжон эшон фарзандларига ёруғ кунлар келиши яқинлиги, барча диний эркинликка чиқиши, эшонлик номи окланиши, шеърлари халққа етиб бориши ҳақида каромат қилган эканлар. Қарийб ярим аср қалин дафтар хошиясида сабр қилиб кутган дилтортар шеърлар ниҳоят китоб ҳолига келди. Дил дафтарини ўқир эканмиз, мавзуларнинг беҳад ҳаётийлиги, кўнглига хуш ёқиши, битта мисра соатлаб мушоҳада қилиш кучига эгалиги ҳайратланарли:

*Ғазаб бирла нафрат – иккиси қондош,
Камдан кишида дош берар юрак.
Вужудинг титратиб, асабни бузиш,
Айт, эй инсон! Нимага керак?*

Муштокнинг шеърлари содда ва самимий. Унинг шеърлари кишини ўқиганларининг мағизини чақинишга, тафаккур қилишга, ибратланишга ва ниҳоят, қисқа умрни мазмунли ва бетакрор ўтказиш учун керакли хулосалар чиқаришга даъват этади:

*Ҳақ сўзни айтмоқ истар кўнгил ҳақиқат олдида,
Эрса кўнгил хун бўлиб оққай тариқат олдида.
Пок бўлиб таваллуд топдинг эл-юртинг ичра сен,
Покдизинг кўрсат халқинг, ҳам Холиқинг олдида.*

Тасавуфнинг ўзига хос хусусиятлари инсоннинг ички дунёсини разолатдан тозалаб, уни фазилат ва гўзал ахлоқ билан безамоқликда намоён бўлади. Тасавуф таълимотининг асосий масалаларидан бири инсон учун қайгуриш, унинг маънавий камолотини юксалтириш бўлиб, ҳозирга қадар аҳамиятини йўқотмаган. Ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитда ҳам

ота-боболаримиз ўзлигини йўқотмасдан, маънавий ҳаёт мезонлари, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиб, комиллик сари интилиб яшагани бугун ҳам барчамизга ибрат бўлиб, куч-қувват бағишлаб келмоқда . Инсон табиатан огоҳ этувчи, ҳақ йўлни кўрсатувчи, насихат қилувчи мураббийга мухтождир. Мураббийи бўлмаган ёки мураббийдан узоқлашган кишининг қалби қораяди, унинг гуноҳлардан тийилиш ва ибратли воқеалардан таъсирланиш туйғуси йўқолади. Ҳалокатга олиб борувчи йўллардан огоҳ этувчи, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарувчилар пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг маънавий меросхўрлари бўлган ориф ва валий зотлардир:

*Эй кўнгил ёринг туриб ўзга бир ёр истама,
Ўзга бир ёр излабон жисмингга озор истама.
Бас, етар, ҳар гўшада саргашта бўлган онларинг,
Гул ҳаётинг бор, тубанлик ва хорлик истама.*

Қосимжон эшоннинг эзуликни халқ орасига ёйиш, кишилар қалбини ахлоқий эътиқод ва муҳаббат нури билан чароғон этиш, инсонларни яхшиликка чақириш, ёмонликлардан қайтариш, азиз умрни беҳуда ишларга совурмай, эзгу-мақсад сари интилишга чорлайди...

Вақти-соати етгач, Хулулибой эшон фоний оламни тарк этади. Эшонлик Хулулибой эшоннинг ўғли Раҳмончахон эшонга қолади. Раҳмончахон эшон эзгу ишлари билан Кўшқишлоқда машҳур бўлади. Раҳмончахон эшон маърифати, одамохунлиги, саховати, эзгу ишлари билан барчанинг кўнглини олган, фидойи инсон бўлса ҳам, фарзанддан бенасиб бўлган. Раҳмончахон эшоннинг синглиси Анзиратхон отин қорасувлик Маткарим мингбошига турмушга чиккан, ундан Саҳодуллахон исмли бир ўғил кўрган. Маткарим мингбошининг бевақт вафотидан сўнг, Анзиратхон отин ўғли Саҳодуллахон билан акаси Раҳмонча эшоннинг ёнига кўчиб келади. Анзиратхон отин ақл ва ҳусн бобида тенгсиз бўлиб, тез орада илму маърифати билан қишлоқда обрў қозонади. Қишлоқ аёлларига таълим беради.

Эшонлик хислати Анзиратхон отинга ўтган эди. Раҳмончахон эшон синглиси Анзиратхон отиннинг ўғли Саҳодуллахонни ўз тарбиясига олади. Унга диний ва дунёвий илмлардан тарбия бериб, ота-боболаридан ўрганган илохий илмларни ҳам ўргатади.

Ота томонидан Маткарим мингбошининг пушти камаридан туғилган Саҳодуллахон ёшлигидан жуда эрка бўлиб ўсгани учун тоғасининг саъй-ҳаракатлари бесамар кетади. Саҳодуллахон Раҳмончахон эшоннинг топган-тутганларини созуриб юборса ҳам, эшон унга бир оғиз ёмон гапирмайди. Алғовдалғов кунлар бошланиб, замон оғир келади. Хонликка барҳам берилиб, ҳукмронлик оқпошшонинг кўлига ўтади. Раҳмончахон эшон бу дунёдан армон билан ўтиб кетади. Раҳмончахон эшондан сўнг эшонлик Саҳодуллахонга ўтади.

Саҳодулла эшон яшаган давр яна ҳам доғули бўлиб, оқпошшони тахтдан ағдарган йўқсиллар шўролар давлатини барпо қилади. Бу давлат эски тузумни тағ-томири билан кўпориб ташлаб, мулкдорларнинг ер-сувини давлат ҳисобига ўтказиб, катта мулк ва ер эгалари, эшон ва муллаларни эксплуататорчи синф сифатида бутунлай тугатади. Масжид ва мадрасалар ёпилади. Саҳодуллахон эшонга тоғаси Раҳмончахон эшондан қолган уй-жойлар, бутун мол-мулки билан давлат ихтиёрига ўтказилиб, эшонлар авлоди, уларнинг қабрлари оёқ ости қилинади, харобага айлантиради. Қама-қама бошлангач, талотўпдан омон қолиш учун Саҳодулла эшон оиласини қишлоқда қолдириб, ўзи бошқа жойга қочиб кетади ва бир неча йил қувғинда яшайди. Урди-сурди, олди-қочдилар тинганидан сўнг Саҳодулла эшон Қўшқишлоққа қайтиб келади.

Замоннинг зайли билан эшонлар ҳақида гапириш тугул, эслаш ҳам мумкин бўлмаган даврлар эди. Саҳодулла эшон хотини ва фарзандлари билан хароба ҳолдаги пастқам эски уйга кўчиб ўтиб, шу ерда яшайди. Саҳодулла эшон фожиали қисматидан азоб чекади. Мажбурий ватанжудоликда яшаб, ҳаётнинг иссиқ-совуғини кўрган Саҳодулла эшоннинг кўзи кеч очилган, тоғасининг меҳрибончиликларини кадрламаганидан афсус-надомат чекади.

Саҳодуллахон эшон чала қолдирган дарсларини ўзлаштириб, фарзандларининг илмли бўлишлари учун ҳаракат қилади. У шаръий илмларни пухта эгаллаган бўлса ҳам, тасаввуф илмини оғир олиб, майл ва рағбат кўрсатмаган, тасаввуфнинг амалий ҳаётида яшамагани учун унга тариқат сир-асрорлари пардаси очилмай қолади. Саҳодуллахон эшон шу ерда оламдан ўтади. У Қўшқишлоққа, тоғаси Раҳмончахон эшоннинг қабри ёнига дафн этилади.

Саҳодулла эшоннинг ўғли Теша эшон (асли исмлари Иброҳим бўлган – 3. И.) Қўшқишлоқдаги ховуз булоқ яқинида оиласи билан яшайди. Мустабид тузум даврида эрки, тақдири ўз қўлида бўлмаган Теша эшон авлодлари ишини давом эттира олмайди. Дин ва диндорларни таъқиб этиш кучайган бу даврда араб, форс тиллари, туркий ёзувни мукаммал эгаллаган зиёлиларнинг бир қисми узоқ ўлкаларга сургун қилинган бўлса, бошқалари қамалган, айримлари хориж ўлкаларидан паноҳ топиб, қатағондан омон қолишган. Бу даврда миллатнинг кадр-қиммати, шаъни ва номуси поймол қилинган, кўҳна тарих ва муқаддас қадриятлар топталган, дин ва миллий ғурурга тегишли барча осори-атиқалар бадном этилган. Ҳагтоки жаноза маросимларига бориш, яқин кишисини йўқотган одамлардан кўнгил сўраш ҳам партиявий жазолар билан «мукофотланган». Масъул лавозимдаги раҳбар ота-онаси қазо қилганида дафн маросимларида иштирок этмасликка мажбур бўлган. Дин ҳақида бирор сатр ёзиш ёки маъруза қилиш таъқиқлангани ҳолда динга қарши ёзиш рағбатлантирилганки, яқин тарихда халқимиз бошидан кечирган бу кунларни, азоб-уқубатларни нутиб бўлмайди.

Қарийб 150 йил давом этган тарихнинг машъум ёзуғи халқимиз иродаси ва иймон-эътиқодини буткул синдира олмади. Халқимиз ҳар қандай зулм ва истибдод чанғалида ҳам ўзини, ўзлигини йўқотмай, тили, дини, миллий қадриятларини сақлаб қолди. Мухтарам Президентимиз И.Каримов эътироф этганларидек, *“Мустақиллик бизни мустабид ва мафкура-лашган кишилардан озод қилди. Ўзбек халқига ўз юртида бо-*

шини баланд кўтариб юриш, ўз маданияти ва анъаналарини, қадр-қимматини, дини ва эътиқодини, она тили ва маънавиятини тиклаш имконини берди”.

Истиклол туфайли кўшқишлоқлик Теша эшон ҳам кўхна Ҳовузбулоқ агрофини обод қилиб, боғ яратди. Қишлоқ аҳолиси Ҳовузбулоқдан бахраманд бўлиши учун кагта закан ариқ устига кўприк қурди. Теша эшон бобоси Раҳмончахон эшон ва отаси Саҳодуллахон эшоннинг қабрларини тиклади.

Тўқсон олти ёшни қоралаган Теша эшон Саҳодуллаев билан суҳбатлашганимизда умр бўйи ҳалол меҳнат билан яшагани, эзгу ишлари билан эл-юртга наф етказгани, отаси ва боболари қабрларини обод қилгани, ували-жували бўлиб, фарзандларининг камолини уларнинг иқболида кўраётгани, халқимизни озод ва обод Ватанимиз тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун туну кун тиним билмаётган муҳтарам Президентимизнинг умрлари зиёда бўлишини айтиб, узундан-узок дуо қилди. Шунингдек, ҳовузбулоқнинг мўъжизакор шифобахш хусусиятга эга экани, Бурҳонуддин эшон ерга суқиб қўйган қуюқтолнинг яқингача кўкариб тургани, қуюқтолнинг тагидан ўт чиқиб туриши ҳақида тўлқинланиб сўзлаб берди. Ҳовузбулоқнинг сувидан татиб кўрганимизда унинг чиндан ҳам мўъжизакор қувватга эканига амин бўлдик.

Теша эшон гўртепалик Йўлдош ота ҳақида сўз очиб, *“билганларимни айтдим, шояд Йўлдошвой ёзганларидан кемтикларни тўлдирадиган янгилик топсангиз”* деб, бошлаган эзгу ишимиз хайрли оқибат билан тугашини ният қилиб, оқ фотиҳа берди. Хурсандчилигимизни яширолмай, гўртепалик Йўлдош отанинг уйига борганимизда, уларнинг оламдан ўтиб кетганини эшитиб, умидимиз узилди. Қисса ҳақида суриштирганимизда Йўлдош отанинг ўғли падари тайинлаган сўзларни такрорлади: *“Ҳар ким ҳам ёзганларимнинг қадрига етмайди, болам, бу қораламаларни кўз қорачигидек асрагин”*. Илоҳий кароматми ёхуд Хўжа Аҳмад Валий, Бурҳонуддин эшондек авлиё зотларнинг руҳий мададими, ишқилиб, қиссани ўқишга муяссар бўлдик. Йўлдош отанинг ота-боболаридан эшитганлари асо-

сида “Девонаи эшон” номи билан машхур бўлган Бурхонуддин эшон ҳақида ёзган хотиралари орқали Хўжа Аҳмад Валий, Бурхонуддин эшон ва унинг авлодлари, Али Полвон, унинг ўғли Алимбой Валийнинг ҳаёти ва фаолиятга оид ривоятлар билан танишдик. Ўзимиздаги маълумотлар билан солиштириб, айрим воқеалардаги чалкашликларга ойдинлик киритдик.

Йўлдош отанинг қисса ибтидосида ёзганларини амалга ошириб, унинг руҳини шод қилганимиздан севиндик: “*Бу ёруғ дунёда ривоятлар, ҳикоятлар, афсоналар, турли-туман воқеа-ҳодисалар бўлиб ўтганки, ота-боболаримиз давридан бир-бирига айтиб, бу ёруғ оламдан ўтган. Шу йўсинда аجدодлардан авлодларга етиб келиб, халқ орасида йўқолмай келганки, бундай ривоятлар ўз-ўзидан вужудга келмагани, унинг замирида ҳақиқат яширинки, ҳозирги кунимизгача етиб келган. Лекин қозоғга туширадиган чекка қишлоқ ерларида етук одамлар бўлмаган. Мен ўша авлодлар давомчиси сифатида ривоятлардан қозоғга туширмоқчи бўлдим. Аммо замона тақозоси билан юрак дов бермади. Энди ёшлар ўтиб бу ривоятлар ерга кўмилиб кетмасидан тўлалигича қозоғга тушира олмасам ҳам, суягини тиклаб ёзиб кетиш, буни кенгайтириб ўрганиш, бадиийлаштириш, мен тиклаган суякка эт киргизиш келажак авлодларга, тарихчиларга, файласуфларга, мустақил Ўзбекистон келажаги учун эшон фидо қиладиган фидоий инсонларга, ўз юртини жаҳон биладиган буюк давомчиларга ҳавола қилман. Асарга “Йироқдаги ўчмас дўстлик тамғаси” деб ном бердим. Бу жаҳон халқларининг дўстлик тамғаси бўлиб қолади”.*

АЛИ ПОЛВОН

Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Шаҳанд қишлоғи қадим тарихга эга. Қишлоқнинг келиб чиқиши ҳақида жуда кўп ривоятлар бор. Шаҳанд “Шоҳ кент”, яъни “шоҳлар юрти” деган маънони англатади. Маълумки, 1620 йилда бўлган кучли зилзила оқибатида Аҳси қалъаси вайрон бўлган. Аҳолининг бир қисми Наманган шаҳри атрофларига, бир қисми Шаҳанд қишлоғига келиб ўрнашган. Шу тариха Шаҳанд қишлоғи барпо бўлган. Сув тақчил бўлгани учун бу ерларда жуда кам аҳоли яшаган.

Шаҳанд сўзининг яна бир маъноси “Шоҳканд”, яъни “ширинликларга бой макон” бўлиб, бу ерларда азалдан ҳунармандчилик ривожланган²⁶. Шаҳанд ҳунармандлар юрти бўлган. Шаҳандликлар тайёрлаган ширинликлар – ҳолва, саванак ҳолва, пашмак ҳолва, печак қанду парвардаларнинг таърифи чор атрофда машҳур бўлган. Бу анъана ҳозирга қадар давом этмоқда.

Кураш азалдан ўзбек халқи турмуш тарзининг узвий қисми бўлган. Бунга археологик топилмалар, тарихий қўлёзмалар ҳам тасдиқлайди. Қадимги Бактрия ҳудудидан топилган жез даврига оид цилиндрсимон сопол идишда икки полвон ва улардан бирининг иккинчисини оёғи билан чалаётган ҳолати тасвирланган. Шу даврга мансуб бошқа археологик топилмада эса полвонларнинг кураш усуллари намойиш қилаётгани ақс эттирилган.

Милоддан аввалги III – II асрларда яшаган юнонлик Клавдий Элиан сак қабиласи қизлари ўзларига куёвни йигитлар билан курашиб танлашгани, кейинчалик қизлар куёвни шарт қўйиш йўли билан аниқлашгани ва бу шартда кураш мусобақаси ҳам бўлганини таъкидлаган. Бунга ўзбек халқ қаҳрамонлик достони “Алпомиш”даги Барчин қўйган шартлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

²⁶ 1960 – 1980 йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Шаҳанд ҳудудидан ўрта асрларга оид сопол буюмлар, пишиқ гишт, қувур бўлақлари топилган.

Қадимги Месопотамия ҳудудидан топилган милоддан аввалги V асрга мансуб ҳайкалчада белбоғли кураш усулида мусобақалашаётган полвонлар тасвирланган. Хитойнинг қадимги кўлёмалари ҳам Фарғона водийсида тўй ва сайллар кураш мусобақаларисиз ўтмаслиги қайд этилган. Бу ноёб топилмалар милоддан аввалги V – III асрларда ҳам кураш одамлар кўп кизиқадиган ҳунар эканидан далолат беради. Полвонлар ҳар қандай вазиятда тўғрилиқ ва покликка амал қилишган. Манбаларда IX – XVI асрларда кураш халқ ўргасида оммалашгани қайд этилган²⁷.

Кураш кўп халқларда қадим замонлардан буён маълум бўлиб, Шаҳанд ҳам бундан мустасно эмас. Бу ерда кураги ерга тегмаган полвонлар умргузаронлик қилишган. Улардан бири бозорбошилиқ Али Полвон бўлиб, кураш сирларини мукамал ўрганган ва курашда куч-қувватнинг эътибори йўқлиги, хайвонларда кўп бўлса ҳам, илму дониш фақат инсонга хослиги, билимсиз куч адолатсиз шоҳ каби, қуввати йўқ илм адолатли, лекин лашкари йўқ шоҳ каби бўлишини эътиборга олиб, муваффақиятга эришишнинг йўли “билим ва куч уйғунлиги”да деб ҳисоблаган ва шогирдларига ҳам шундай таълим берган. Кураш тушувчиларнинг ўзига хос одоби бўлиб, улар сабр-тоқатли, хушахлоқ, ҳаромдан ҳазар қилувчи, жидду-жаҳд қилувчи, илмли, хайр-саховатли бўлганлар.

Чор атрофдаги овулу кишлоқларда ўтказилган полвонлар кураши Али Полвон иштирокисиз ўтмас, табиатан босиқ ва камсукум бўлгани, ҳалол кураш тушгани учун барчанинг тилига тушган. Шаҳандда ўтказилган курашда ғолиб бўлган Али Полвон Хўжа Аҳмад Валийнинг назарига тушади ва уни дуо қилиб: “Яратгандан сизнинг авлодингиз бизнинг йўлимиз (бу ерда тариқат дейилмоқчи – З.И.) давомчилари бўлишини сўрайман, шоядки туғилажак фарзандингиз илмдан насибадор бўлса” дейди. Бунинг сабаби Али Полвоннинг курашда илм ва

²⁷ Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Алишер Навоийнинг “Хамса”, “Ҳолоти Пахлавон Муҳаммад”, Зайниддин Восифийнинг “Бадосъ ул-вақоъ”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида кураш ҳунари ҳақида маълумотлар бор.

амални уйғунлаштиргани, пок тийнат, саховатли, меҳрибон, кураш илмининг барча нозикликларини муфассал билимдо-ни бўлганида дейиш мумкин. Зеро, ҳар ким ҳам полвон деган номга сазовор бўлмаган. Полвонликнинг шартлари бақувваг жусса, хушмуомала, метин юрак, соғлом тафаккур, сабр, илм, жидду жаҳд, кўнгли ҳам, юзи ҳам, дастурхони ҳам очик бўли-ши билан белгиланган.

Али Полвон бекободлик Меҳмонжон бибига уйланади. 1765 йилда Али Полвон ўғил фарзанд кўради. Унга Алимбой деб исм қўяди. Али Полвон фарзандининг ҳар жиҳатдан баркамол бўлишига эътибор берган. Алимбой ёшлигидан отасидан ку-раш тушиш сирларини ўрганади. Курашнинг машҳур усуллари уч юзга яқин бўлса, уларнинг ҳар бири яна бир неча усул ва тадбирга бўлиниб кетган. Ушбу усулларга қарши кураш усул-лари ҳам ўшанча бўлиб, уларнинг жамланмасидан бир минг саккиз юз усул келиб чиқади. Мазкур илм ва унинг тадбир ҳамда усулларини мукамал билмаган киши елкаси ерга тег-маган полвон бўла олмайди.

Полвонлар ахлоқининг миллий қадриятимиз учун аҳами-яти бекиёсдир. Ҳозирга қадар полвонларнинг томошалари, жумладан, кураш тушиш, тош отиш, қалин тахтага мушти билан йўғон миҳларни қоқиш, илон ўйнаш, дорбозлик, одам кўтариш, тош синдириш каби хунарлари янги-янги чиқишлар билан бойитилмоқда. Бундан кўринадики, ахлоқий қадрият ва инсоний фазилатлар асрлар оша инсон маънавий камолоти-нинг мазмунига айланиб, Али Полвон каби забардаст аждод-ларимизга муносиб ворис бўлиб яшаш барчамизнинг эзгу ва шарафли бурчимиз бўлиб қолади.

Бурҳонуддин эшоннинг иқтидорли муридларидан бири шаҳандлик Али Полвоннинг ўғли Алимбой Валий бўлиб, усто-зининг эзгу ишларини давом эттирган.

АЛИМБОЙ ВАЛИЙ

Алимбой ёшлигидан илмга чанқоқ, иштиёқи баланд, зукко бола бўлган. Бир марта айтилган сўзни ёдлаб олган, шунинг учун ҳали ўн-ўн икки ёшга кирмай, хофизи Қуръон бўлиб танилган. Отаси унинг бу иктидоридан ҳайратланиб, Хўжа Аҳмад Валий кароматининг мағзини чақаркан. Фарзандининг илму маърифатли бўлиши Али Полвон учун энг катта бахт эди.

Кунларнинг бирида Бурҳонуддин эшон Шаҳанддаги Бозорбоши бозорига бир юмуш билан келиб, ишларини битириб, Қўшқишлоққа қайтаётганида бир соя орқасидан эргашиб келаётганини кўриб, тўхтади. Орқасига ўтирилиб, ўн беш ёшлар чамасидаги кўзлари чакнаб турган болакайни кўради. Дарё бўйига етгач, Бурҳонуддин эшон боладан нима учун унинг ортидан эргашиб келаётганини сўрайди. Бола жавоб бермай, эпчиллик билан Бурҳонуддин эшон ўтирган қайикка чикиб олади. Дарёдан ўтишгач, Бурҳонуддин эшоннинг уйига етиб келишади. Кун кеч бўлади. Бола шу ерда қолади. Эртасига Бурҳонуддин эшон Алимбойдан исмини, ота-онасини, унга эргашиб келишидан мақсадини сўрабди. Болакай муддаосини айтади: “Сизга шогирд бўлмоқчиман”. Бурҳонуддин эшон унга бугун уйига қайтишини ва ота-онасининг розилигини олиб, сўнг бу ерга келишини тайинлайди.

Алимбой Валий Бурҳонуддин эшоннинг айтганларини бажонидил қабул қилади ва уйига чошиб кетади. Ота-онаси хавотир олиб ўтиришганини кўриб, Бурҳонуддин эшоннинг бежиз уйига қайтариб юбормаганини англайди. Бурҳонуддин эшон билан ораларида бўлган суҳбатни болаларча соддалик билан айтиб беради. Али Полвон фарзандининг иқболидан хурсанд бўлади. Алимбой ота-онасидан оқ фотиҳа олиб, Бурҳонуддин эшоннинг ҳузурига йўл олади. Бурҳонуддин эшон болага ўзгача меҳр билан қараб, ислом дини арконлари, тасаввуф илми ва тариқат сирларини ўргата бошлайди. Алимбой бир неча йил пирининг хизматида бўлади.

Бурхонуддин эшон ҳар доим муридларига бировнинг ҳаққи-га хиёнат қилмаслик, тўғри юриш, тўғри туриш ва тўғри сўзлашни айтар, улардан ўрганган илмларига амал қилишларини талаб қилган: ҳар бир инсон энг аввало Яратувчисини таниши ва албатта, ўзининг бежиз яратилмагани ҳақида фикр юритиши лозим. Ислонинг устунлари бўлган иймон, намоз, рўза, закот, ҳаж ва уларнинг ўзаро муштарақ: “Мусулмон киши ҳеч бир жонзотга қўли билан ҳам, тили билан ҳам, нияти билан ҳам озор бермаслиги керак. Ҳар бир кишининг тақдирига яхшилик йўли билан борса, жаннат аҳлидан бўлади. Ёмонлик йўлини танласа, Аллоҳнинг қаҳрига учрайди: инсонга танлаш ҳуқуқи берилган”. Ҳақ таоло Куръоннинг “Балад” сурасининг 10-оятида *“Яна уни икки йўлга (ҳидоят ва залолат йўлларига) йўллаб қўйдикку”* деб таъкидлайди.

Илму ирфондан насибадор бўлган Алимбой таҳсилни тамомлаб, Шаҳандга қайтса ҳам, ҳар куни Бурхонуддин эшонга нонушта олиб боришни канда қилмайди. Иккита иссиқ нон ва бир пиёла қаймоқ олиб Шаҳанддан Гуртепага борган Алимбой бу одатни токи устози ҳаж зиёратига кетгунига қадар давом эттирган экан. Кунларнинг бирида бир воқеа содир бўлибдию, Алимбойнинг ҳаётида ўчмас из қолдирибди. Баҳор ойларида дарё суви тошиб, Алимбой ўз вақтида нонуштани етказиб олиб боролмайди. Шунда устози бунинг сабабини сўраганида, Алимбой қайиқни кутиб қолганини айтади. Шунда Бурхонуддин эшон: “Сиз ҳали сувдан чўчидингизми, қайиқ кутиб ўтирдингизми? Янаги сафар дарё суви тошганида чопонингизнинг ўнгурини қайтариб, кўзингизни юминг-да, Аллоҳ номини тилдан қўймай, сув устидан қадам ташлаб келаверинг, сизга рухсат” дебди. Шу тариқа Алимбой энди қайиқни кутиб ўтирмасдан, чопонини кўтариб, кўзларини юмганича, “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим” деб Аллоҳга таваккал қилиб сув устида юриб, манзилга ўз вақтида етиб борадиган бўлибди. Дарёдан ўтиши билан Бурхонуддин эшоннинг “Энди кўзингизни очинг” деган овозини эшитиб, кўзини очар экан. Кўзини очганида Алимбойнинг ҳеч қаерига сув тегмаган, ҳеч қаери ҳўл

бўлмас экан. Бурхонуддин эшон шогирдида валийлик нишонларини кўриб, кўнглидан “Алимбой энди Валий бўлди” деган ўй ўтибди. Бурхонуддин эшон барча шогирдларини ёнига чорлаб, Алимбой Валийнинг илму маърифат ва кашфу кароматда валийлик мақомига етганини ошкор қилибди. Алимбой Валийга қараб: “Уч марта “Фотиҳа” сурасини ва етти марта “Ихлос” сурасини ўқинг, нимаики тиласангиз Аллоҳ етказди”, дебди.

Алимбой Валий камтарлик қилиб, бошлаган ишини давом эттиришини, ҳали жуда кўп билим олиши кераклигини айтганида, Бурхонуддин эшон унга қараб: “Сиз ўрганишингиз лозим бўлган билимларни ўрганиб бўлдингиз, энди бу билимларни халққа етказиш вақти келди”, дебди. Устоз ва шогирд Гуртепадан Шаҳандга қараб йўлга тушишибди. Хўжа Аҳмад Валий кўним топган Шаҳанд қишлоғининг юқори қирликдаги қаровсиз ётган чангалзору чакалакзорига етиб келишибди.

Бурхонуддин эшон Алимбой Валийга бу жойни обод қилишни тайинлайди: “Сиз ёлғиз эмассиз, шаҳандликлар сизнинг бу ерларни обод қўшага айлантиришингизда мададкор бўлишади. Қолаверса, азиз-авлиёлар Сизни бу эзгу ишингизни руҳан қўллаб-қувватлайди. Яхшилардан боғ қолади. Инсоннинг меҳнатидан юрт обод бўлади, шоядки сиз яратган боғ асрлар оша халқимизнинг яхши кунларига хизмат қилса, эл манфаатдор бўлса!”

Алимбой Валий устози мадади билан чангалзор ўртасида хушманзара ва хушхаво боғ яратишни мақсад қилади. Бу ерга келиб, қилинажак ишлар ҳақида тафаккур қилади. Ривоят қилинишича, Қўқон хони Худоёрхон шикорга чиққан, лекин овчи кушларни ҳар қанча ишга солишмасин, ов бароридан келмаган. Хон бунинг сабабини билолмай, таажжубга тушган. Шунда хоннинг хос кишиларидан бири чангалзор ўртасида бир дарвеш ўтирганини айтган. Хон унинг олдига йўл олган. Алимбой Валий хонга таъзим қилиб, кутиб олган. Худоёрхон Алимбой Валийдан кимлигини сўраганида, камтарлик билан: “Бир девона фақир бандамиз, туну кун ибодат билан машғулмиз” деб жавоб қайтарган. Хон бу ерларга ов учун келгани ҳолда би-

рон жонзот кўринмаганини айтганида, Алимбой Валий кўлини кўксига кўйиб: “Ҳар ернинг ҳам ўз хўжаси бўлади, ҳазрат” деб жавоб берган.

Алимбой Валийнинг сўзларидан таъсирланган Худоёрхон бу ерда бир сир борлигини англаб, унинг каромат ва валоят соҳиби эканига амин бўлган. Алимбой Валийнинг ишораси билан чангалзордан бир тўда қушлар осмонга кўтарилиб, чарх урган. Аста-секин пастлаб, Алимбой Валийнинг оёғи остига кўниб, худди таъзим қилгандек тумшукларини эгган. Мулозимлар хурсанд бўлиб, қушларни тутиб қушдонларга солишиб, оғзини маҳкамлашган.

Хоннинг олийҳимматлиги тутиб, Алимбой Валийга илтифот кўрсатиб, ундан нима тилаги борлигини сўраган. Алимбой Валий хонга қараб: “Биз дарвешлармиз, ҳою ҳавасдан йироқмиз, ҳеч нарсага муҳтожлигимиз йўқ”, деб жавоб қайтарибди. Бундан яна ҳам таажжубга тушган хон унга кўнглидагини айтишини сўрайди. Шунда Алимбой Валий минг андиша билан кирликдаги бепоён чангалзору чакалакзорни вақф мулки қилиб беришини сўрайди. Хоннинг амри вожиб. Бир зумда мунший ва котибни чакириб, ўн саккиз гектардан ошиқроқ чангалзорни Алимбой Валий номига вақф мулки қилиб беради. Кафолат хати битилиб, хон муҳри билан тасдиқланади. Хон Алимбой Валийдан: “Агар ҳозир хонликни сўрасангиз ҳам беришга рози эдим, нима учун шу хароба жойни танладингиз, бу ер бойўғли ҳам қунмайдиган чакалакзор бўлса, бунинг сир-синоати нимада?”, деб сўрайди.

Алимбой Валий устози Бурҳонуддин эшоннинг айтганларини ҳикоя қилиб беради, чакалакзорни боғ қилиш ниятида эканини айтади. Хон яна ҳам ажабланиб, бу ернинг боғ қилишга яроқсизлиги, айниқса сув танқислиги муаммо бўлишини айтганида, Алимбой Валий хотиржамлик билан “Аллоҳ етказади” дейди. Хон боғдан нима мақсадда фойдаланишни сўраганида, Алимбой Валий боғни ўзи учун эмас, водий аҳли учун, қолаверса, кишлок аҳли учун бунёд этишини айтади. Хон Алимбой Валийнинг эзгу ишга қўл уришидан мамнун бўлади. Ри-

воят қилинишича, Худоёрхоннинг илтифотига сазовор бўлган Алимбой Валий қувончини ичига сиғдира олмай турганида ғойибдан Ҳазрати Хизр кўринибди ва: “Эй тақсир, сиз ҳам дунёпарастликни хоҳлаб қолдингизми?” деб сўрабди. Шунда Алимбой Валий Ҳазрати Хизрни ранжитиб қўймаслик учун муддаосини айтибди: “Асло бундай ўйламанг, боғ ўзимиз учун эмас, илм аҳли учундир. Унинг ҳосилини Бухоро мадрасаларидан токи Маккатиллодагиларга ҳам етказиб беришни ният қилганмиз”. Ҳазрати Хизр Алимбой Валийга қараб: “Ундай бўлса, маъқул, одамларни чорланг, ҳашар уюштиринг, ишингиз бароридан келсин” деб дуо қилибди. Алимбой Валий хонақоҳга келгач, вақф мулки қилиб берилган ҳужжатни пири Бурҳонуддин эшонга кўрсатади. Бурҳонуддин эшон бошланажак эзгу ишни обдон ўйлаб, халққа мурожаат қилади.

Хон боғ қурилиши харажатлари учун пул ҳам ажратади. Худоёрхон инъом қилган сармоёга керакли хўжалик моллари сотиб олинади. Дала бошига ўчоқлар қавланиб, дошқозонлар ўрнатилади. Ташкилий ишлар ҳал қилинганча, ишбоши тайинланади. Ишбоши режа асосида ҳар бир ҳашарчини иш билан таъминлашни ўз зиммасига олади. Хоннинг буйруғи билан мингбоши ва юзбошилар теварак атрофдаги қишлоқларга бориб, халқни боғ қурилишига жалб этишади. Боғ яратиш учун ҳар бир киши ҳисобига бир туп мевали ва бир туп мевасиз дарахт олиб келиш юклатилади. Шу тариқа улуғ ишга қўл урилади. Боғ яратиш учун аввало чангалзорга ўт қўйиб, ерни тозалаш лозим эди. Чангалзорга ўт қўйилади, бир неча кун осмонни қуюқ тутун босиб кетади. Чангалзор ўрни тап-тақир ерга айланади. Боғ яратиш баҳор фаслига тўғри келгани айни муддао бўлади. Аввал ерни тозалаб, текислаб, кетмонланиб, қўшланиб, сўнг дарахтларни экиш режалаштирилади. Ривоят қилинишича, Ҳазрати Хизр “Бошлаган ишингиз бароридан келсин, яратган боғингиз то қиёматгача барқарор турсин”, деб дуо қилган экан.

Ҳашар белгиланган куни дарёнинг икки томонидан ҳашарчилар оқиб келади. Ҳашарга келган ҳар бир одамнинг қўли-

да бир туп мевали, бир туп мевасиз дарахт бор эди. Сайилгох одамларга ва кўчатларга тўлиб кетади. Тез кунда кўрғон пойдевори кўтарилиб, ариқлар очилади. Ҳовуз ковланади. Мевали дарахтлар бир томонга, мевасиз дарахтлар иккинчи томонга тартиб билан экилади. Кўрғон атрофи пахса девор билан ўралади.

Ривоят қилинишича, Бурҳонуддин эшон ҳашарчиларга дарахтларни бир текисда экиб келаверишларини айтган. Бундан таажжубга тушган одамлар, “Сувсиз ҳам дарахт экиб, кўкартириб бўларканми, сувни қаердан оламиз?” деб сўрашади. Бурҳонуддин эшон уларга “Буёғининг ташвишини қилманглар” деб, Алимбой Валийга эрталаб дарахтларнинг остини эҳтиёткорлик билан очиб кўришини айтибди. Эртасига эрталаб Алимбой Валий дарахт экилган жойларни текширса, ер остидан сув келганини кўради. Шу тариқа дарахтлар бир текис кўкарган, одамларнинг устоз-шогирдга ихлоси ортган экан. Иш шу даражада кизиган эканки, лойкашлар пахсакашларга лойни етказишга улгуролмай, лойни пишитиш учун отлардан фойдаланишган экан. Девор колдиклари ҳозир ҳам сақланиб қолган. Боғ қурилишига Бурҳонуддин эшон бош-қош бўлади. Кундузи Бурҳонуддин эшон бошчилигидаги пахсакашлар беш қулоч девор урсалар, кечаси Алимбой Валий бошчилигидаги пахсакашлар беш қулоч девор урар эканлар. Нақл қилишлари-ча, кўрғон девори қурилаётганда бирдан ёмғир ёғади. Ҳашарчилар ёмғирнинг шиддатидан паналаб олган бўлса ҳам Болтабой исмли ҳашарчи ва унинг ўғли жалага ҳам парво қилмай, деворни уришда давом этишади. Буни кўрган Бурҳонуддин эшоннинг завқи келиб, уларнинг олдига бориб: “Баракалла, жони қаттиқлар” деб елкаларига уриб қўяди. Ҳозирга қадар Бурҳонуддин эшоннинг сўзлари эл орасида яшаб келади. Болтабой отанинг авлодлари ҳозирга қадар “жони қаттиқлар” деб айтилади.

Бир куни ёғоч ортилган арава юкининг кўплигидан от юкни тортолмай қолади. Шунда Бурҳонуддин эшон одамлар билан хай-хайлашиб, кўплашиб, отнинг юкини тортишган экан.

Одамлар “ё пирлар” деб айтишганида от тўхтамай юриб кетган экан. Бу ҳақда одамлар гапириб юришганда Бурҳонуддин эшоннинг елкаси териси шилиниб, қавариб кетган экан. Ваҳоланки одамлар “ё пирлар” деганида Бурҳонуддин эшон отга қувват берган экан. Курилиш даврида усталар билмасдан иморат саррофини нотўғри кесиб қўйишади. Шунда Бурҳонуддин эшон ботиний нигоҳ билан сарроф кўтарилмай тургани, саррофлар калта кесилганини кўриб: “Темирни чўзиб бўладию, ёғочни чўзиб бўлмайдими”, деб ҳассасини саррофларга уриб, “Қани кўтаринглар” дебди. Одамлар карашса, саррофлар бир газ узун қилиб арраланган эмиш. Бу ҳолни ўз кўзлари билан кўрганларнинг Бурҳонуддин эшонга ихлослари янада ошибди.

Бу ернинг тупроғи сарик, тоза, қуёш тафтига тўлган, ҳавоси мусаффо, юкорида тоғ, пастида дарё суви бир-бирига ҳамоҳанг куруклик ва намлик бир меъёрда жойлашган эди. Боғнинг ўн саккиз гектарлик бир метр қалинликдаги пахса девори уюшқоқлик туфайли жуда тез муддатда битказилади, етти пахсадан иборат муҳташам пахсали деворга дарвоза ҳам ўрнатилади. Бу дарвоза Байтуллоҳ дарвозаси билан бир томонга қаратиб қурилган экан. Шунинг учун бу жой “Иккинчи Байтуллоҳ” деб агаларкан.

Бурҳонуддин эшон бошчилигида қирқ нафар ҳофизи Куръон ҳовуз атрофида Куръонни хатм қилиб, “ҳовуз суви ҳамма дардга даво бўлсин” деб дуо қилишган. Узоқ-яқиндан келган беморлар ҳовуз сувидан шифо топган эканлар. Афсуски, минг дардга шифо бўлгучи ҳовуз ҳозирда кўмилиб қолган. Ҳовузни қовлаб, ўз ҳолига келтирилса, қанча-қанча дардманлар дардига шифо бўларди.

Боғнинг фазилати, меваларининг мазасию хушманзара табиати Бурҳонуддин эшоннинг дуолари баракасидан экан: *“Боғ биздан кейинги авлодларга мерос қолсин, мевалар беморлар дардига шифо бўлсин. Боғдан ташқарига сўрамасдан бирор чўпни ҳам олиб чиқмасинлар, дарахтларнинг қуриган шохлари шу ерда қозон қайнатиши учун ишлатилсин. Боғдаги дарахтга шикаст етказган киши зиён кўради, дарахтлар бесабаб кесил-*

масин. Боққа нима ниятда келган бўлсалар ниятлари амалга ошсин”.

Ривоятга кўра, Хўжа Аҳмад Валий боғига сув ҳам ер устидан, ҳам ер остидан берилган эканки, Бурҳонуддин эшон Мавлоно Лутфуллоҳни тушида кўриб, ундан боғни обод қилиш учун сув сўраган. Бир кўйни отга ортиб, Чуст шаҳрига йўл олган ва Камарсадага келиб, кўйни сўйган ва халққа эҳсон қилган. Мавлоно Лутфуллоҳнинг руҳий мадади билан бу ерлар тап-тақир чўлдан гулистонга айланган, паҳса учун юмшатирилган тупроқларга ер остидан сув келиб, лой бўлиб қолар экан...

Мавлоноий Жаҳонгир номи билан машҳур бўлган Мавлоно Лутфуллоҳ асли чодаклик бўлиб, 1487 йилда туғилган. Мавлоно дунёни илм билан олган, Ер юзининг 360 шаҳрига уч юз олтмиш шогирдни илмда мукаммал қилиб жўнатган экан. Мавлоно Лутфуллоҳ ҳам диний, ҳам дунёвий илмни, фикҳ, ақида, тасаввуф сирларини мукаммал ўзлаштириш билан миробчилик ва зироат илми мутахассиси бўлиб, Мовароуннаҳру Хуросонда машҳур дин арбоби, мироб, табиб, сиёсий арбоб сифатида танилган.

Мавлоно Лутфуллоҳнинг иккита лавозими бўлган: илм пири ва мавлоно пири. Валийлик қобилятига эга бўлиб, илм истаб келганлар ҳам, дардларига шифо излаб келган беморлар ҳам, фарзандталаб, бахт тилаб келганлар ҳам ниятларига эришган экан. Камарсада²⁸ Мавлоно Лутфуллоҳнинг хонақоҳи бўлган. Унинг ёнидаги бежирим нақшлар билан қопланган масжид ва баландлиги ўн уч метрли, феруза рангли кошинлар билан қопланган минора ҳозиргача сақланиб қолган бўлса ҳам, шўролар даврида хонақоҳ бузиб ташланган. Ҳозир хонақоҳ ўрнида Мавлоно Лутфуллоҳ мақбараси қад ростлаган. Ривоят қилинишича, Мавлоно Лутфуллоҳ ҳассаси билан булоқлар кўзини очган. Қарийб беш юз йилдан бери оқаётган ариқлар Мавлоно Лутфуллоҳнинг саъй-ҳаракати билан бунёд қилинган. Ҳозирги кунда Чуст атрофидаги қишлоқларни сув билан таъминлаёт-

²⁸ Камарсада Чуст шаҳри марказида жойлашган мавзе. Бу ерда Мавлоно Лутфуллоҳ дафн этилган мазор бўлиб, шўролар даврида қабристон бузиб ташланиб, истироҳат боғига айлангилган.

ган, Говасойдан олинган Чустсой ва Тўдасой арикларини ҳам Мавлоно Лутфуллоҳ очдирган, арик тарhini чизиб, сув йўлини тузган. Мавлоно биргина Чустда 300 дан ортиқ сув манбалари – арик, кориз, ҳовуз, булоқ очган. Бурҳонуддин эшон ботин кўзи билан Мавлоно Лутфуллоҳнинг “Сувни ер остидан берайми ёки ер устиданми” деган сўровига “Таксир, сувни ер остидан беринг, узоқ вақт сақланиб қолади, охиратга қадар шифо бўлади”, деб айтган экан.

Ривоят қилинишича, Қўқон хони Худоёрхон назари ўткир эшонун кашфу кароматда ном қозонган авлиёларни синовга чақирган. “Шаҳанддан бу синовга ким боради?” деганларида Бурҳонуддин эшонга Самсоқ эшон деган киши “Мен бораман” дебди. Бурҳонуддин эшон бироз иккиланиб турибдиларда, эшонга рухсат берибдилар: “Майли, боринг, фақат шу шарт биланки, синов бошланган вақтда ичкарига кирмасдан ташқарида туринг”, дебди. Самсоқ эшон Бурҳонуддин эшондан дуо олиб, йўлга тушибди.

Қўқонга етиб келгач, ўзини таништириб, рўйхатдан ўтибди. Барча каромат соҳиблари бир хонага ошга таклиф қилинибди. Биринчи синовда келган меҳмонларга мушук гўшти солиб тайёрланган ош тортилибди. Валоят назари билан ошнинг ҳалол эмаслигини англаган эшонлар ошни ейишмабди. Қолганлар ошни паққос туширишибди. Наманган тумани Хонобод қишлоғидан келган Охунбува эшон ошнинг гўшти майдалаб бўлингач, каромат қилиб “*Ўнгириларининг бир томонини ушлаб, пишт жонивор, сен хонга нима ёмонлик қилган эдинг*”, деб бир дам уриши билан мушук миёвлаб, ошдан тушиб кетган экан. Ошдан бир-икки луқма олган сохта эшонлар бу ҳолатдан эсанкираб, мулзам бўлиб қолган эканлар. Шу тариқа кимнинг ким эканлиги, яъни ҳақиқий валий зотлар билан сохта эшонлар аниқланган экан.

Иккинчи синовда сувсиз қумғонга олов ёқиб, чой қайнатиш ва ҳаммага бир пиёладан чой бериш лозим бўлган. Бирин-кетин эшонлар синовга кира бошлашибди. Ташқарида Самсоқ эшон навбат кулиб турса, ичкарида Бурҳонуддин эшон пайдо бўлиб,

сувсиз кумфонга ўт ёқиб, ҳаммага бир пиёладан чой ичказибдилар. Кумфонни чойи билан қўлида тутиб туриб: “қолганини ўзингиз баҳам кўрасиз, хон, энди бизга рухсат” деб ташқарига чиқибди ва Самсоқ эшонга кетдик ишорасини қилибди. Самсоқ эшон кўзларига ишонмай: “Кўқон билан Шаҳанд масофаси 90 чақирим бўлса, Бурҳонуддин эшон қандай қилиб қисқа фурсатда етиб келибди экан?” деб ўйлабди. Самсоқ эшон уйга етиб келгач, пирининг хузурига боради. Бурҳонуддин эшон хонақоҳда хотиржам ўтирган экан.

* * *

Ўрта Осиёдаги энг узун ва Амударёдан кейинги энг серсув дарё Сирдарё²⁹ бўлиб, унга тоғ ён бағирларидан Пошшоотасой, Косонсой, Говасой, Чодаксой, Намангансой каби сойлар куйилади.

Бурҳонуддин эшоннинг васиятига биноан Алимбой Валий Сирдарёга кўприк қуриш ишида бош-қош бўлиб, обдон ўйлаб, кўприк тарҳини чизади. Кўприк қуриш ишларини дарёнинг суви озайган пайтга мослаш лозимлиги, ёз ойларида сув кўпайган пайтда бу ерда қурилиш қилиб бўлмаслиги, қозик қоқиш, ишлаш мураккаблигини ҳисобга олиб, дарёда сув озайган вақтида кўпроқ ишлашни режалаштиради.

Дарёнинг икки томонидаги аҳоли дарё кўпригига топганича ёғоч, тахта олиб келадиган бўлади. Ҳашарчиларга икки маҳал иссиқ овқат ташкил этилади. Барча харажатлар хонақоҳнинг вақф мулклари ҳисобидан амалга оширилади. Бу пайтда Хўжа Аҳмад Валий боғи ҳам обод гўшага айланган, дарахтлар мевага кирган, тол, терак ва чинорлар кўкка бўй чўзган эди. Кўприк қурилиши учун боғдаги тераклар ҳам кесиб олиб келинади. Дарё кўприги “Сарой” ва “Катта сарой” ўртасидан келган

²⁹ Сирдарё қадимдан турли номлар билан аталган. Қадим юнон манбаларида “Яхаргес” (“Яксарт”), “Танаис”, “Авесто”да “Дану”, хитой солномаларида “Яоша”, X асрда ёзилган “Худуд ул-олам” номли географик асарда “Хашарт”, Фирдавсийнинг “Шоҳнома” ва Ҳамдуллоҳ Қазвинийнинг “Нузҳат ул-қулуб” асарида “Гулзарриюн”, араб солномаларда “Сайхун”, “Хашарт”, “Қанкар”, Беруний асарларида “Хасарт” шаклларида тилга олинган. “Сирдарё” атамаси Рим тарихчиси Плиний асарида (милоднинг биринчи асри) “Силис” шаклида учрайди. Бу сўз шу дарё атрофида яшаган қабилани номидан олинган.

катта йўлга тўғрилаб қуриладиган бўлинади. Қозик кокадиган янги кемалар қилинади. Бу иш яқин уч йил давом этди, тўртинчи йил баҳорида кўприк битади. Шу тарика Алимбой Валий дарёнинг икки тарафидаги халқларнинг ўзаро дўстлик ришталари боғланишига замин яратади. Қарийб 600 метр узунликдаги кўприк шўролар ҳокимият тепасига чиққан йилларда бўлиб ўтган қирғинбарот урушлар, яъни ўз юртини мардона ҳимоя қилган, лекин “босмачи” деб тамғаланган юртимизнинг мард ўғлонларига қарши курашда портлатилиб, бузиб юборилади. Шу билан халқнинг кунни яна кемага қолган.

Сирдарёнинг ҳозирги муҳташам кўприги ўтган асрнинг 1950–1955 йилларида қуриб битказилган. Алимбой Валий умрининг охиригача Шаҳанд қишлоғида яшаб, халқни тўғри йўлга бошлаган, муридларига таълим ва тарбия берган. Алимбой Валий 1910 йилда вафот этган. Унинг ишларини фарзандлари давом эттирган. Хонақоҳ шўролар тузумигача фаолият кўрсатган, кейин бутунлай ёпиб қўйилган. Иложсизлик исканжасига карамай, шўроларнинг тазйиқи билан хонақоҳ гоҳ ёпилиб, гоҳ бошқа мақсадларда ишлатилган бўлса ҳам, азиз-авлиёларнинг номларини юртдошларимиз қалби ва хотирасидан ўчириб ташлай олмаган.

1946 йилда хонақоҳни текшириш учун махсус комиссия келган, лекин улар хонақоҳга қадам босиб киролмаган экан. Хонақоҳга йўл бошлаб кирган Алимбой Валийнинг авлодларидан бўлган Мулла Абдулла икки кун ўтиб, оламдан ўтган экан. Алимбой Валий яшаган хонақоҳ ҳозир ҳам мавжуд, лекин жуда хароб ҳолга тушиб қолган. Бир мурувватли инсон хонақоҳни таъмирлашга бел боғлаган, лекин охирига етмаган. Бизнингча, хонақоҳни музейга айлантириш вақти келди.


Хўжа Аҳмад Валий ташаббуси билан қурилган Бозорбоши масжиди бир неча маротаба Бурҳонуддин эшон ва Алимбой Валийлар томонидан таъмирланган. 1860 йилда Бозорбоши масжиди аввалги масжиддан каттароқ қилиб қайта қурилган. Масжиднинг баландлиги беш метр, кенглиги 400 квадрат метр. Ушбу масжид ҳозир ҳам мавжуд.

СИЛСИЛАИ ШАРИФ


Ҳар бир тариқат силсиласи Муҳаммад (с.а.в.)дан бошла-
нади. Тариқат йўлига кирган солиқни тўғри йўлга солувчи
муршид, тасаввуф аҳли учун пири муғон Муҳаммад (с.а.в.)
дир. Валийлар Муҳаммад (с.а.в.)нинг “Аллоҳ хулқлари билан
хулқланингиз” ҳадисини шиор қилиб, пайғамбар суннатлари-
га мутобаат (эргашиш, мувофиқлик) қилганлар. Пайғамбари-
миз (с.а.в.) барча ахлоқий, маънавий, маърифий хусусиятлар-
ни ўзида жам этган бўлса, ҳар бир валийда Пайғамбаримиз-
нинг айрим хусусиятлари акс этган. Пайғамбарлик Муҳаммад
(с.а.в.) билан ниҳоясига етган бўлса ҳам, Аллоҳнинг исмлари-
дан бири “валий” бўлгани боис, пайғамбарнинг маърифати,
бурч ва масъулияти каби хусусиятлар валийларда давом этган.
Валийларнинг ибратли сўзлари, хатти-ҳаракатларини кўрган
ёхуд эшитган киши ўзининг қусур-камчиликларини тузатишга
интиланган. Пайғамбарнинг маънавий меросхўрлари – валийлар
Ҳақ йўлдан комиллик сари борганлар. Зеро, *“ҳидоятга эриш-
ган ва Ҳақ йўлга ишонганлар набийлар олиб келган эътиқод
асосларига эргашишлардир”*³⁰. Валийлар “Худо ярлакаган зот-
лар”, “пайғамбар ишининг давомчилари”, “дуолари мустажоб
зотлар” деб улуғланганлар.

Тариқат – комил ахлоқ йўли бўлиб, тариқат аҳли ҳаминша
Ҳақ ёдида бўлиб, катгаю кичикдан ўзларини паст тутиб, халқ
хизматига камарбаста бўлганлар ва уларнинг хатти-ҳаракатла-
рида нуқсон кўрсалар юмшоқлик ва мулойимлик билан айбла-
рини айтганлар, ҳеч бир нарсаларини бошқалардан қизганма-
ганлар, аксинча, бошқаларнинг қайғу ва хурсандчиликларига
шерик бўлганлар. Тариқатлар тасаввуфнинг амалий кўриниши
бўлиб, бир-биридан мазҳаб, шариатга муносабати, халқлар-
нинг маънавий-маданий даражаси, урф-одатлари, пирларнинг
тарбия усули, вазифаларига кўра фарқланган.

³⁰ Куръони каримда набийлар ва набийлик. Мусанниф Нодирхон Ҳасан. – Т.: Мовароуннахр, 2006. 24-бет.



Шаҳанд қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Хўжа Аҳмад Валий
боғи кўрсатилган қишлоқ хўжалик харитаси




Фарғона тумани Водил қишлоғидаги
Хўжа Аҳмад Валий мақбараси




Фарғона тумани Водил кишлоғидаги 1300 ёшли кўхна чинор



Водиллик Неъматуллоҳ хожи бошчилигида халқ хашари билан
1989 – 1992 йилларда қайта тикланган Хўжа Аҳмад Валий жомеъ масжиди




Шаҳанд қишлоғидаги Хўжа Аҳмад Валий боғида
жойлашган Хўжа Аҳмад Валийнинг рамзий қабри



Шаҳанд қишлоғидаги хонакоҳ



Хўжа Аҳмад Валий богининг 18 гектарлик чегарасига айлангириб урилган етти қават пахсали (эни бир метр) деворнинг сакланиб қолган қисми



Али Полвоннинг қабри



Алимбой Валий кийиб юрган дуппи ва қамчи



Хўжа Аҳмад Валий боғидаги кўхна тут дарахтлари



Шаҳанд санаторийси бунёд этилган даврда Тўрақўрғон тумани партия қўмитасининг саркотиби бўлган фидойи раҳбар
Маматхон Бобоқонов



Социалистик меҳнат қаҳрамони
беқободлик Иномжон Набиев




148-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна бошлиги
Сатимхон ҳожи Нурматов
Шаҳанд санаторийси қурилишида
бош-қош бўлган




Социалистик меҳнат қаҳрамони,
Шаҳандда ўттиз йил раислик
қилган Абдуллажон ота
Мирзааҳмедов



Шаҳанд санаторийси қурилиши фаоллари



“Олтин мерос” хайрия жамғармаси Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи Эркин Ҳасанов ва Шаҳанд санаторийси бошлиғи Умаржон Мўминов зиёратгоҳ ҳақида суҳбатлашмоқдалар



Хўжа Аҳмад Валий боғига кириш йўли



Шаҳанд санаторийсидаги уччинор ва кўл



Девонаи эшон даҳмаси




Хўжа Аҳмад Валий боғидағи кўҳна ҳовуз ўрни



Мингбулоқ тумани Қўшкишлоқда жойлашган тилла ҳовуз (Ҳовузбулоқ)



Қўшкишлоқда жойлашган куйиктол



Минг булок туманида жойлашган Гуртепа қабристони



Гуртепадаги шифобахш булок

14. Хўжа Муҳаммад Бобойи Самосий (қ.с.) (ваф. 1354 й.)
15. Хўжа Саййид Амир Кулол (қ.с.) (ваф. 1370 й.)
16. Хўжа Баҳоуддин Накшбанд (қ.с.) (ваф. 1389 й.)
17. Хўжа Алоуддин Аттор (қ.с.) (ваф. 1400 й.)
18. Мавлоно Яъқуб Чархий (ваф. 1447 й.)
19. Хўжа Убайдулоҳ Аҳрор Валий (ваф. 1490 й.)
20. Абдуллоҳ Яманий Ҳазрамавтий – Мир Араб (ваф. 1526 й.)
21. Махдуми Аъзам Косоний (ваф. 1542 й.)
22. Муҳиддин Муҳаммад Яҳё (ваф. 1559 й.)
23. Хўжа Ислом Жўйборий (ваф. 1563 й.)
24. Шайх Жалол (ваф. 1548 й.)
25. Хўжа Зайниддин (ваф. 1570 й.)
26. Шайх Шоҳ Муҳаммад Поянда Ахсаавий (ваф. 1682 й.)
27. Хўжа Саъд Жўйборий (ваф. 1589 й.)
28. Хўжа Тожуддин Жўйборий (ваф. 1646 й.)
29. Абул Аббос Муҳаммад Толиб (ваф. 1662 й.)
30. Мавлоно Абдураҳим Жўйборий (ваф. 1678 й.)
31. Мавлоно Шариф (ваф. 1699 й.)
32. Шайх Ҳабибуллоҳ Ахсавий (ваф. 1724 й.)
33. Мулло Муҳаммад Охунд – Эшони имло Бухорий (ваф. 1749 й.)
34. Халфа Худойдод (ваф. 1802 й.)
35. Халифа Ниёзкул Чор Минорий (ваф. 1827 й.)
36. Халифа Муҳаммад Хусайн (ваф. 1834 й.)
37. Муҳаммад Шарифхўжа Бухорий (ваф. 1845 й.)
38. Мир Иноятуллоҳ Мавлавий (ваф. 1857 й.)
39. Мавлоно Домулло Ҳасанча (ваф. 1867 й.)
40. Қози Домулло Абдушукур Бухорий (ваф. 1880 й.)
41. Домулло Юсуф Бухорий (ваф. 1916 й.)
42. Эшони Султонхон (ваф. 1918 й.)
43. Шайх Домулло Холмурод (ваф. 1921 й.)
44. Домулло Кутбиддин Бухорий (ваф. 1921 й.)
45. Эшон Ибодуллахон Махдум (ваф. 1925 й.)
46. Эшон Саббохон (ваф. 1930 й.)
47. Эшони Яҳёхон (ваф. 1948 й.)
48. Эшон Ҳабибуллахон Ахсавий Бухорий (ваф. 1950 й.)
49. Шайх Кароматуллоҳ (ваф. 1955 й.)
50. Эшони Накшбандхон (ваф. 1958 й.)
51. Шайх Домулло Исмоил (ваф. 1957 й.)

52. Шайх Сулаймонхўжа Орифий (ваф. 1979 й.)
53. Қори Абдурахим (ваф. 1862 й.)
54. Ҳожи Мардонкул (ваф. 1966 й.)
55. Халифа Абдулвоҳид (ваф. 1968 й.)
56. Домулло Абдузохир (ваф. 1969 й.)
57. Домулло Асрор (ваф. 1975 й.)
58. Қори Ғуломқодир (ваф. 1977 й.)
59. Қори Абдулазиз (ваф. 1982 й.)
60. Домулло Абдулҳаким (ваф. 1984 й.)
61. Ғуломжон Изомий (ваф. 1991 й.)
62. Домулло Ҳиндистоний (ваф. 1980 й.)
63. Дўст Муҳаммад ҳожи ибн Турсун аш-Шўрчий (ваф. 2013 й.)

АВЛОДЛАР ШАЖАРАСИ

Қадимдан халкимиз етти пуштини билишга қизиққан. Бу анъанага айланган ва шажараларнинг оммавийлашувига туртки бўлган. Шажараларни “ўзлигимиз, аждодларимизни тегнароқ англашга хизмат қиладиган маданий қадрият” десак янглишмаймиз. Оила томирларининг мустаҳкамлиги унинг ободлиги гарови ҳисобланадики, оила аъзоларининг аждод ва авлодлари шу оиланинг шажарасини ташкил этади. Шажарани маълум уруғ авлодларининг келиб чиқиши ва ўзаро қариндошлик даражасини изчиллик билан кўрсатувчи рўйхат, тарих, силсила дейиш ўринли.


Шажара арабча сўз бўлиб, “дарахт”, “дарахт шаклида тузилган тасвир”, “ўтмиш авлодлар рўйхати”, “насабнома” деган маънони англатади. Шажара орқали авлодлар аждодларининг кимлиги, кимларнинг фарзандлари бўлганини билишга, муносиб ворис бўлишга интилганлар.

Шажара бир аждоддан пайдо бўлган авлодларнинг қариндошлигини бирма-бир санаб кўрсатадиган тарихий ҳужжат бўлиб, қозининг муҳри билан тасдиқлангандагина ҳақиқий деб топилган.

БУРХОНУДДИН ЭШОН ШАЖАРАСИ



АЛИ ПОЛВОН ШАЖАРАСИ



БУРҲОНУДДИН ЭШОН АВЛОДЛАРИ

Бурҳонуддин эшон авлодларини излаб Андижон вилояти Шаҳрихон туманига йўл олдик. Равшанжон Қосимов билан суҳбатлашар эканмиз, гўёки “Девонаи эшон” Бурҳонуддин Эшон сиймосини кўргандек бўлдик. Илмлари амаллари билан муштарак, ниятлари эзгу ишларида акс этган бу валийсифат инсоннинг ҳаёти барчага ибрат бўлгудек. Пайгамбаримиз Мухаммад (с.а.в.) суннатларини қалбига жойлаб, ҳадисларга амал қилиб яшаётган Равшанжон Қосимов чинакам комил инсон тимсоли эди. Равшанжон ака 1966 йилда таваллуд топган. Илм даргоҳида таълим олган. Кўп йиллар отаси Қосимжон ака билан елкадош бўлиб, Шаҳрихондаги пахта тозалаш заводида фаолият олиб борган. Ишга масъулиятли ёндашгани, берилган вазифани сидқидилдан адо этгани, одоб-ахлоқи, хушмуомалалиги билан жамоа меҳрини қозонган.

Шеърятга ихлоси баландлигидан ижод билан шуғулланган. Туман ва вилоят газеталарида фаолият олиб борган. Ҳозир ҳам “Андижоннома” газетасининг жамоатчи муҳбири. Андижон вилоят телевидениеси билан ҳамкорликда маънавият ва маърифат мавзусида кўрсатувлар олиб боради.

Равшанжон ака илоҳий ишора билан сулола ишини давом эттиришга киришган. 1988 йилдан буён эл хизматида, уларнинг оғирини енгил қилиш, дардларига малҳам бўлишга интилади. “Фаровонлик ҳалолликда” шиорини дастуриламал қилган Равшанжон ака дуоталаб кишиларга насиҳат қилишдан, ботин кўзи билан англаган ҳақиқатни қўрқмай айтишдан чарчамайди. Барчани ҳалол ризқ топишга, ҳаромдан ҳазар қилишга, мабодо ризқига ҳаром аралашган бўлса, ўша заҳоти уни эҳсон қилишга ундайди. Кўнгил хотиржам бўлса, ҳаёт фаровон бўлиши, пок ризқ барака келтиришини бот-бот такрорлайди:

*Яхши-ёмон кунни сен ўзингдан кўргин,
Ўзгдан айб ахтармай, ўзингдан сўргин.
Ғамсиз калла йўқ дерлар, бу чин ҳақиқат,
Халққа азал улуғлар қилган насиҳат.*

Поклигу ҳалоллик, тилу дил муштараклиги, илм ва амал уй-
ғунлиги, Ватаннинг ягона ва муқаддаслиги, ота-онанинг азиз
ва муқаррамлиги, юрт тинчлиги, ризқ калитлари, қалб покли-
гию ростгўйлик, сабр-қаноат каби эзгу фазилатлар шеърлари-
да мадҳ этилган Равшанбек ака Қосимов умрини маърифат ва
маънавият учун бағишлаган:

*Ватанпарвар инсонларга, қодир Аллоҳ, мадад бер,
Ҳар бир ерда, ҳар бир ишда Сендан тилаб тўксин тер.
Инсон гўзаллиги, билдим, ҳалимликда бўларкан,
Яхши номи унга эй Ҳақ, меҳнатидан келаркан.
Мўмин киши инсон тугул, қумурсқани ранжитмас,
Изза қилиб, эл ичида ўзгаларни камситмас.
Унинг фикри-зикри фақат яхшиликни тарқатиш,
Инсон ақлу заковатин эзгуликка қаратиш.
Яхшиларнинг кўпайишин мен Ўзингдан сўрарман,
Сабр билан ҳаракат қил! Дерсан албат кўнарман.
Бу дунёда ҳар нарсанинг вақти бордир, биларман,
Яхши ният қилиб доим ҳалол меҳнат қиларман.
Ҳаракатим эвазига Сен барака берарсан,
Машаққатда қолганимда Сен ёрдамга келарсан.
Шу сўзларни Ўзинг гувоҳ, кўпларга мен айтарман,
Йўқ ердаги ёлгонларни тўқшилардан қайтарман.
Чунки менинг чин мақсадим – юртга фойда келтириш,
Ўзим суйган яхшиликни барчага тенг етказиш.*

Равшанжон Қосимов аجدодлари ҳақидаги хотираларини
бирма-бир варақлайди. Унинг сўзларини тинглар эканмиз,
сўзларида Хўжа Аҳмад Валий, Бурҳонуддин эшон, Алимбой
Валийларнинг руҳини ҳис этдик: “Инсоннинг бошига тушади-
ган яхши-ёмон кунлар ўзининг айби билан бўлади. Ақли киши
бошқаларнинг айбини ахтариш ўрнига ўз камчиликларини
тузатиш билан машғул бўлади. Дунёда ҳеч бир инсон буткул
шод-хуррам эмас. Ғам қайғу билан, қайғу ғам билан туталиш
кетган. Ҳаётдан нолиган инсон ўзидан ҳам ночорроқ инсонни

кўргач, албатта, тақдири, қисматига шукроналар айтади. Бориға шукр қилиб яшашни ўрганганлар энг бахтли инсонлардир, чунки улар мол-дунё таъшишини қилиб, уйқуларини бедор қилмайдилар, вақтида ишлаб, вақтида ухлайдилар, шунинг учун ҳаммаша хушчақчақ ва соғломдирлар. Мол-дунёга ружу қўйганлар ҳамма нарсани мол-дунё, пул билан ўлчайдилар, туну кун пул топиш гамида бўлганлари учун лаззатли таомлари вужудларига сингмайди, ором олиш нималигини билмаганлари учун уйқусиз тонг орттирадилар. Шукр қилишни билмаганлари учун Аллоҳ уларнинг кўзларинию қоринларини тўймас қилиб қўйган, ҳар қанча мол-дунё топганлари билан кўзлари оч қолаверади. Иймон ва инсоф доирасидан чиқиб кетганлари учун бошларига тушажаск мусибатларнинг олдини олишга интилмайдилар”.

Қанча огоҳ этдим зофилларни,
Бунга гувоҳ этдим, дўстлар, сизларни.
Ўзидан кетганлар кўзини очдим,
Адолат, эзгулик уругин сочдим.
Англамади улар Ҳақнинг сўзини,
Қалб тирилса англари миди ўзини.
Ёлгон фаҳмлади азизлар сўзин,
Каттароқ очмади ёғ босган кўзин.
Мутакаббир каслар гулувга кетиб,
Элу юрт ичида уятга қолди.
Кечагина бургутдек шоҳ ташлаб учган,
Қафасдаги қушдек бир сўлиш олди.
Уни кўргач, бошқалар ўзни тиярми?
Бандалигин унутмай тўғри юрарми?

Авлиёлар Худо эмас, Худодан жудо эмас, дейдилар. Авлиёларга меҳру муҳаббатимиз уларнинг камоли ва жамолига ҳамда барча ҳолат-ишларига ҳурмат-эҳтиромимиз натижасидир. Ушбу садоқат қалбларимизга Аллоҳ солган муҳаббат нури каби порлоқ, буюк зотларга таъзимимизни юзага келтиради.

Аллоҳ таолонинг муборақ номларини ҳар замон тилидан қўймайдиган азиз-авлиёлар маърифатидан баҳраманд бўлган, ҳар қачон ва ҳар бир ҳолатда Аллоҳ ёдини унутмаган кишилар учун авлиёлар ҳаёти намунадир. Валийлар ҳаёти халқимизни иймон, ҳалоллик ва виждон билан иш кўришида, баркамол авлодни ваганпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялашда маънавий ибрат манбаи бўлиб қолади.

АЛИМБОЙ ВАЛИЙ АВЛОДЛАРИ

Алимбой Валий бошлаган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари унинг авлодлари томонидан давом эттирилган. Шоир ёзганидек:

*Тўрақўрғон тупроғида кўп улуглар ўтганлар,
Халқи учун қўлларига қутли қалам тутганлар.
Бобур, Ҳайрат, Шавқий, Ибрат хўб асарлар битганлар,
Фахрлансак арзир, дўстлар, шундай юртдошлар билан –
Илму ирфон ҳам ижодда элга дарддошлар билан³¹.*

Алимбой Валий авлодлари бутун ҳаётларини халқ хизмати-га камарбаста қилганлар, юрт равнақи учун жон куйдирганлар. Етим-есирларнинг бошини силашган, ёрдамга муҳтожларга кўмаклашишган, эл дуосини олишган. Оғир дамларда халқ дардига малҳам бўлиб, уларнинг қалбида бир умр муҳрланиб қолишган.

Алимбой Валийнинг авлодларидан бири Усмонжон ҳожи Раҳмонов эл орасида “Усмон қори” номи билан машҳур. У Мир Араб мадрасасида таълим олган. Кўп йиллар Тўрақўрғон тумани имом-хатиби бўлиб ишлаган. Усмон Зуннурайн номи жомеъ масжидининг бунёд этилишида, Сирли масжидни ободонлаштиришда фаоллик кўрсатган. 2011 йилда Усмонжон ҳожи ташаббускорлигида ҳашар йўли билан Бекобод ва

³¹ Содик Сайхун. Тўрақўрғоннома. Наманган, «Наманган» нашриёти, 1992, 17-бет.

Шаҳанд йўналиши бўйича Косонсойга боғланадиган 50 – 60 метрли темир-бетон кўприк қурилган. Бекободдаги жомеъ масжиди қурилишида ҳам Усмонжон ҳожи жонбозлик қилган. Усмонжон ҳожи туман миқёсида қабристонларни обод қилиш, ариқлар қазил, сув чиқариш ишларига барчани жалб этади. Унинг фатвоси билан ақида илмидаги тушунмовчиликларга барҳам берилиб, турли низо ва тўқнашувлар олди олинди. Ҳозир ҳам Усмонжон ҳожи халқ билан ҳамнафас, яқдил ва эзгу ишлар учун фидойилик қилиб келмоқда.

Алимбой Валий авлодларининг яна бир вакили шаҳандлик Усмонжон ҳожи Бултуров қишлоқ хўжалиги равнақига катта ҳисса қўшган. У 1964 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг иқтисод факультетини агроном-иқтисодчи мутахассислиги бўйича тамомлаган. Мингбулоқ туманида бош агроном, туман агросаноат бирлашмаси бошлиғи, туман қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифати ва тайёрлаш инспекцияси бош инспектори бўлиб ишлаган пайтларида туман ободлиги учун катта ишларни амалга оширган.

Усмонжон ҳожи Алимбой Валийнинг отаси Али Полвоннинг қабрини тиклаб, зиёратгоҳга айлантиришга бош-қош бўлган. Зиёратчилар учун бу ерда икки хонали уй қуриб битказилган. Узоқ-яқиндан келган зиёратчилар бу ернинг хушманзара табиатидан баҳра олиб, кўнгиллари қувончга тўлади. Усмонжон ҳожи Хўжа Аҳмад Валий зиёратгоҳини ободонлаштириш учун амалий ёрдамини аямади. Шаҳандлик нурунийлар билан бу ерни обод қилиш ва аввалги ҳолига келтириш, гўзал гўшага айлантириш мақсадида туман ҳокимлиги, Наманган вилояти “Олтин мерос” халқаро жамғармасига мурожаат билан чиқишда ташаббускор бўлди. Фарғона вилоятининг Водил қишлоғидаги Хўжа Аҳмад Валий мақбарасига зиёратга боришимизга бош-қош бўлди.

Алимбой Валийнинг яна бир авлоди шаҳандлик Солиной ота Мамажонов бир неча йил Хўжа Аҳмад Валий зиёратгоҳида мутасадди бўлиб хизмат қилган. Бу ерга келган зиёратчиларга билганларини сўзлаб берган. Раҳбариятга бир неча марта

кутлуғ зиёратгоҳ ҳақида гапириб, бу ерни обод қилиш лозимлигини таъкидлаган. Сихатгоҳ раҳбари Умаржон ака билан бу ерни обод қилиш ҳақида бир неча маротаба суҳбатлашган. Бу жойнинг фойдали хислатлари, шўролар даврида талон-тарож қилингани, мустақиллик туфайли уни яна обод гўшага айлантириш ташаббуси билан чиққан. Солиной ота Усмонжон хожи Бултуровнинг ташаббуси билан бунёд этилган Алимбой Валийнинг отаси Али Полвоннинг қабрини тиклашга ёрдамлашган. Қабрнинг ҳақиқий ўрнини топган. Солижон ота Хўжа Аҳмад Валий зиёратгоҳида баҳоли қудрат ободонлаштириш ишларини олиб борган. Ушбу даргоҳда зиёратчилар ўтирадиган учта бино ҳамда қишқи ва ёзги ошхона қурилди. Ичимлик суви ўтказилди. Зиёрат фонди ҳисобидан ошхона анжомлари келтирилди. Зиёратгоҳ ҳамиша Хўжа Аҳмад Валийнинг ихлосмандлари билан гавжум.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, “Хўжаматвали” сўзини тилга олишингиз билан шаҳандлик кексаю ёш, эркак-аёл юзида табассум, кўзларида нур пайдо бўлади. Солижон отанинг айтишича, бу ернинг (Хўжа Аҳмад Валий қадамжойи — *З.И.*) ҳазили қаттиқ, хушёр бўлиш керак, бу ерга пок ҳолда келиш лозим экан, акс ҳолда турли касаллик ва мусибатга дучор бўлинар экан. Бу ер азалдан “Иккинчи Байтуллоҳ” деб аталарканки, ихлос билан қадам ранжида қилганларнинг дуоси ижобат бўлар экан.

“ШАҲАНД” ШИФО МАСКАНИ ҚУРИЛИШИ

Ўтмишда яшаган инсонларнинг ҳурматини бажо этар эканмиз, бугунги кунда яшаб, мустақиллигимиз учун, халқимизнинг фаровон ҳаёти учун курашиб келаётган фидойи инсонларимизни асло унутмаслигимиз керак³².

И. Каримов

Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Шаҳанд қишлоғидаги машҳур шифо масканининг ташкил этилишида Ўзбекистон Республикасининг собиқ раҳбари, йирик сиёсий арбоб Шароф Рашидовнинг хизматлари бекиёсдир. 1975 йилнинг ёзида Фарғона водийси вилояти фаоллари иштирокида ташкил этилган йиғилиш Шаҳанд қишлоғининг Хўжа Аҳмад Валий боғида ўтказилган. Йиғилишдан сўнг Ш.Рашидов боғни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида бу ерда аҳоли саломатлигини тиклаш учун сихатгоҳ куриш таклифини ўртага ташлаган. Ш.Рашидовнинг: *“Бизнинг деҳқонларимиз, кекса ота-оналаримиз Сочига ўхшаган олис жойларга дам олишга боролмайди. Мана шу сўлим боғни санаторий қилайлик, улар бемалол келиб дам олсин, даволансин”* деган сўзлари қарсак билан олқишланган. Шундан сўнг курилиш бошланган. Шифо масканини ташкил этишда “Узколхозздравница” бирлашмаси (ҳозирги Республика санаторий-профилакторийлар куриш ва улардан фойдаланиш “Саломатлик-Р” бирлашмаси – З.И.) раисаси Раҳимахон Аминжонова Шаҳанд сихатгоҳи курилишида маънавий ва амалий ёрдам берган. У доимо “Иложини топиб янги-янги бинолар кураверинглар, пулини топиб берамиз, услубий ёрдам кўрсатамиз, қўллаб-қувваглаймиз, ёлғизлатиб қўймаймиз”, дер эди.

³²Каримов И. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат ва мафкура. Биринчи жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. 30-бет.

Тўрақўрғон туманининг фидойи ва жонкуяр раҳбарлари Иномжон Набиев³³, Маматхон Бобохонов³⁴, Каримжон Райимжонов³⁵, Қодиржон Мамарасулов³⁶, Ҳусанбой Ғойиббоев³⁷, Олимжон Бозоров³⁸, Омонулла Исмагуллаев³⁹, Араббой Иброҳимов⁴⁰, Абдулла Мирзааҳмедов⁴¹, Пулатжон Қосимов⁴², Усмонжон Розиков⁴³,

³³ Иномжон Набиев – бекободлик, 1952 – 1958, 1963 – 1967 йилларда Тўрақўрғон туман партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган. Қишлоқ хўжалиги юксалиши, халқ фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилган. Пахтачиликда эришган ютуқлари учун Социалистик меҳнат қаҳрамони унвони билан тақдирланган. Унинг номини абадийлаштириш учун туман жамоа хўжалигидан бирига Иномжон Набиев номи берилган.

³⁴ Маматхон Бобохонов – Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Туман жанговар ва меҳнат шон-шухрат уйи, Ширинбулоқ дам олиш маскани, Ёшлик спорт комплекси, трактор ремонт заводи, курук мсваларни қайта ишлаш заводи, марказий щифохона қурилиши М.Бобохонов номи билан боғлиқ. 1970 – 1980 йилларда М.Бобохонов Тўрақўрғон тумани партия қўмитаси саркотиби бўлган йилларда Шаҳанд санаторийси бунёд этилган.

³⁵ Каримжон Райимжонов – 1980 – 1985 йилларда Тўрақўрғон туман ҳокими бўлган. Фидокорона меҳнати ва камтарона хизматлари учун «Хурмат белгиси» ордени билан тақдирланган.

³⁶ Қодиржон Мамарасулов – 1985 – 1986 йилларда Тўрақўрғон туман ҳокими бўлган. Биринчи марта мактаб ўқувчилари ёрдамсиз пахта хосили йиғиштириб олинган. Қурилишлар қўлами кенгайиб, туман ва қишлоқларида янги уй-жойлар, ерости йўли, савдо марказлари ишга туширилган. Фидокорона хизматлари «Меҳнат Қизил байроқ» ва «Хурмат белгиси» орденлари ва медаллар билан тақдирланган. Тўрақўрғон туманидаги янги массив «Қодиробод» деб аталиб, унинг номи абадийлаштирилган.

³⁷ Ҳусанбой Ғойиббоев – 1986 – 1989 йилларда Тўрақўрғон туман ҳокими бўлган. Партиянинг маъмурий-буйруқбозлик усулини қўллашдан воз кечиб, ҳар бир масалада туман фаоллари билан кенгашиб, иш олиб борган. Қурилиш муҳандиси бўлгани учун йўл қурилиши ва таъмирлашда қатта ютуқларга эришилиб, тумандаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларига жиддий эътибор қаратилган.

³⁸ Олимжон Бозоров – тўрақўрғонлик, 1989 йилдан Тўрақўрғон туман партия қўмитаси 1-котиби, 1992 йилдан Наманган вилояти ҳокимининг 1-ўринбосари бўлган. Қўллаб хайрли ишлар ташкилотчиси бўлиб, асосий эътиборини қишлоқларни ободонлаштиришга қаратган.

³⁹ Омонулла Исмагуллаев – шаҳандлик, 1986 йилда вилоят партия қўмитасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлими, ташкилий-тарбиявий ва кадрлар билан ишлаш бўлимларида ишлаган. 1990 йилда туман ижроия қўмитаси раиси, 1992 йилда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, 1992 – 1997 йилларда Тўрақўрғон туман ҳокими бўлган.

⁴⁰ Араббой Иброҳимов – 1979 – 1985 йилларда Тўрақўрғон туман совети ижроия қўмитаси раиси бўлган.

⁴¹ Абдулла Мирзааҳмедов – шаҳандлик, ўттиз йил “Ўзбекистон” жамоа хўжалиги раиси бўлиб ишлаган. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Бутуниттифок халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг иккита олтин, бешта кичик олтин, битта қумуш медал соҳиби. Унинг номини абадийлаштириш учун 5-мактабга номи берилган.

⁴² Пулатжон Қосимов – шаҳандлик, бутун умрини Шаҳанд қишлоғи равнакига бағишлаган фидойи, жонкуяр, 1980 – 1992 йилларда «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раиси бўлган. Республикада хизмат кўрсатган агроном унвони, «Меҳнат Қизил байроқ» ва «Хурмат белгиси» орденлари соҳиби. Шаҳанд санаторийси қурилишида фидоийлик кўрсатган.

⁴³ Усмонжон Розиков – шаҳандлик, 1974 – 1977 йилларда Шаҳанд қишлоқ кенгаши ижроия қўмитаси раиси, 34-мактаб директори, 1990 йилдан яна Шаҳанд қишлоқ кенгаши раиси бўлган. Ҳалол хизматлари учун «Хурмат белгиси» ордени билан тақдирланган.

Сотиболди Гаффоров⁴⁴ сихатгоҳ бунёд этилишида жонбозлик кўрсатиб, яқиндан ёрдам берганлар. Улар раҳбарликни буйруқ бериш эмас, ибрат кўрсатиш, бошқаларга намуна бўлиш деб билиб, матонат билан хизмат қилганлар.

Сихатгоҳ қурилишида Сатимхон Нурматов⁴⁵ раҳбарлигидаги 148-хўжаликлараро механизациялашган кўчма калонна бинокорлари меҳнат қилганлар. Тўрақўрғон туманида ҳозирга қадар қад ростлаган кўплаб иншоотлар Сатимхон Нурматов раҳбарлигида барпо этилганки, бу шижоатли раҳбар қаерда ишламасин, Ватан ва халқ манфаатини муқаддас билиб, ҳалоллик ва фидойиликни фаолиятининг асосий мезони деб белгиллаган.

Тўрақўрғон тумани марказидаги Маиший хизмат уйи, Шоншухрат уйи, туман санитария-эпидемиология станцияси, Табассум чойхонаси, туман Молия бўлими, давлат банки (ҳозирги Агробанк биноси), алоқа бўлими, Бобур номли кинотеатр, тумандаги мактаб ва боғча бинолари, туман марказий шифохонаси, туман туғруқхонаси, “Иномжон Набиев”, “Ибрат”, “Намуна” номли жамоа хўжалиги маъмурий биноси, дала шийпонлари, туман юқумли касалликлар шифохонаси, «Шаҳанд» сихатгоҳи комплекси, Оқтош шаҳарчасида Шаҳанд пахта пункти, лаборатория комплекси, турар жой бинолари каби жуда кўплаб иншоотлар қурилишида раҳбарлик қилиб, халқ турмуш даражасини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган.

⁴⁴ Сотиболди Гаффоров – бекободлик, 1971 йилда И. Набиев номли жамоа хўжалиги раиси, 1977 йилда давлат таъминоги бошқармаси бошлиғи, 1987 йилда Шарқ юлдузи жамоа хўжалиги раиси бўлган. Меҳнат фаолияти давомида қурилиш ва ободонлаштириш ишларига катта эътибор қаратиб, мактаб ва боғча бинолари бунёд этилишига бори-қош бўлган, қишлоққа газ келтирган, аҳолига уй-жой беришни тўғри ташкил этиб, меҳнаткашларнинг талабини тўла таъминлаган. Фидокорона хизматлари учун «Хурмат белгиси» ордени ва қатор медаллар соҳиби, халқ маорифи аълочилиси нишондори бўлган.

⁴⁵ Сатимхон Нурматов – 1930 йилда Наманган тумани Ғирвон қишлоғида туғилган. 1952 – 1994 йилларда Тўрақўрғон туманида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган. 1971 йилдан 1985 йилгача Тўрақўрғон туман колхозлараро қурилиш бошқармаси бошлиғи бўлган. 1985 йилдан 1994 йилгача Шаҳанд пахта пункти мудири бўлиб ишлаган. 2003 йилда 73 ёшида вафот этган. Унинг номини абадийлаштириш учун Наманган тумани Ғирвон қишлоғи кўчаларидан бирига Нурмат ота номи берилган.

Сатимхон Нурматов фидокорона меҳнатлари учун “Ҳурмат белгиси”, “Шавкатли меҳнати учун” орденлари, “Шухрат” медали билан тақдирланган.

Муҳтарам Президентимиз “Келажакни жасоратли одамлар куради” номли маърузаларида “Биз жамиятимиз тараккиёти-ни фақатгина иктисодий, ижтимоий фаровонлик билангина эмас, халқимизнинг маънавий баркамоллиги, демократик ва инсонпарварлик тамойилларининг кишилар онгида нечоғлик чуқур илдиз отгани билан баҳолаймиз”⁴⁶ деб бежиз таъкидла-маганларки, халқ ишончини юксак маъсулият деб қараган ва халқ ташвиши билан яшаган Сатимхон Нурматов (ваф. 2003 й.) умрининг сўнгги кунларигача келажаги буюк Ватанимиз рав-нақи ва фаровонлиги учун хизмат қилди⁴⁷.

Иш фаолиятида адолат, қатъият, фидойилик, билимдонлик ва ташкилотчилик мезонларига амал қилган Сатимхон Нурма-тов қўл остидаги каттаю кичикка бирдек талаб қўйган. Сатим-хон Нурматов билан елкадош хизмат қилган ғишт терувчилар бригадаси бошлиғи Эргашали Содиков, сувоқчилар бригадаси бошлиғи Ҳамидулла Маҳкамов, иш юритувчи Аҳмаджон Вафа-евларнинг фидокорона меҳнатлари ҳам таҳсинга сазовордир.

Аждодлари буюк халқнинг авлодлари ҳам буюқдир. Ёшли-гидан ҳалол меҳнат, тўғрисўзлик, пок виждон билан яшашни мақсад қилган Сатимхон Нурматовнинг айнан Хўжа Аҳмад Валий боғида бунёд этилган сихатгоҳ қурилишига раҳбарлик қилишида ҳам теран ҳикмат яширин. Ҳаётининг кадр-қимма-ти ва мазмунини моддий бойликда деб билмаган, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмаган, жамият равнақи, юрт фаровонли-ги учун елиб-югурган Сатимхон Нурматов авлодлар қалбида “Ҳазрати инсон” бўлиб гавдаланади.

⁴⁶ Келажакни жасоратли одамлар куради / Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг 1998 йил якунлари ва 1999 йилда иктисодий ис-лохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузаси // Халқ сўзи. 1999 йил 17 февраль.

⁴⁷ Сатимхон Нурматов гашаббуси билан Ғирвон кишлоғида жойлашган “Ўн бир Аҳмад” зиёратгоҳи обод қилинган. Сатимхон Нурматов зиёратгоҳда рамзий мақбара қурилишига раҳ-барлик қилган. Бу ҳақда “Буюқлик сири” номли монографиямизнинг “Ўн бир Аҳмад зиёрат-гоҳи” бобида махсус фасл ажратганмиз (3. И.).

ТАБАРРУК МАСКАН

Республика кишлок хўжалик вазирлигининг санаторий-профилакторий куриш ва улардан фойдаланиш бирлашмасига қарашли Шаҳанд санаторий-профилакторийси расман 1979 йилнинг 30 октябрь куни “Шаҳанд” шифо маскани номи билан ишга тушган ва бир йўла 100 нафар дам олувчини ўз бағрига олган. Тўрақўрғон туман партия комитетининг биринчи котиби Маматхон Бобохонов (1970 – 1980 йиллар), Шаҳанд шифо маскани собиқ бош врач Ривожиддин Мадаминовларнинг хизматлари таҳсинга сазовордир. Ривожиддин ака сиҳатгоҳга 1979 йилда бош ҳақимликка тайинланган. Сиҳатгоҳнинг бунёд этилиши, кенгайтирилиши, шарт-шароитлар яратилиши бевосита Ривожиддин аканинг ташкилотчилиги ва фидокорона меҳнати туфайлидир.

Олийжаноб мақсадлар фидойи ва ташаббускор раҳбарга бориб тақалади. Раҳбар интилувчан бўлса, машаққатлардан қўркмай, курашга тайёр бўлса, бунёдкорлик йўлидан борса, кўзлаган мақсадига эришиши аниқ. Ривожиддин Мадаминов раҳбарлик қилган йиллар чин маънода бунёдкорлик ва қурилиш йиллари бўлган. Ўттиз гектарли боғнинг бир томонида дам олувчилар соғлиғини тиклаётган бўлса, боғнинг иккинчи томонида қурилиш ишлари давом эттирилган. Бу пайтда ҳудудни ободонлаштириш ишлари жадал олиб борилган. Янги йўлкалар қурилиб, мевали ва манзарали дарахтлар экилган. Узоқ вақт қаровсиз қолган боғ чакалакзорга айланиб кетган, қари, қуриган дарахтлар кўп, Шаҳанд қишлоғи аҳолиси, сиҳатгоҳ ишчи-хизматчиларининг кўли-кўлига тегмас, табиатан қаттиққўл Ривожиддин Мадаминовнинг қўл остида ишлаш учун темир интизом, пўлат ирода ва заҳматқаш меҳнат талаб қилинарди. Одамлар “Мадаминов ўзи ҳам дам олмайди, бизни ҳам дам олиб ўтиришга қўймайди” деганлари ҳик сўз эдики, дам олувчилар сиҳатгоҳ ходимларининг кўшимчумаласидан хурсанд бўлиб, улардан қаерда таълим олганларини сўрашса, барчалари бир овоздан “Мадаминов

мактабида ўқиганмиз” деб жавоб беришади. Бу анъана ҳозирга қадар давом этмоқда.

“Кўз кўрқок, кўл ботир” дейдилар. Тез орада сиҳатгоҳнинг кўрки очилиб, ҳовуз, чойхона, гулзору боғлар билан ўзгача киёфага кирган.

Ривожиддин Мадаминов иш кунини янги муаммолар билан қарши олса ҳам, ишчанлиги, раҳбарлик салоҳияти ва ишнинг кўзини билгани учун уларни осонлик билан бартараф қилишнинг йўл-йўриқларини ўйлаб топган. Шунга қарамай, ҳамма муаммолар ҳам бирданига ўз ечимини топмас, баъзан юқори ташкилотлар кўмаги зарур бўлиб қолган. Бундай ҳолатда Ривожиддин ака тезлик билан пойтахтга отланар, пойтахтда ҳал бўлмаган муаммо ечими Москвадан топиларди.

Сиҳатгоҳга дам олувчиларни жалб этиш осон иш эмас, барча қулайлик ва шифобахш малҳаму сувлар, балчиқ билан даволаш ўзига яраша машаққат талаб қилади. Аввало сиҳатгоҳ учун зарур тиббий асбоб-ускуналар келтирилган. Ривожиддин Мадаминов Тожикистоннинг Ашт туманидан тузли балчиқ олиб келишни режа қилиб, махсус автомашина сотиб олган. Бу муаммо бартараф этилгандан сўнг маъданли сув чиқариш муаммоси кўндаланг бўлган.

Ривожиддин Мадаминовнинг елиб-югуришлари ижобий натижа билан яқунланган. Тошкент ер ости сувларини ўрганувчи илмий-текшириш Геоминзод институти ходимлари бу ернинг шифобахш сувларининг хусусиятларини ўрганиш учун келишган. Шифобахш сувнинг таркиби ўрганилиб, ернинг остида жуда катта захирада борлиги тасдиқланган.

1982 йилда Шаҳанд санаторияси ҳудудига маъданли сув қудуғи қавлаш режага киритилган. Бу муаммоларнинг ечимини топишда Тўрақўрғон туман партия кўмитасининг биринчи котиби Маматхон Бобохонов ҳамда унинг ўрнига раҳбар бўлган Каримжон Райимжоновнинг хизматлари таҳсинга сазовордир. Улар Ривожиддин акага ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак беришган. Туман ҳокими Маматхон Бобохонов маъдан сувлари қидириб топиш ва қазиб чиқариш режасига бош-қош бўлган

бўлса, Каримжон Райимжоновнинг қатъияти туфайли боғнинг бир қисмида қурилиши режалаштирилган стадион бошқа ерга қурилиб, маъданли сув қовлайдиган жойнинг атрофидаги 27 хонадонга бошқа ердан ер участкаси берилган. Тумандаги мавжуд имкониятлар Шаҳанд санаторияси учун сафарбар қилиниб, барча қурилиш ташкилотлари жалб этилган.

Оқтош темир йўл станциясига олиб келинган қудук қавлаш техникаларини поезддан тушириб олиш қанчалик машаққат туғдиргани Ривожиддин аканинг ўзига аён. Кран топиш муаммо, техникаларни сиҳатгоҳга олиб келиш яна битта муаммо. Пармаловчилар бригадасини ётоқхона, иссиқ овқат билан таъминлаш лозим. Хуллас, бош қашишга вақт йўқ... Ривожиддин аканинг саъй-ҳаракати билан уч жойдан маъданли сув қазилган. Қайноқ маъданли сув отилиб чикқан кун Ривожиддин Мадаминовнинг хотирасида бир умр муҳрланиб қолган бўлса ажабмас.

Санаторийнинг довруги узок-яқинга тарқалди. Дам олувчилар сони кўпайгани сари Ривожиддин аканинг ширин ташвишлари ҳам орта бошлади. Энди сиҳатгоҳда ётоқхона ва даволаш корпусларини кенгайтириш, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш муаммоларини ҳал этиш лозим эди. Интилиш, изланиш, ташаббус ўз-самарасини берди. Натижада 1986 йилда 500 ўринли даволаш корпуси ишга туширилган бўлса, 1992 йилда 250 ўринли энг замонавий ётоқхона фойдаланишга топширилган. Ривожиддин ака сиҳатгоҳ қурилишининг бошидан охиригача бош бўлиб, 1994 йилда жонажон сиҳатгоҳни тарк этди. Ривожиддин ака суҳбат чоғида *“Шаҳандда ишлаган йилларим ҳаётимнинг энг бахтли дамлари бўлган”* деганида кўзларида ёш жилваланди. Не азоб, не қийинчилик билан ўқиган, не-не қийинчиликлар билан ишлаган, умрини халқ фаровонлиги учун бағишлаган, одамлар яхши дам олсин, соғлиғини тикласин, сиҳатгоҳ авлодларимизга муносиб мерос бўлиб қолсин, вақти келиб, “фалончи қурдирган” дейишар деб ёниб-қуйиб ишлаган, сиҳатгоҳ жамоасида темир интизом ўрнатиб, улар ўртасида меҳр-оқибат, самимийлик ва ширинсуханлик каби инсоний фазилатларни тарғиб қилишда шахсий

намуна кўрсатган Ривожиддин аканинг кўзларида ўтган мазмунли умрдан миннатдорлик, қилган эзгу ишларидан қониқиш ва режалаштириб, ҳали қилишга улгурмаган ишларидан армон бор эди...

1981 йилда санаторийга илк бор ташриф буюрган Шароф Рашидов қилинган ишлар кўлаמידан хурсанд бўлиб, шифохонадан тортиб қурилиш давом этаётган ҳудудигача кўриб чиққан. Дам олувчлар билан суҳбатлашиб, уларнинг чексиз миннатдорлик сўзларидан қалблари қувончга тўлиб, кўзларига ёш келган. Хўжа Аҳмад Валий боғини сақлаб қолгунча, сиҳатгоҳ қурилгунча қанчадан қанча маломат тошларига бардош берган Ш.Рашидов дам олаётган отахоннинг “Шароф ака, раҳмат сизга, шундай санаторий қурдирибсиз. Мен қўлтиқтаёқда келган эдим, мана ўз оёғим билан юряпман” деб аскарлардек шахдам юрганини кўриб йиғлаб юборган эди⁴⁸. Ривожиддин аканинг инсон соғлиғини сақлаш йўлидаги жонбозлиги ва сиҳатгоҳда олиб борган ишларидан кўнгли тўлган Ш.Рашидов уни юксак унвонга лойиқ билди.

Истиклол Ривожиддин акага чинакам байрам бўлди. Оғир ва қалтис замонда яшаган, шўролар тузумининг кўп жабру жафоларини татиб кўрган, ноҳақ ишдан бўшатилган, ҳалол-пок ишлагани учун яна ишга тикланган Ривожиддин ака мустақилликнинг илк кунлариданок муҳтарам Президентимиз бошлаган йўлдан собит қадам билан юрди. Заҳматли меҳнатлари эвазига “Шухрат” медали, республикада хизмат кўрсатган тиббиёт ходими, қатор фахрий ёрликлар, кўкрак нишони ҳамда қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди. Энг асосийси, эл эъзозини топди.

* * *

Сиҳатгоҳнинг умумий майдони 30 гектардан иборат бўлиб, атрофи дарахтлар ва чойхона билан туташ кўл ҳамда манзарали дарахтлар орасидаги йўлаклар ўзгача файз бағишлайди. Шифо масканида 150 ўринга мўлжалланган иккита ётоқхона бор. Ҳар

⁴⁸ Абдурахмонов М. Эл эъзози. Очерк. Наманган, «Наманган» нашриёти, 2003. 69-бет.

бир олий категориядаги хоналар гилам, замонавий мебеллар, чиройли суратлар, рангли телевизор, сунъий йўлдош жиҳозлари, музлатгич ва совутгичлар, иссиқ-совуқ сув, душ, ванна билан таъминланган. Ётоқхонанинг ҳар бир каватида юмшоқ диван-кресло, рангли телевизор ва гуллар билан жиҳозланган дам олиш хоналари бор.

Дам олувчилар дастлаб юқори малакали шифокорлар кўригидан ўтадилар. Сихатгоҳда комплекс тиббий кўриқдан ўтказиш учун махсус хоналар, клиник ва биотаҳлил лабораториялари мавжуд. Барча физиотерапевтик муолажа хоналари замонавий тиббиёт қурилмалари билан таъминланган. Шифо масканида касалликлар биринчи қудуқдан чиқадиган юқори минераллашган хлоридли, натрийли, калийли, кальцийли, йодли, бромли, магнийли, сульфатли, родонли сув билан даволанади. Шифобахш сувнинг чиқиш ҳарорати 48–50 градус бўлиб, 2850 метр чуқурликдан чиқади.

Шифобахш сувли ванналар ошқозон, ичак, гинекологик касалликлар учун жуда фойдали бўлиб, даволаш 100 фоиз ижобий натижа беради.

Иккинчи қудуқдан чиқадиган паст ишқорли хлоридли, натрийли, кальцийли, йодли, бромли сув 1830 метр чуқурликдан чиқади. Шифобахш сув ошқозон-ичак касалликларини даволашда овқатдан олдин ва овқатдан кейин ичиш учун ишлатилади.

Шаҳанд шифо масканида қуйидаги касалликларни даволаш ишлари олиб борилади:

Асаб касалликлари:

Мигрень, асаб тизимининг толиқиши

Радикулит, радикулоневрит

Вегетатив полиневрит

Нейроциркулятор дистония

Суюк-бўғим касалликлари:

Ревматизм, ревматик ва ревматоид артрит ва артрозлар

Умуртқа поғонаси остеохондрози

Спондилоз, спондилоартроз
Жароҳатдан сўнгги ҳолат
Подагра, острохондроз
Сурункали бурсит, синовит ва тендовагинит
Ошқозон-ичак касалликлари:
Сурункали гастрит
Йўғон ва ингичка ичакнинг сурункали яллиғланиши
Қабзиятнинг турли шакллари
Сурункали гепатит, холицистит
Гинекологик касалликлар:
Сурункали салпингит, офарит
Эндометррит, параметрит
Бачадон бўйни эрозияси, колпит
Бирламчи ва иккиламчи бефарзандлик
Урологик касалликлар:
Пиелонефрит
Цистит, уретрит
Простатит, бепуштлик

Шифо масканида сульфидли балчиқ билан даволаш йўлга кўйилган. Юқорида қайд этилган касалликларни даволашда балчикни таянч-ҳаракат аъзоларининг оғриқли жойларига суркаш, гальваник ток билан балчикли даволаш, тампон қилиб кўйиш шаклида ишлатилади.

Шаҳанд шифо масканида, шунингдек, айланма душ, қайноқ душ, жисмоний тарбия машқлари хонаси, ошқозон-ичак ва ўт пуфакни минерал сув билан даволаш хонаси, доривор ўсимликлар билан даволаш (фитотерапия) мавжуд. Даволаш корпусида физиотерапевтик ва ванна бўлимларида барча шароитлар муҳайё қилинган. Яна ҳам қулай томони ва эътиборга лойиқ жиҳати шундаки, ётоқхона билан даволаш корпуслари ёпик заллар орқали бир-бирига туташган, яъни ваннадан чиққан бемор шамолламай, тўғри ётоққа киради. Шифо маскани озода ва хушҳаво бўлиб, даволанувчилар учун барча шароитлар муҳайё қилинган.

Шифо масканида кўнгилли дам олиниши учун ҳафтанинг уч куни концерт ташкил этилади, қолган кунлари кинофильмлар намойиш қилинади. Ҳафтада икки марта Наманган вилоятининг тарихий жойларига экскурсиялар уюштирилади. Дам олувчиларнинг ихтиёрига кўра, уларнинг қандай хордиқ олаётганлари ҳақида видео ишлаб берилади.

Сихатгоҳнинг бош шифокори Умаржон ҳожи Мўминов асли гулкишлоқлик бўлиб, Андижон тиббиёт институтини тамомлаган. Мутахассислиги бўйича асаб касалликлари шифокори. Мануал терапия, игна билан даволаш устаси. Унинг саъй-ҳаракати билан шифо маскани мукамал таъмирланиб, биноларнинг томлари ёпилди. Шунингдек, кенг кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Дам олувчилар учун барча шароитлар муҳайё қилинган, коридорлар, заллар, жаҳон андозалари даражасига етказилган.

Шифо маскани қанча мақталса, шунча оз. Яхшиси, ўзингиз бунини амалда синаб кўринг ва албатта Шаҳанд сихатгоҳига келинг. Қимматли вақтингиз ва сармоянгиз фойдали бўлганига ўзингиз амин бўласиз. Зеро, сихатгоҳга бир марта қадам ранжида қилган киши бу ерни қайта-қайта кўмсаши аниқ. Сихатгоҳ ўзининг сўлим табиати, анвойи гуллари, хушмуомала ходимлари билан кишини мафтун қилади. Бир сўз билан таърифлаганда, сихатгоҳга тушкун, дардман кайфиятли киши сихатгоҳдан кувноқ кайфиятда қайтади ва албатта Яратганга шукроналар айтади. Шоир айтганидек,

Беҳисоб қасидам Тўрақўрғонга,
Азалдан бурканган шуҳрату шонга.
Иномжон Набиев ишлаган бу ерда,
Ухламай чиқарди ҳаттоки тунда.
Унутмайди бу жой Бобохоновни,
Мамарасуловни, Мамажоновни.
Мирзааҳмедов, Мўминовдек паҳлавон,
Аёллари Чўлпонойдек қаҳрамон.

Ўрик майизидан хижолатда қанд,
Жумхурият фаҳри сиҳатгоҳ Шаҳанд.
Шифобахш сувлари мисоли кавсар,
Тошлари ёқутдан, тупроқлари зар,
Бунда ҳар қатра сув дардга даводир,
Энг мусаффо, энг покиза ҳаводир.
Минг тўққиз юз етмишинчи йилларда,
Маданиминов бошлиқ бўлган кунларда.
Санаторийга Бош ҳақим бўлибди,
Узоқ ишлаб эҳтиромга тўлибди.
Зўр сиҳатгоҳ экан бу гўзал Шаҳанд,
Оғриклардан фориг бўлар жону тан.
Табаррук даргоҳдир “Хўжамаатвали”
Таъзим бажо айлар азим чинори.
Хўжа Аҳмаддир валийлар пири,
Зиёрат қилганнинг очилар йўли.
Дилларида Ҳақнинг каломи бўлган,
Тилларида элнинг саломи бўлган.
Йўллари ок, ўзлари пок азиздир,
Аллоҳ суйган, сўзлари Ҳақ азиздир.
Одамлар қалбида абадий қолган,
Азизу муқаррам пок тийнаг бўлган
Яхшиларни эслаб ўтмақдир савоб,
Эзгу ният ила ёзилди китоб⁴⁹.

⁴⁹ Ўқтам Мирзо. Намангоннома (Достон). Наманган, «Наманган» нашриёти, 1993, 172, 196-бетлар.

ЭЗГУ ИШНИНГ КЕЧИ БЎЛМАЙДИ (ХУЛОСА ЎРНИДА)

*Ёш авлодга озод ва обод Ватанни мерос қолдирмоғимиз керакки, улар боболарнинг улуг ниятлари ва ишларини давом эттирсинлар. Чунки ёшларнинг маънавий уйғоқлиги миллатни зафлатдан асровчи асосий омиллардан биридир*⁵⁰.

И.Каримов

Шаҳанд сихатгоҳига асрлар оша файз-барака ёғилиб туриши Хўжа Аҳмад Валий маънавий руҳониятидан экани сир эмас. Зеро, қаерда азиз-авлиёларнинг муборак қабрлари, қадамжолари, зиёратгоҳлари бўлса, у ернинг халқини валийлар руҳи кўллайди. Зиёратнинг инсон руҳияти учун ажиб таъсири борки, ўлган кўнгиллар тирилиб, титилган юраклар бутун бўлади, дуолар шарофатидан қалбларга бемисл сурур ва қувонч бағишлайди.

Нима учун зиёрат қиламиз, деган савол туғилиши табиий. Ибрат учун, ибрат учун ва яна бир бор ибрат учун. Қабрга сиғинилмайди, аксинча, қабр эгасининг эзгу хулқи, савобли ишлари, пурмаъно ҳикматлари, намунали ҳаёт тарзидан ибрат олинади. Бир ориф зот айтган экан: “Яхшиямки пири комилларимиз бор, яхшиямки зиёратгоҳларимиз бор, улар бўлмаса, ҳолимиз нима кечарди?” Дарвоқе, электр тоқини ўтказувчи симнинг ўз нур манбаи бўлганидек, пайғамбаримизнинг маънавий меросхўрлари валий зотлар ҳам ихлосмандлари учун нур манбаи бўлиб, ҳар бир ишда – ейишда, ичишда, сўзлашда, ўзаро муомалада, қўшничилик муносабатида, раҳбарлар билан мулоқотда буюк намуна кўрсатганлар.

Зиёратгоҳга бориш, унинг тарихини ўрганиш, тадқиқ этиш халқимизда, айниқса, ёшларда муқаддас қадриятларимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром туйғусини кучайтиришга, Ватанимизни севишга, азиз-авлиёларнинг ҳикматли ҳаётларидан ибрат

⁵⁰ Каримов И. Тарихимиз ҳам, келажагимиз ҳам муштарак //Биздан озод ва обод Ваган қолсин. Иккинчи жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. 237-бет.

олишга даъват этади. Зеро, улуғларимизни ёд этишдан мақсад уларнинг гўзал ахлоқлари, маънавиятлари, илму-маърифатларини ҳаётимизга сингдиришдир. Албатта, зиёрат, айниқса, улуғ жойларни зиёрат қилиш савобли. Ислом дини ақидасига кўра, азиз-авлиёлар зиёратига борганда уларнинг рухларидан мадад сўрашлик, ҳожатларининг раво қилиниши, дардларга шифо берилиши, фарзанд ато этилиши каби илгижолар ножоиздир. Аксинча, қабр аҳли ҳаққига дуои хайр қилишлик, уларнинг рухларига садақа-эҳсон савобларини ҳадя этишлик ўринлидир. Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, “Бутун умрини иймон ва эътиқод, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, поклик ва ҳалоллик, илм ва маърифат, адолат ва диёнат йўлида фидо этган зотларнинг мўътабар хоклари макон топган замингина муқаддасдир. Агар шундай инсонлар бўлмаса, улар даҳосининг нафаси сезилиб турмаса, ҳар қандай замин оддий тупроқ бўлиб қолаверади”. Азиз-авлиёлар ҳаёти халқни иймон, ҳалоллик ва виждон билан иш кўришида, баркамол авлодни ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялашда битмас-туганмас ҳазина бўлиб хизмат қилаверади. Зеро, мамлакат ободлиги азиз-авлиёлар муборак кадамжоларининг ободлиги билан янада мустаҳкам бўлади.

Улуғларини улуғлай олган, кадрлаган халқнинг келажакги улуғдир. Юртимизнинг файзи, баракаси, тинчлиги, осойишталиги, барқарорлиги мана шундай буюклар азаматидан, уларнинг руҳи поклари туфайлидир. Ҳазрат Алининг *“Фарзандларингизни келажак замонга мослаб улғайтиринг”* деган ҳикматли сўзлари мағзида олам-олам маъно бор. Мақсадимиз, фарзандларимизни “алмисоқдан қолган” деб таърифланган афсонаю ҳикоятлар билан “бошларини қотириш” эмас. Инсон қанчалик билимли бўлмасин, аввало инсон бўлиб қолмоғи керак. Илғор техника ва технология асрида яшаётган, ахборотлар қуюнида қолган фарзандларимиз аждодлар меросидан озукаланибгина маънавий баркамолликка эришади. Чиндан ҳам, юртимизда туғилиб ўсган, серқирра илмий мероси билан дунё аҳлини хайратда қолдирган буюк бобокалонларимиз руҳини

шод этиш шарафли бурчимиздир. Шуни таъкидлаш ўринлики, биргина Шаҳанд кишлоғида 27 нафар азиз-авлиёнинг қабри бор. Улардан бири Хўжа Аҳмад Валий зиёратгоҳидир. Демокчимизки, бошлаган хайрли ишларимиз бардавомдир. Қолган 26 азизнинг тарихини ўрганиш тадқиқотчилар зиммасидаги вазифалардан биридир.

Юртимизда қадамжолар қанча кўп бўлса, шунча оз. Аждодларимиз меросини эъозлаш, асраш, келажак авлодга етказиш ва қадриятларимизни мустаҳкамлаш борасида қилинган ишлар таҳсинга сазовор. Шу билан бирга қилиниши лозим бўлган талай ишлар ҳам борки, уни кечиктириш қимматга тушиши аниқ. Биргина Наманган вилоятида 500 дан ортиқ меъморий обида мавжуд бўлса, уларнинг айримлари жиддий таъмирга, муҳофазага, қайта ҳаёт бахш этишга мухтождир.

Мухтарам Президентимиз томонидан бу йил “Соғлом бола йили” деб эълон қилингани ҳам халқимизнинг ўз она диёрига бўлган меҳру муҳаббатини яна бир бор намоён этади. Зеро, қаерда ободончилик ва поклик бўлар экан, ўша ерда кут-барак ва тинчлик-хотиржамлик ҳукм суради, фарзандларимиз ҳар жиҳатдан соғлом, баркамол ва бунёдкор бўлишади.

Ҳозирда Хўжа Аҳмад Валий зиёратгоҳини ҳам мамлакатимизнинг энг гўзал ва шукуҳли манзилларидан бирига айлантириш айни муддаодир. Юртимизнинг турли гўшаларидан, шунингдек, кўшни республикалардан сиҳатгоҳга келганлар Хўжа Аҳмад Валий қабрини зиёрат қилиб, бу гўшанинг ободлигидан кўнгиллари тоғдек кўтарилса қанийди! Бу нафақат сиҳатгоҳнинг, шунингдек, шаҳандликларнинг ҳам фаҳри ҳисобланади.

Хўжа Аҳмад Валий боғи ва зиёратгоҳини обод қилиш, қабр устига мақбара бунёд этиш, зиёратгоҳни вилоят “Олтин мерос” тасарруфига ўтказиш эзгу мақсадимиздир. Зеро, эзгу ишни кечиктириб бўлмайди. Камтарона изланишларимиз бебаҳо маданиятимиз ва қадриятларимиз илдизларини жонлантириш, уни замонавий-умумбашарий руҳ билан бойитишга хизмат қилади, деган умиддамиз. “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси Наманган вилоят бошқармаси бошлиғи Эркин ака Ҳасанов ҳам Хўжа Аҳмад Валий боғи ободонлаштирилиши, қутлуғ зиёрат-

гоҳга, маънавият-маърифат масканига айлантирилишига, яна бир “олтин мерос” ўз қадрини топишига хайрихоҳлик билдиргани кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди.

Ушбу рисола уч юз йилдан мўлроқ тарихнинг мухтасар баёнидирки, ҳали тарихнинг ўқилмаган саҳифалари бисёр, тадқиқотчиларнинг кўзи тушмаган ва қўли тегмаган осори-атиқалару тарихий кўлёмалар, ўрганилмаган зиёратгоҳлар талайгина. Юрт ишқи билан ёнган, фидойи ватандошларимиз ўз ҳудуди, вилояти, тумани, кишлоғи, маҳалласи, кўчаси, қолаверса, авлод-аждодларию етти пуштини, шунингдек, шажарасини билиши фойдадан холи эмас. Биз бошлаган иш албатта ўз давомчиларини топади, деган умиддамиз. Хўжа Аҳмад Валий ҳақида кўп ва хўп ёзилишига ишонамиз.

Шу ўринда Хўжа Аҳмад Валий қадамжосини ўрганишида ўзларининг самимий кўмаklarини берган Бурҳониддин эшон авлоди Равшанжон Қосимовга, “Олтин мерос” хайрия жамғармаси Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи Эркинжон Ҳасанов, Шаҳанд сиҳатгоҳи қурилишида бош-қош бўлган шижоатли инсон Сатимхон ҳожи Нурматовнинг фарзандлари Собиржон ака Нурматов ҳамда Баҳромжон ака Нурматов, Шаҳанд шифо масканининг биринчи раҳбари бўлган фидойи инсон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими Ривожиддин Мадаминов, Ўзбекистон Республикаси “Саломатлик – Р” МЧЖ раиси Раҳимахон Аминжонов, “Саломатлик-Р” МЧЖга қарашли Шаҳанд санаторийси шўъба корхонаси бош врачлари Умаржон Мўминов, Тўрақўрғон тумани шифохонаси бош шифокори бўлган, кардиолог врач Аҳмаджон ҳожи Худойназаров, гуртепалик Йўлдошали ота Холматовнинг оила аъзолари (Хўжа Аҳмад Валий ҳақидаги қисса муаллифи), Тўрақўрғон тумани ҳокими бўлган ва Хўжа Аҳмад Валий бозининг сақланиб қолишида фидокорлик кўрсатган Омонулла Исматуллаев, шаҳандлик Усмонжон ҳожи Бултуров, Солиной ота Мамажонов, Нурмуҳаммад ҳожи Абдурахимов, Одилжон Бултуров каби фидойи инсонларга самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Сўзни мухтасар қилиб, рисолаани ушбу шеъримиз билан
яқунлашни маъқул кўрдик:

Пайғамбар йўлини тутган, иймонни дилда жо қилган,
Аллоҳ азиз қилган Валий, руҳий мадад бўлинг бизга.
Хўжа Аҳмад Валий номингиз, Водилдадир маконингиз,
Улуғ муршидимиз бўлинг, руҳий мадад бўлинг бизга.
Бухоро Сизга ташна ҳамон, Шаҳандда ҳар дилда дoston,
Ислому учун кечдингиз жон, руҳий мадад бўлинг бизга.
Сиҳатгоҳнинг файзи Сиздан, кишлок тўқинлиги Сиздан,
Баркамоллик тимсолисиз, руҳий мадад бўлинг бизга.
Кўнгил дарчасини очдик, зиёратингиз учун шошдик,
Дуо қилиб, қўл очдик, руҳий мадад бўлинг бизга.
Рухимиз бўлиб равшан, файз олдик руҳингиздан,
Эй мақоми улуғ Валий, руҳий мадад бўлинг бизга.
Қутлуғ гўша – боғингизни обод қилмоқ эзгу мақсад,
Фарзандлик бурчимиз эрур, руҳий мадад бўлинг бизга.
“Яхшиликнинг мукофоти яхшиликдир” деди Аллоҳ,
Рухингиз шод бўлсин доим, руҳий мадад бўлинг бизга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ / Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

Каримов И. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда / Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулумиз. Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001.

Каримов И. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008.

Абдуллаев О. Наманган вилояти. Наманган, «Наманган» нашриёти, 1995.

Абдулла Жаббор. Наманган вилояти. Наманган, «Наманган» нашриёти, 2011.

Абдурахмонов М. Эл эъзози. Очерк. – Наманган, 2003.

Ислом тасаввуфи манбалари (Тасаввуф назарияси ва тарихи) / Тузувчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Х. Болтабоев. – Т.: «Ўқитувчи», 2005.

Исҳоқхонтўра Ибрат. Фарғона тарихи / Нашрга тайёрловчилар Хайдарбек Бобобеков, Маҳмуд Ҳасаний. – Т.: «Камалак», 1991.

Исҳоқова З. Тасаввуф таълимотида орифлик ва валийлик талқини (Монография). – Т.: «Абу матбуот консалт», 2011.

Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2009.

Маҳкамов И. Сотимбой ҳожи яратган боғ. Наманган, «Наманган» нашриёти, 2003.

Мирзо Олим Маҳдум ҳожи. Тарихи Туркистон. – Т.: Янги аср авлоди, 2009.

Нуъмонов Т. Гирвоннома. Наманган, «Наманган» нашриёти, 2006.

Равшанбек Қосимов. Юрт васфи. Шеърлар. – Т.: Олмос қилич, 2012.

Содиқ Сайхун. Тўрақўрғоннома. Наманган, «Наманган» нашриёти, 1992.

Содиқ Сайхун. Кўҳна гўша, қутлуғ кадамжо. Наманган, «Наманган» нашриёти, 2013.

Шаҳанд сихатгоҳи – дилтортар маскан. – Т.: Семурғ медиа, 2011.

Юсуфов Ш. Худоёрхон ва Фурқат. – Т.: «Шарқ», 1995.

Ўктам Мирзо. Наманганнома (Достон). Наманган, «Наманган» нашриёти, 1993.

Қосимов Й. Қадимги Фарғона сирлари. – Наманган, 1992.

Қулфиддинов Х. Водилга бир назар. Фарғона, «Фарғона» нашриёти, 2006.

Қулфиддинов Х. Жаннатмакон диёр. Фарғона, «Фарғона» нашриёти, 2006.

Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима / Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: «Чўлпон», 1992.

Ҳомиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари / Масъул муҳаррир Нажмиддин Комилов. – Т.: «Шарқ», 2004.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
Мозийга қайтиб.....	7
Хўжа Аҳмад Валий ким бўлган?.....	19
Хўжа Аҳмад Валий боғи	32
Бурҳонуддин эшон	38
Али Полвон	58
Алимбой Валий.....	61
Силсилаи шариф	72
Авлодлар шажараси	75
Бурҳонуддин эшон шажараси	76
Али Полвон шажараси	77
Бурҳонуддин эшон авлодлари.....	78
Алимбой Валий авлодлари	81
“Шаҳанд” шифо маскани курилиши.....	84
Табаррук маскан.....	88
Эзгу ишнинг кечи бўлмайди (хулоса ўрнида)	96
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	101

Оммабон нашр

ЗАМИРАХОН ИСХОҚОВА

ХЎЖА АҲМАД ВАЛИЙ

Мухаррир *И. Шоймардонов*

Бадий муҳаррир *А. Ақилов*

Техник муҳаррир *У. Ким*

Мусахҳих *З. Ирисбоева*

Саҳифаловчи *Б. Усмонов*

Нашриёт лицензияси. АІ № 111. Босишга 14. 07. 2014 йилда рухсат этилди.

Бичими 60x 84 $\frac{1}{16}$. Ҳажми 6,5. Адади 600 нусха.

Шартнома № 24-14. Буюртма № 27/07.

«YANGI NASHR» нашриёти,

100115 Тошкент, Чилонзор кўчаси, 1-уй.

Тел.: (99890) 998-60-96

Оригинал макет «Bilik-Print» МЧЖ корхонасида тайёрланди.

100115 Тошкент, Чилонзор кўчаси, 1-уй.

«O‘quv Ta’lim Metodika» ДУК босмахонаси.

Тошкент ш. Чилонзор тумани, Фурқат кўчаси, 174-уй.



Замирахон Исҳоқова 1970 йилда Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида туғилган. 1992 йилда Ўзбекистон Миллий университетининг Фалсафа факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаган. Фалсафа фанлари номзоди (2008), доцент (2010), Турон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси (2014).

Наманган Давлат университетининг “Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, фалсафа” кафедраси доценти.

“Тасаввуф таълимотида орифлик ва валийлик талқини” номли монография, 20 дан ортиқ илмий рисола ва ўқув қўлланмалар, 50 дан ортиқ илмий мақола ва тезислар муаллифи. “Мантикий масалалар”, “Илк диний тасаввурлар ва қадимги динлар”, “Буддавийлик”, “Нур Шарқдандир”, “Гўзаллик фалсафаси”, “Ҳаётбахш тариқат”, “Тасаввуф ва Шарқ фалсафаси”, “Машраб”, “Нажмиддин Кубро” китоблари нашр қилинган.

Ҳозирда “Ирфон ва унинг Шарқ фалсафий тафаккури ривождаги ўрни (X–XIII асрлар)” мавзусидаги докторлик илмий-тадқиқот иши химоя арафасида.

ISBN-978-9943-22-151-2



9 789943 221512

